

ЕКАТЕРИНА ШИРИНОВА

**ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ
ТЕРМИНОЛОГИЯСИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЕКАТЕРИНА ШИРИНОВА

ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ



ТОШКЕНТ –2020

Монографияда ўзбек тили банк-молия терминларининг тил системасида тутган ўрни, шаклланиш манба ва усуллари, соҳа терминларининг семантик ва структур хусусиятлари, банк-молия терминларини антропоцентриқ тадқиқ қилиш ва тартибга солиш масалалари ўрганилган. Китоб илм аҳлига, тилшуносларга, банк-молия соҳаси мутахассисларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Саодат Муҳамедова,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Наргиза Мусулмонова,
Филология фанлари номзоди

Зилола Салишева,
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техникавий кенгаши қарори билан нашрга тавсия этилган (2020 йил 24 октябрдаги 4-сонли баённома).

МУҚАДДИМА

Жаҳон тилшунослигида инсон лисоний захирасининг катта қисмини ташкил этувчи, муайян соҳаларга оид тушунчаларни ифодалаб, ушбу соҳа мутахассисларининг мулоқоти учун асос бўлиб хизмат қилувчи терминологик бирликларни ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж XX аср ўрталаридан кучайди. Бугунги кун учун муҳим бўлган, ижтимоий муҳит тақозо этаётган тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бу соҳалар лексикаси, яъни терминологиясини тадқиқ қилишдир. Терминологияни ўрганиш умумилмий аҳамият касб этади. Тараққий этган терминологик системалар ривожланган адабий тилларнинг муҳим белгиларидандир.

Дунё тилшунослигида терминологик системаларни ўрганиш зарурати юзага келмоқда. Зеро, фан-технология тараққиёти, ахборотларнинг чексиз оқими инсоният оламини тубдан ўзгартиришга кодир бўлаётган бугунги кунда терминологик бирликлар фаоллиги кузатилмоқда. Инсонларда соҳавий мулоқотга киришишга мойиллик ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда содир бўлаётган улкан ўзгаришлар, амалга оширилаётган туб ислохотлар, илм-фан тараққиёти, бошқа давлатлар билан олиб борилаётган яқин ижтимоий-иқтисодий алоқалар тилимизда ўз лисоний ифодасини топмоқда. Жамият ҳаётини банк-молия тизимисиз тасаввур қила олмаймиз. Шунга кўра республикамызда миллий иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланаётган бир вақтда банк-молия терминларини ўрганишга эҳтиёж катта. Зеро, «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда: «...мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш»¹ муҳим вазифалардан бири сифатида таъкидланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Маълумки, ҳар бир миллий тилда ўзига хос терминологик системалар мавжуд. Терминшуносликни ўзбек тилшунослигида жадал ривожланаётган соҳа сифатида эътироф этиш мумкин. XX асрнинг 60-йилларидан кейин ўзбек тилининг турли терминологик системаларини тадқиқ қилиш оммалашди. Ижтимоий ҳаёт банк-молия тизими соҳасида ҳам терминологик сатҳ бўйича тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

I БОБ. БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ТИЛ СИСТЕМАСИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ ТИЛШУНОСЛИҚДА ЎРГАНИЛИШИ

БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ТИЛ СИСТЕМАСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида туб бурилишлар, ислохотлар, инновациялар кузатилмоқда. Шубҳасиз, бу жараёнлар миллатнинг кўзгуси бўлмиш тилда ўз ифодасини топади. Тилдаги янгиланишлар замонавий тилшуносликнинг олдига бир қатор масалаларни кўндаланг қўяди. Тилнинг соҳавий тагсистемаси ўз ривожланиши ва тараққиёти баробарида умумтил системаси таркибига сингиб кетиб, унинг ажралмас қисмига айланиб боради. Илмий-соҳавий тушунчалар ўз ифодасини сўзлар, сўз бирикмалари, синтактик конструкцияларда топишга интилади, натижада терминлар юзага келади.

Сўнгги йилларда “термин” ўзбек ва жаҳон тилшунослигида энг муҳим тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Тўғри, “термин” тушунчасига аниқлик киритиш муаммоси бир неча авлод вакиллари диққат-эътиборида бўлган. Бироқ шунини таъкидлаш жоизки, бугунги ижтимоий ҳаётдаги туб бурилишлар: илм-фан ривожини, техника тараққиёти, иқтисодий ислохотлар терминини тадқиқ қилишни ҳамон тақозо этмоқда. Ўз навбатида, В.М.Лейчик айни масала юзасидан тўхталиб, шундай дейди: “Агар XX аср биринчи ярмида тилшунослар терминини луғат таркибининг узоқ бир периферияси сифатида қарашган бўлса, бугунги кунда, илмий-техника инқилобини бошдан кечирганимиздан кейин, унга муносабат кескин равишда ўзгарди. Айрим мутахассислар ҳисоб-китобига кўра ривожланаётган тиллардаги янги лексиканинг 80-90%ни терминлар ва бошқа махсус ЛБ (лексик бирлик)лар ташкил этишини инобатга олиш керак, зеро кўп олимлар томонидан эътироф этиладиган “тил интеллектуаллашуви” маълум

даражада тилда махсус лексиканинг кенг қўлланиши билан боғлиқдир”².

Ўзбек тили ҳам В.М.Лейчик назарда тутган ривожланаётган тиллардан биридир. Ўзбек тили бугунги ҳолатга келгунга қадар узок тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган, турли янгиланишлар замонида эса ҳар жихатдан бойиб, интеллектуаллашиб бормоқда. Бунинг яққол далили сифатида мамлакатнинг ички имкони натижасида Ўзбекистондаги молиявий барқарорлик, банклар фаолиятининг такомиллашуви ва жамият ҳаётига сингиб кетаётганлигини, пировардида, ўзбек тилининг банк-молия терминологияси шаклланганлигини кўриш мумкин. Бу жараён ҳар томонлама қувонарли бўлишига қарамадан, кишилар орасида терминларнинг маъносини тушуна олмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Ижтимоий ҳаётдаги муҳит, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши кабилар банк-молия терминларини билиш, англаш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Тил ҳам жамият билан биргаликда давр таъсири остида бўлади, шу боис макон ва замондаги ўзгаришлар терминологияни тинимсиз тадқиқот объектига айлантиради ва юқорида долзарблиги эътироф этилган банк-молия сингари соҳалар кесимида ўрганишни тақозо этади.

Термин тушунчаси тилшунос олимлар томонидан турлича талқин қилинади ва умумий бир таърифга эга эмас. Бу хусусда З.И.Комарованинг ишида қайд қилинишича, “Айрим олимлар терминга мантиқий изоҳ беришади; бошқа бир гуруҳ терминга хос белгиларни тушунтирган ҳолда унинг маъносини тавсифлашга ҳаракат қилишади; учинчи гуруҳ олимлари эса терминни бошқа бир бирликка қарама-қарши қўйиш йўли билан ажратадилар”³. Назаримизда, терминга (системалилик, моносемияга интилувчанлик, соҳавийлик) ва унинг пайдо бўлишига хос хусусиятлар (ички ясалиш, калькалаш, семантик калькалаш, ўзлашиш кабилар) бирор бир тил ёки соҳалар

² Лейчик В.М. Проблемы отечественного терминоведения в конце XX века // Вопросы филологии. – Москва, 2000. – С.20.

³ Комарова З.И. Семантическая структура специального слова и её лексикографическое описание. – Свердловск: Изд-во Уральского университета, 1991. – С.18.

кесимида чегара билмайди. Буни эса тил жараёнларига нолисоний омилларнинг фаол таъсири сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, термин – кўп аспектли бирлик бўлиб, бир наътнинг ўзида бир нечта фаннинг объекти бўла олади ва ҳар бир фан термин тушунчасига ўзига хос белги ва хусусиятларни киритишга уринади.

Таниқли ўзбек тилшуноси С.Усмонов қуйидаги таърифни келтиради: “Термин гапдан ташқарида олинганда ҳам маълум бир аниқ маъно ифодалайдиган сўз ёки турғун ҳолатдаги сўз бирикмасидир”⁴. Термин ҳам бошқа лексик бирликлар сингари аташ функциясига эга. Бир гуруҳ олимлар термин хусусиятларини лексик бирлик функцияси доирасида таҳлил қиладилар. У ерда термин махсус сўз эмас, балки сўзнинг махсус функцияси сифатида талқин қилинади. Рус тилшуноси Г.О.Винокур мазкур йўналиш асосчиси сифатида эътироф этилади. У биринчилардан бўлиб терминни “махсус функциядаги сўз”⁵ деб атайти ва биз назарда тутаётган аташ функцияси ҳақида фикр юритади. Г.О.Винокурнинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда Ҳ.Жамолхонов бу масалага нисбатан қуйидагича ёндашади: “Дарҳақиқат, терминнинг аташ функцияси асосий белгилардан бири. Аммо бу функция от туркумидан бошқа сўзларга ҳам хос. Демак, аташ функциясини термин билан сўз ўртасидаги асосий фарқ деб бўлмайди”⁶. Бу гоё кейинчалик В.Г.Гак, В.М. Лейчик, А.И.Моисеев, Б.Н.Головинларнинг тадқиқотларида ҳам ривожлантирилади. Д.А.Розарёнов томонидан ўринли қайд этиб ўтилганидек, “Терминнинг функционал назариясига кўра, деярли исталган сўз термин бўла олиши ва, аксинча, исталган термин терминлик хусусиятини йўқотиб, умумистеъмол сўзга ўтиб қолиши

⁴Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1968. – Б.4.

⁵Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии//Труды Московского Института истории, философии, литературы. – т. 5. –Москва, 1939. –С.3.

⁶Жамолхонов Ҳ.А. Термин, терминология ва омонимия ҳодисалари ҳақида баъзи бир мулоҳазалар (ботаника терминлари асосида) //Ўзбек тилшунослигининг айрим масалалари, ТДПИ, Илмий асарлар, 87-том. –Тошкент, 1972. –Б.34.

мумкин”⁷. Мазкур фикрдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, функционаллик нуктаи назари тарафдорлари терминнинг нисбийлик характери ҳақида фикр юритиб, терминология ва умумистеъмол лексикаси орасидаги чегаранинг шартли эканлигини исботлашга ҳаракат қиладилар. Биз ҳам ишда умумистеъмол сўзлари ва терминлар ўртасидаги чегаранинг шаффофлигини эътироф этамиз.

Б.Головиннинг қайд қилишича, “Термин—алоҳида олинган сўз ёки от бошқарувли сўз бирикмаси бўлиб, касбий тушунчани ифодалайди ва маълум бир касб доирасида (илм, техника, ишлаб чиқариш, бошқарув) соҳавий мулоқот эҳтиёжларини қондиради”⁸.

В.М.Лейчик эса “Термин – маълум тилнинг махсус мақсадларга йўналтирилган муайян бир фан, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқаришнинг умумий, конкрет, мавҳум тушунчаларини ифодаловчи лексик бирлигидир”⁹, – деб таърифлайди.

Л.В.Ивинанинг қайд қилишича, “Термин – илм-фаннинг инсон фаолияти доираси ва билиш назарияси махсус тармоқларининг асосий лексик бирлиги бўлиб, бир вақтнинг ўзида объект ва жараёнларни номлаш ва оламни англаш қуроли сифатида хизмат қилади”¹⁰.

Бизнингча, терминларнинг шаклланиши мамлакатлараро муносабатлар оқибатида юзага келувчи тиллараро алоқа, яъни турли оилаларга мансуб тилларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ. Нолисоний омилларнинг таъсири, айниқса, банк-молия терминологик системасида яққол ифодаланади. Мазкур терминологик соҳага эътибор унинг илмий ва амалий фаолиятдаги аҳамияти ва истеъмол даражаси билан белгиланади.

⁷ Розарёнов Д.А. Термин в современном художественном произведении (на материале английского языка): дисс...канд.филол.наук. –Тула, 2007.

⁸ Головин Б.Н. Типы терминосистем и основаниях их различия// Термин и слово. – Горький, 1981, – С.5.

⁹ Лейчик В.М. Терминовидение. Предмет, методы, структура. – Białystok: Uniwersitet w Białystoku, 1998. – С.5

¹⁰ Ивина Л.В. Номинативно-когнитивное исследование англоязычной терминосистемы венчурного финансирования: дисс...канд.филол.наук. – Москва, 2001. – С.13.

Банк-молия терминологиясини тадқиқ қилишда, шубҳасиз, банклар ва молия тизимининг пайдо бўлишига оид тарихий фактлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Айрим банк-молия соҳасига оид манбаларда “банк” терминининг келиб чиқишига оид хилма-хил фикрлар мавжуд. Айримларида “банк” термини италянча “банко” сўзидан келиб чиққан бўлиб, раста, дўкон маъноларини англатади¹¹; бошқаларида эса “банк” сўзи эски француз тилидаги “banque” сўзидан олинган бўлиб, “стол” деган маънони билдиради¹² сингари маълумотлар учрайди. Қадимги тарихий манбаларда банкларнинг вужудга келиши тўғрисида етарлича маълумотлар сақланмаган. Қатор олимларнинг фикрига кўра, дастлабки банклар XIV–XV асрларда энг аввал Италиянинг Венеция, Генуя каби шаҳарларида капитализмнинг мануфактура босқичи шароити асосида вужудга келган. Соҳа мутахассислари томонидан банкларнинг шаклланишида кредит операцияларини илмуомаласини амалга ошириш учун махсус муассасаларга ахтиёжнинг юзага келиши етакчи омил бўлганлиги эътироф қилинади¹³. Юқоридаги маълумотлардан банклар XIV–XV асрларда вужудга келган деган хулосага қўшилиш мумкин, лекин ўша пайтларда банк деб аталмаган бўлса ҳам, банк иши анча илгари даврлардан мавжуд бўлган. Тарихчиларнинг қайд қилишича, бу жараёнлар мил.ав.VIII асрларда бўлиб ўтган деб қайд қилинади¹⁴.

Молия соҳасига доир дасрликларда берилишича, “... молия – бу ҳамиша пул муносабатлари бўлиб, ушбу муносабатда илгирок этадиган томонлардан бири, албатта, давлат, маҳаллий ҳокимият ёки унинг ваколатини олган бирор орган бўлиши шарт”¹⁵. Банк эса, ўз навбатида, молия тизими институтларидан биридир.

¹¹Жарковская Е.П. Банковское дело: учебник. 4-е изд. –Москва: Омега-Л, 2006.– С.9.

¹²Банки и банковское дело. Под ред. И.Т. Балабанова. –Санкт Петербург: Питер, 2003. – С.10.

¹³Лаврушин О.И., Мамонова И.Д., Валенцова Н.И. Банковское дело: учебник. 7-е изд. –Москва: КНОРУС, 2008. -С.14.

¹⁴Жарковская Е.П. Банковское дело: учебник. 4-е изд. –Москва: Омега-Л, 2006.– С.9.

¹⁵Ҳайдаров Н. Молия (I қисм). –Тошкент: Академия, 2001. – Б.5-6.

Тилга система сифатида ёндашув илк бор Ф.де Соссюр таълимотида: “Тил ғояларни ифодаловчи белгилар системасидир” тарзидаги қарашларда ифодаланеди.

Тил яхлит бир система бўлиб, у, ўз навбатида, ўзига нисбатан қисм ва айни дамда система талабларига жавоб бера оладиган тагсистемалар йиғиндисидан иборат.

Ҳар қандай тил системаси ўзининг таркибидаги турли микро ва макросистемаларнинг ўзаро таъсири ва алоқаси асосида ривожланади. Тилшунос А.Ш.Собиров “Оз сонли фигуралар билан чексиз ҳосилаларни вужудга келтириш мумкин. Бу эса тилни система сифатида ўрганишнинг етакчи тамойилидир”¹⁶, – деб таъкидлайди.

Система тушунчасига берилган таъриф ва изоҳлар, мазкур тушунчанинг келиб чиқиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ҳам қатор адабиётларда келтириб ўтилган.

Лексика – йирик система. Унинг таркибига кирувчи терминга хос бўлган энг муҳим жиҳатлардан бири ҳам бу – системалилик. Айрим луғатларда *система* – *тизим* эквиваленти билан юритилади ва шундай изоҳ берилади: “Тизим – умумий белгиларга кўра бирлашган элементлар, бирликлар мажмуи”¹⁷. А. Нурмонов ва Ш. Искандароваларнинг “Тилшунослик назарияси” номли ўқув кўлланмасида системанинг ўзига хос хусусиятлари: ички бўлинувчанлик, системани ташкил этувчи узвларнинг ўзаро шартланганлиги, система ички тузилишининг поғонавийлиги, системанинг субстанционаллиги, система унсурларининг бир-бирини тақозо этиши кабилар хақида фикр юритилади ва системага шундай таъриф берилади: “Бир-бирини тақозо этувчи икки ва ундан ортиқ унсурларнинг ўзаро шартланган муносабатидан ташкил топган бутунлик система саналади”¹⁸. Тилшунос томонидан системага хос бўлган асосий белгилар сифатида қуйидагилар келтирилади:

¹⁶Собиров А.Ш. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: филол.фан.док...дисс. –Тошкент, 2005, –Б.4.

¹⁷Ножієв А., Нурмонов А. va б. Hozirgi o‘zbek tili faol so‘zlarining izohli lug‘ati.– Toshkent: Sharq, 2001. – B.336.

¹⁸ Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. –Тошкент: Фан , 2008. – Б.11.

- 1) система – бир бутун объект;
- 2) система – бир бутун объект элементлари;
- 3) элементлар ўргасида муносабат мавжуд¹⁹.

Системалилик терминларни тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маълум бир системага солинган терминлар орасидаги семантик ва структур муносабатларни тадқиқ ва тақдир қилиш қулай.

Терминологияни система сифатида биринчилардан бўлиб Д.С. Лотте қайд этади ва уни система сифатида белгиловчи учта талабни келтиради:

1) терминологик система тушунчаларни таснифлашга асосланиши лозим;

2) таснифловчи схемаларга асосланган ҳолда терминлашувчи белги ва тушунчаларни ажратиб олиш керак;

3) сўзлар терминлашувчи тушунчанинг бошқалари билан умумийлиги ва ўзининг хусусийлигини ифодалаши керак²⁰.

Бизнингча, маълум бир соҳага оид сўзлар терминологик системани ташкил қилиши учун:

1) салмоқли миқдорда бўлиши;

2) умумистеъмол сўзлар ва бошқа сатҳ терминларидан фарқ қилувчи хусусий маъноларга эга бўлиши ва ўз соҳаси учун муомала воситаси сифатида хизмат қилиши;

3) маълум мавзусий гуруҳларга бирикиши;

4) мазкур системанинг бошқа элементлари билан турли парадигматик (шакл ва маъно муносабатлари) муносабатларга киришиши;

5) умумий тил системаси ва бошқа терминологик система элементлари билан муносабатларга киришиши;

6) соҳа терминларини шакллантирган ва тараққий қилдирувчи усул ва манбаларга эга бўлиши лозим.

Қайд қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, терминологик система, ўз навбатида, ички мавзусий гуруҳларга бўлинувчи, мазкур майдонлар ва уларнинг элементлари ўргасида турли парадигматик муносабатлар: синонимия,

¹⁹ Пурмонов А., Искандарова Ш. Курсатилган манба.

²⁰ Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии // Вопросы теории и методики. – Москва, 1961.

омонимия, антонимия, паронимия, гипер-гипонимия (жинс-тур) ва ҳ.к. мавжуд бўлган очик, барқарор, мустақил, айни вақтда тилга нисбатан микро, ўз семантик гуруҳларига нисбатан макросистемадир.

Ўзбек тили банк-молия терминологиясини тадқиқ ва таҳлил қилиш жараёнида мазкур шартларнинг барчаси бажарилганлигини, яъни мавжуд эканлигини кузатиш мумкин:

1) миқдор жиҳатидан оладиган бўлсак, биргина таҳлилга тортилган банк-молия терминларининг ўзиёқ 500 тадан ортик;

2) мазкур терминологик сатҳга мансуб бўлган *аванс*, *банк*, *бартер*, *валюта*, *дебет*, *инвестиция*, *кредит*, *эмиссия* сингари терминлар банк ишларида ва молия тизимида фаол қўлланувчи муомала воситаси саналади. Банк-молия соҳасига оид матнлар таҳлил қилинганда уларда келтирилган сўзларнинг 30-50%ини банк-молия терминлари ташкил этиши аниқланди;

3) банк-молия терминлари “*Молия тизими терминлари*”, “*Банк иши терминлари*”, “*Қимматбаҳо қозғалар терминлари*”, “*Солиқ тизими терминлари*”, “*Ҳисобиёт терминлари*”, “*Суғурта терминлари*” сингари мавзусий гуруҳларга бирлашади;

4) банк-молия терминлари орасида синонимия (*аванс* – *бунак*, *акционер* – *ҳиссадор*, *маржа* – *спред*, *маклер* – *брокер* – *даллол*, *пеня* – *ўсим*), антонимия (*импорт* – *экспорт*, *актив-пассив*, *инфляция* – *дефляция*, *фойда* – *зарар*), гипер-гипонимия (*заём* – гипероним; *облигациясиз заём*, *йўқотишсиз заём*, *фоизсиз заём*, *муддатсиз заём*, *ташқи заём*, *ички заём*, *ютуқли заём*, *кафолатли заём*, *давлат заёми*, *олтин заём*, *компенсацияли заём*, *облигацион заём*, *опцион заём*, *очик заём*, *фоизли заём*, *мақсадли заём* – гипонимлардир), полисемия (*аутсайдр*, *депонент*, *лот*, *валюта*), омонимия (*агент*, *актив*, *капитал*, *пул*, *ринг*), паронимия (*абонент* – *абонумент*, *адресант* – *адресат*, *дебет* – *дебит*, *конъектура* – *конъюктура*, *фикс* – *фиск*, *экспонат* – *экспонент*) сингари парадигматик муносабатлар мавжудлиги аниқланди. Бундай муносабатлар нафақат банк-молия терминологик системаси доирасида, балки тил системасининг бошқа сатҳларида ҳам юзага келиши мумкин;

5) банк-молия терминологик системасига оид терминлар кўпий тил системаси ва бошқа терминологик система элементлари билан муносабатларга киришади, яъни улар расида терминлашиш, транстерминлашиш, детерминлашиш каришлари кузатилади.

6) банк-молия терминлари аффиксация, композиция, синтактик, сингарии сингари усуллар ҳамда терминлашиш, транстерминлашиш жараёнлари натижасида ўз ва ўзлашган тлам бирликлари асосида кўпайиб боради.

Банк-молия соҳаси терминологиясининг қўлланиш доираси боғли аҳамиятга молик эканлигини, мазкур соҳа давлат тиймий-иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги жуда муҳим тармоқ иқисодини билиш мақсадида www.lex.uz конун хужжатлари иқисодлар базасига мурожаат қилинди. www.lex.uzда банк иқисоди алоқадор бўлган 1965 йилда 2 та ва 1991 йилдан 2017 йилга қадар эълон қилинган жами 2162 та хужжат мавжуд бўлиб, уларнинг 1479 таси амалда, 8 таси амалда эмас, 675 таси қучини йўқотганлиги маълум бўлди.

Йиллар бўйича тақсимот

2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
133	64	68	110	116	102	82	83	109	111	110	76	78	96	78	130	64	53

Қонун хужжатларини қабул қилган орган бўйича миқдорий тақсимоти

1.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (44)
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти (172)
3.	Ўзбекистон ССР Президенти (2)
4.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (419)
5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамаси (4)
6.	Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (14)
7.	Ўзбекистон ССР Олий Совети (4)
8.	Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати (2)

9.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (178)
10.	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси (70)
11.	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси (10)
12.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (26)
13.	Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди (6)
14.	Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги (8)
15.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (10)
16.	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (2)
17.	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (10)
18.	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги (2)
19.	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси (8)
20.	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси хузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси (6)
21.	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси қошидаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (16)
22.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази (2)
23.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Бош архив бошқармаси (2)
24.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (1355)
25.	«Асака» акциядорлик-тижорат банки (2)
26.	Ўзуйжой жамғарма банки (4)
27.	Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси (2)
28.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (20)
29.	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат кўмитаси (2)
30.	Тошуйжой жамғарма банки (4)
31.	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси хузуридаги Иқтисодий ночор аҳволдаги корхоналар билан ишлаш кўмитаси (10)
32.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни

13.	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (8)
14.	Ўзбекистон Республикаси Давлат банки (4)
15.	Бошқалар... (4)
16.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати (16)
17.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши (10)
18.	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (2010) (8)
19.	Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (4)
20.	Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (10)
21.	Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази (4)
22.	"Ипотека банк" АТИБ (2)
23.	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (2)
24.	Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъати (30)
25.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши (10)
26.	Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (2)

БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТДАН ЎРГАНИЛИШИ

Терминшунослик анча ривожланган соҳа бўлиб, у бўйича турли соҳалар кесимида жаҳон тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган: номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Маълумки, илм-фандаги ҳар қандай тадқиқот объекти сифатида танланган муаммонинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти унинг назарий жиҳатдан қай даражада ўрганилганлиги, жамият ҳаётидаги ўрни билан белгиланади.

Тадқиқот объекти сифатида танланган ва айна давр нуқтаи назари билан баҳолаганда жамият ҳаётининг муҳим бир тармоғи бўлган банк-молия терминологияси дунёдаги барча тилларда мавжуд.

Жаҳон илм-фанида банк-молия терминологияси асосий, муҳим муаммолардан биридир. Чунончи, ғарб мамлакатлари тилшунослигида бу соҳа илмий ва амалий тадқиқотлар, соҳага доир луғатлар, қўлланмаларни нашр қилиш объекти сифатида гавдаланади.

Молия, банк иши, иқтисодиёт каби соҳаларга доир салмоқли ишлар Буюк Британия ва АҚШнинг таълим муассасаларида илғор мутахассислар томонидан амалга оширилган. Молия, банк иши соҳасига доир электрон ва нашрдан чикқан бир қанча терминологик луғатлар яратилган²¹.

Шунингдек, Буюк Британия, АҚШ, РФнинг йирик банклари сайтларидаги электрон маълумотлар асосида тузилган банк ишига доир инглиз ва рус тилларидаги корпуслар²²ни алоҳида қайд қилиб ўтиш жоиз.

²¹ Фёдоров Б. Г. Новый англо-русский банковский и экономический словарь. – Санкт-Петербург, 2006; Экономическая Энциклопедия. – Москва, 1999; Найденова Н. С. Терминологический словарь по банковскому делу и финансам на 4-х языках: русско-англо-французско-испанский. – Москва: ООО «Русский язык - Медиа», ИКЦ Академкнига 2005; Беделадзе, Ниёзматов Ш. Инглизча-ўзбекча-русча тижорат луғати. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ меъроси, 1977; Либман Г. И., Филатов О. К. Қисқача иқтисодий луғат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988. -334 б.; Тўхлиев Н. Ишбилармонлар луғати. – Тошкент, 1993; Дўстмухаммедов Ж. Инглизча-русча-ўзбекча иқтисодиёт атамалари луғати. 1994; Ҳайдар М. Иқтисод-банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минҳож, 1996; Мусаев К. М. Иқтисодиёт. Молия. Банк. Тижорат: инглизча-ўзбекча луғат. Беш жилдлик. Т. I. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998; Саиджонов С. Й. Бозор иқтисодиётига доир баъзи атамаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000; Эргашев Т. Иқтисодий атамаларнинг ўзбекча-инглизча-русча луғати. – Тошкент: Шарк, 2001; Мусаев К. М. Инглизча-русча-ўзбекча иқтисодий луғат. 2 жилд. – Тошкент: Фан, 2001; Каримова И. Банк терминларининг французча-русча-ўзбекча луғати. – Тошкент: Маънавият, 2002; Полвон М. Словарь современного бизнеса: (русско-узбекский) = замонавий ишбилармон луғати. – Ташкент: Адолат, 2008.

²² The Bank of England (www.bankofengland.co.uk). The HSBC Bank (www.hsbc.co.uk/1/2) The Lloyds Banking Group (www.lloydsbankinggroup.com). The Barclays Bank (www.barclavs.com). The Royal Bank of Scotland Group (www.rbs.com). The National Westminster Bank (www.natwest.com) The Citizens Bank (www.citizensbank.com). The Ulster Bank Group (www.ulsterbank.co.uk/group.asp). The Co-operative Bank (www.co-operativebank.co.uk). The Cheltenham & Gloucester

Ишланишларимиз натижасида маълум бўлдики, биргина XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигининг ўзидаёқ рус тилишунослигида 40 га яқин банк, молия, иқтисод каби соҳалар терминологияларини турли аспектларда, хилма-хил жиҳатларига аҳамият қаратган ҳолда тадқиқотлар амалга оширилганлигини, шунингдек, мазкур соҳалар терминологияси рус тили ва бошқа тиллар орасида қиёсий аспектларда ўрганилганлигини ҳам кузатиш мумкин. Ушбу тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, гарчи улар битта соҳа терминологиясини тадқиқот объекти сифатида танлаган бўлсалар-да, мазкур диссертациялар бир-биридан ўрганилган даврлари жиҳатидан фарқланади. Шунингдек, баъзи бир тадқиқотларда терминларнинг структурал жиҳатларига, айримларида эса семантик хусусиятларига алоҳида урғу бериб ўтилади. Кўриб чиқилган илмий тадқиқотларнинг аксарият қисми синхрон планда амалга оширилган бўлиб, бир қанча диахрон планда ишланган диссертацияларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, А.Ш.Давлетукаеванинг «Иқтисод терминологияси ривожланишининг диахрон аспекти» мавзусидаги номзодлик

Bank (www.cheltglos.co.uk). The Bradford & Bingley Bank (www.bradford-bingley.co.uk) ёки (www.bbg.co.uk). The Alliance & Leicester Bank (www.alliance-leicester.co.uk). The Birmingham Midshires Bank (www.askbmi.co.uk/home.asp). Coutts & Co (www.coutts.com). Halifax (www.halifax.co.uk). The Reliance Bank (www.reliancebankltd.com). The Woolwich Bank (www.woolwich.co.uk). The Northern Rock Bank (www.northernrock.co.uk). The Abbey Bank (www.abbey.com): The Federal Reserve System - USA (www.federalreserve.gov). The Associated Bank (www.assocbank.com). The Bank of America (www.bankamerica.com). The Charter One Bank (www.charterone.com). The Citibank U.S. (www.citibank.com). The Continental Savings Bank (www.continentalsavings.com). The Fleet Bank (www.fleet.com). The MBNA America Bank, N.A. (www.mbnainternational.com). The Mellon Bank Corp. (www.mellon.com). The Raymond James Bank, FSB (www.ribank.com). The Safeway Select Bank (www.safewayselectbank.com). The SouthTrust Bank (www.southtrust.com). The State Farm Bank (www.statefarm.com/bank/). The SunTrust Banks Inc. (www.suntrust.com): Сбербанк России (www.sbrf.ru). Газпромбанк (www.gazprombank.ru). Россельхозбанк (www.rshb.ru). БанкМосквы (www.bm.ru), Альфа-Банк (www.alfabank.ru). ЮниКредитБанк (www.unicreditbank.ru), ВТБ 24 (www.vtb24.ru). Росбанк (www.rosbank.ru). Уралсиб (www.bank.uralisib.ru), Промсвязьбанк (www.psbank.ru). МДМ-Банк (www.mdmbank.ru), Номос-Банк (www.nomos.ru). Ситибанк (www.citibank.ru). Петрокоммерц (www.pkb.ru), Связь-Банк (www.sviaz-bank.ru). Русский Стандарт (www.bank.rs.ru) ва б.

диссертациясида иктисодий терминларнинг шаклланиши хусусида тўхталиб ўтилган²³. Олима ўз тадқиқотида “диахроник дарахт” тушунчасини қўллайди. Ушбу тушунча соҳа терминларининг турли луғатларда берилган кўпмаънолилик, омонимлик хусусиятларини ёритишда ва улардаги маънони оидинлаштиришда анча аҳамиятлидир.

Б.Н.Рахимбердиевнинг «Рус тили иктисодий терминологияси семантикасининг XX асрдаги эволюцияси» номли номзодлик диссертациясида²⁴ лексик маънонинг тузилиши, диахрониядаги лексик-семантик ўзгаришлар, полисемия ва уларни тадқиқ қилиш методлари, терминологик лексиканинг хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

А.Т.Худойберганованинг «Банк терминологияси таржима-идеографик луғатининг тузилиш принциплари»²⁵ мавзусидаги номзодлик диссертацияси рус, инглиз ва қозоқ тиллари доирасида амалга оширилган бўлиб, унда банк терминологиясининг идеографик таржима луғатини тузиш тамойиллари хусусида маълумотлар келтирилган.

Диахрон пландаги тадқиқотлар қаторига Е.Мароевичнинг «XI–XVII аср қадимги Рус ёзма обидаларида савдо-иктисодий лексикаси» мавзусидаги номзодлик диссертацияси²⁶ ни ҳам қиритиш мумкин. Тилшуносликда амалга оширилган диахроник тадқиқотлар замонавий тилшуносликда олиб борилаётган синхроник тадқиқотларнинг аниқроқ, асослироқ бўлишига ёрдам беради.

Тилшуносликда бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш жараёни, лексик қатламнинг барча сатҳларида бўлгани каби терминологиянинг тараққиётида ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Бироқ ушбу жараёнда ҳам маълум бир муаммоларга дуч

²³ Давлетукаева А.Ш. Диахронический аспект развития экономической терминологии: автореф...канд.филол.наук. –Москва, 2002.

²⁴Рахимбердиев Б. Н. Эволюция семантики экономической терминологии русского языка в XX веке: дисс...канд.филол.наук. –Москва, 2004.

²⁵ Худойберганова А.Т. Принципы построения переводного идеографического словаря банковской терминологии (на материале русского, английского и казахского языков: автореф. дисс...канд.филол.наук. –Алматы, 2003.

²⁶Мароевич Е. Торгово-экономическая лексика в памятниках древней Руси XI–XVII вв.: дисс...канд.филол.наук. –Москва, 2004.

велинини табиий. О.В.Довбишнинг «Инглиз тили молия терминологияси ва уни рус тилига таржима қилиш муаммолари»²⁷ мавзусидаги номзодлик диссертациясида шу жиҳат масалалар, жумладан, инглиз тилининг молия терминологияси ва ушбу соҳа терминларини рус тилига таржима қилишда учрайдиган муаммолар хусусида фикр юритилади ҳамда рус ва инглиз тилида мавжуд бўлган молия терминлари семантик, семасиологик сатҳларда қиёсий аспектда тадқиқ қилинган, уларнинг мазкур сатҳлар кесимидаги умумий ва фарқли хусусиятлари баён қилинган.

Жаҳон тилшунослигида молия, иқтисодиёт, банк терминологиялари бўйича қиёсий-тарихий ва типологик аспектларда ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бундай тадқиқотлар сирасига А.Н.Зарипованинг «Немис, рус, татар тилларидаги иқтисодиёт терминологияси»²⁸ мавзусидаги номзодлик диссертациясини киритиш мумкин. Мазкур ишда қиёсланувчи тилларда терминни тадқиқ қилиш назарияси асослари, иқтисодиёт терминологиясининг тадқиқот объекти сифатида танланган тиллардаги сифат ва миқдор таркиби баён қилинади. Шунга ўхшаш аспектда олиб борилган тадқиқотлар қаторига О.В.Бараннинг «Француз ва рус тилларидаги иқтисодиёт терминосистемаларини замонавий неология аспектида қиёсий ўрганиш», Н.В.Гаврилованинг «Француз, инглиз ва рус тилларида халқаро иқтисодиёт амалий терминологияси тезаурус аспектида»²⁹ кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Жаҳон тилшунослигида молия, иқтисодиёт, банк соҳалари терминологияси бўйича маълум тиллар доирасида амалга

²⁷Довбиш О.В. Английская финансовая терминология и проблемы её перевода на русский язык: дисс...канд.филол.наук. –Москва, 2003.

²⁸Зарипова А. Н. Экономическая терминология в немецком, русском, татарском языках: дисс...канд.филол.наук. –Казань, 2004.

²⁹Баран О.В. Сопоставление экономических терминосистем во французском и русском языках в аспекте современной неологии: дисс...канд.филол.наук. –Москва, 2005; Гаврилова Н.В.Деловая терминология международной экономики во французском, английском и русском языках в тезаурусном аспекте: дисс...канд.филол.наук. –Екатеренбург, 2009.

оширилган соф назарий мазмунда тадқиқотларни ҳам учратиш мумкин³⁰.

Қолаверса, рус тилшунослигида молия, иқтисодиёт терминологиясининг маълум бир тармоғи бўйича ёки фақатгина маълум бир давр кесимида олиб борилган тадқиқотлар ҳам мавжуд³¹.

Терминшуносликда молия, иқтисодиёт терминологияси маълум бир давр кесимида ўрганилган тадқиқотлар³² ҳам муҳим аҳамият касб этади. Европа тилшунослигида амалга оширилган ва терминология, шунингдек иқтисодиёт, молия, банк соҳалари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир қатор диссертациялар³³ мавжуд. Бундан ташқари, рус

³⁰ Покровская О.А. Украинская терминология рыночных отношений: дисс...канд.филол.наук. –Харьков, 1996; Юматова М.К.Экономическая терминология в татарском литературном языке: дисс...канд.филол.наук. –Казань, 2007; Моряхина Н.В. Формирование и функционирование терминологии менеджмента в русском языке: дисс...канд.филол.наук. –Казань,2008; Скворцова И.В. Особенности экономической терминологии современного арабского языка: дисс...канд.филол.наук. –Москва, 2008; Шетле Т.В.Англоязычная терминология банковского дела в языковой и речевой практике: дисс...канд.филол.наук. –Москва, 2010; Лотка Е.Н. Англоязычная терминология финансово-экономических взаимоотношений: дисс...канд.филол.наук. –Киев,2010.

³¹Махницкая Е.Ю. Метафора в современном экономическом дискурсе и принципы её лексикографического описания: дисс...канд.филол.наук. –Ростов на Дону,2003; Грифонова Е.Н.Полисемия банковских терминов в английском языке: дисс...канд.филол.наук. –Омск,2004;Сидоренко Ю.Н. Пути формирования английской биржевой терминологии: дисс...канд.филол.наук. –Омск,2005; Акинин Ю.В.Детерминологизация единиц языка экономики и бизнеса в современном русском языке: дисс...канд.филол.наук. –Самара,2010;Просвирнина Л.Г. Экстралингвистическая обусловленность и особенности образования сокращений в английской экономической терминологии: автореф. дисс...канд.филол.наук. –Омск, 2011.

³²Калганова Г.Ф.Функционирование татарского языка в финансово-экономической сфере: с конца XIX века по настоящее время: дисс...канд.филол.наук. –Казань, 2006; Корвушкина Е.В.Развитие кредитно-финансовой терминологии в русском языке второй половины XIX – начала XX века: семасиологический и системно-структурные аспекты: дисс...канд.филол.наук. –Вологда,2006; Кайтукова Е.Г. Способы образования и пути развития турецкой экономическом терминологии 60-90 гг XX века: дисс...канд.филол.наук. –Москва, 2007.

³³ Варламов В.А.Структурно-семантические особенности подязыка Business English: на материале тематической группы “Финансы”: дисс...канд.филол.наук.–Санкт-Петербург, 2004; Труфанова Н. О. Проблемы номинации лиц в финансово-экономической терминологии: на материале русского и английского языков: дисс...канд.филол.наук. –Москва,2006; Майтова А.В. Терминосистема предметно-

тилушуослигида нафақат молия тизими терминологиясини, балки барча соҳалар терминологиясини ишлаш жараёнида муҳим бўлган терминнинг умумий назарияси К.Я.Авербухнинг «Умумий термин назарияси»³⁴ мавзусидаги докторлик диссертациясида ўз ифодасини топган.

Ўзбек тилшунослигида соҳалар терминологиясининг жадал суръатларида тадқиқ қилинганлигини тилшуносларимиз тавонидан педагогика, полизчилик, кимё, ботаника, заргарлик, тиббиёт, китобатчилик, солиқ, экология каби соҳалар терминологиясининг ўрганилганлигида кўришимиз мумкин³⁵. Ўзбек тилшунослари Х.Жамолхонов, Р.Дониёров, Д.Х.Бозорова, А.И. Қосимов, А.Мадвалиев, Х.Дадабаев, И.Йўлдошевлар ўзбек тили терминологик тизимларининг тил қусусларини чуқур ўрганиб, соҳалар терминларини тартибга солиш масалаларини тадқиқ қилганлар. Аммо терминология кичиклик ўрганилмасин, тадқиқ қилинмасин, жамият фаолияти натижасида тил системасида янги-янги соҳалар ва уларга мос равишда соҳавий тил бирликлари юзага келаверади. Демак,

специального языка "Банковское дело" в лингвокогнитивном аспекте: дисс...канд.филол.наук. –Саратов,2008.

³⁴ Авербух К.Я. Общая теория термина: дисс...док.филол.наук. –Иваново, 2005.

³⁵ Дақмаишанов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии: Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Ташкент, 1966; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. –Тошкент, 1977; Бозорова Д.Х. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка. –Ташкент, 1978; Касымов А.И. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке: автореф. дисс... канд.филол.наук. –Ташкент, 1982; Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации: автореф. дисс...канд.филол.наук. –Ташкент, 1986; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв. –Ташкент, 1991; Мирахмедова З. Ҳозирги ўзбек тилининг анатомик терминологияси: филол.фан.номз...дисс. –Тошкент, 1994; Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс...канд.филол.наук. –Ташкент., 2000; Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш: филол.фан.док...дисс. –Тошкент, 2005; Адиханов Д. Формирование экономической терминологии в современном арабском литературном языке: дисс...канд.фил.наук. –Ташкент., 2010; Аҳмедов О.С. Солиқ ва божхона терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига берилиши: филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2011; Джурабаева З.А. Ўзбек тилида экологик терминлар: филол.фан.бўйича PhD дисс.автореф. –Тошкент, 2018.

терминшунослик учун ҳамиша янги тадқиқот объектлари шаклланиб бораверади. Мана шундай жараён, яъни давлат ва жамиятдаги кескин ўзгаришлар, жадал тараққиёт натижасида жамият ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланиб бораётган банк-молия терминлари ўзбек тилининг лугат таркибидан тобора мустақкам ўрин эгаллаб бормоқда. Ушбу соҳанинг ниҳоятда аҳамиятлилиги сир эмас. Шундай экан, мазкур соҳа терминологиясини тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ҳам бугунги кун ва эртанги тараққиёт учун жуда муҳим. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, банк-молия терминологияси ўзбек тилида тизим сифатида анча шаклланиб бўлган, аммо мазкур терминологик тизим шу пайтга қадар ўзбек тилшунослигида монографик планда деярли тадқиқ қилинмаган. Мутлақо ўрганилмаган дейиш нотўғри, чунки Ч.С.Абдуллаеванинг «Ҳозирги иқтисодий терминологиясидаги русча-ўзбекча параллеллар»³⁶ мавзусидаги номзодлик диссертациясида ушбу соҳалар терминологиясининг баъзи жиҳатларига рус ва ўзбек тиллари нуқтаи назаридан қиёсий аспектда тўхталиб ўтилган. Иқтисод фанлари доктори Ш.Х. Ташматов “Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи” мавзусидаги докторлик диссертациясида³⁷ мамлакатимизда банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилган. Шунингдек, соҳага доир дарсликлар, луғатлар, ўқув қўлланмалари, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар чиқарилган бўлиб³⁸, айнан шу каби адабиётларда

³⁶ Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс... канд. филол. наук.—Ташкент, 2000. 194 б.

³⁷ Ташматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: иқтисод фан. док...дисс.—Тошкент, 2006. 288 б.

³⁸ Маликов Т. Молиявий менежмент: монография. —Ташкент: Академия 1999; Ўзбекистон Республикаси банк тизими/ Ф.М.Муллажонов таҳрири остида. — Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001; Ҳайдаров Н. Молия. — Ташкент: Академия, 2001.; Шодиев Ҳ. Молия статистикаси: дарслик. —Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2002; Ивина Л.В. Терминология венчурного финансирования: учеб. пособие для вузов. — Москва, 2002. -255 с.; Аникеева А.А. Эволюция налоговой терминологии и развитие форм налогов. —Волгоград, 2002; Инкотермс-200. Международные правила толкования торговых терминов. — Нева, 2003; Банки и банковское дело. —Санкт-Петербург, 2003; Вадейко Е.И. 350 терминов и понятий по рыночной экономики.— Москва: МГУЛ, 2005; Жарковская Е.П. Банковское дело: учебник. 4-е изд. —Москва,

Ушланган терминларни таҳлил қилиш орқали мазкур соҳани буюрроқ ва ҳар томонлама тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослиги олдига турган долзарб масалалардан биридир.

Иқтисодиёт давомида маълум бўлишича, Алишер Навоий қуддий кутубхонаси фондида банк-молия терминологиясига алоқадор бир қатор лугатлар мавжуд³⁹. Тадқиқот давомида мана шу манбалардан олинган терминлар таҳлили кўриб чиқилади.

Файзуллоев О.Ю., Алимов И.И., Тоймухамедов И.Р., Тожиев Р.Р. Пул, кредит ва банклар дарслик. –Тошкент:ТДИУ, 2008.

Ҳасанов С., Нисоматов Ш. Инглизча-ўзбекча-русча тижорат лугати. –Тошкент: А. Бекриев номлидаги халқ мероси, 1977; Либман Г.И., Филатов О.К. Қисқача ақсоқол лугат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988; Назарян А.Г. Французско-русский учебный словарь лингвистической терминологии. – Москва: Высшая школа, 1989; Ғуламиев Н. Ишбилармонлар лугати. – Тошкент, 1993; Дўстмухаммедов Ж. Ногайча-русча-ўзбекча иқтисодий атамалари лугати. – Тошкент, 1994; Ҳайдар М. Петисод-банк изоҳли лугат: монография. –Тошкент: Минхож, 1996; Розенберг Д.М. Бизнес. Менежмент: Терминологический словарь. – Москва: ИНФРА-М, 1997; Бернар И. Толковый экономический и финансовый словарь: франц., рус., нем., испан. терминология: в 2 т. Т.1. –Москва, 1997; Бернар И. Толковый экономический и финансовый словарь: франц., рус., англ., нем., испан. терминология: в 2 т. Т.2. –Москва: Международные отношения, 1997; Курбонов Ш. Менежмент бўйича қисқача лугат. – Тошкент, 1998; Гагаулин А.М. Экономическая терминология: толковый терминологический словарь. –Москва: Колос, 1998; Мусаев К.М. Петисодиёт. Молия. Банк. Тижорат: инглизча-ўзбекча лугат. Беш жилдик. Т.1. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998; Саиджонов С.И. Бозор иқтисодиётига доир баъзи атамаларнинг изоҳли лугати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000; Эргашев Т. Иқтисодий атамаларнинг ўзбекча-инглизча-русча лугати. – Тошкент: Шарқ, 2001; Кураков В.Л. Маркетинг и менежмент: словарь-справочник. – Москва: Вуз и школа, 2001; Мусаев К.М. Инглизча-русча-ўзбекча иқтисодий лугат. 1-жилд; 2-жилд. – Тошкент: Фан, 2001; Батрасов В.И. Экономический словарь справочник. – Муром, 2001; Кушнецов А.В. Испанско-русский словарь терминологии Международного валютного фонда. – Москва, 2001; Семенов А.К. Терминология менежмента: словарь. – Москва, 2002; Каримова И. Банк терминларининг французча-русча-ўзбекча лугати. – Тошкент: Маънавият, 2002; Новый экономический и юридический словарь : 10000 терминов // Под ред. Азрилияна А.Н. - Москва: Институт новой экономики, 2003; Агеева Ю.Б. Экономический словарь (для бухгалтеря, аудитора, директора) – Москва: Бератор, 2003; Ермеленко А.В. Испанско-русский, русско-испанский терминологический словарь: банки, биржи, финансы. –Москва: Тезаурус, 2004; Боркова Е.А. и др. Словарь по экономической терминологии: в 2 ч. –Ч.1: Микроэкономика–Новосибирск: СибУПК, 2004; Максимова Г.В. Экономическая терминология: англо-русский словарь сокращений. – Волгоград: ВолГУ, 2004; Кураков и др. Краткий словарь-справочник по экономике.– Москва: Вуз и школа, 2004; Белорусова В.А. Испанско-русский, русско-испанский коммерческий словарь.– Москва: Русский язык, 2005; Факов Д.Я. Финансовый словарь: в 2 т. –Москва: Международные отношения, 2005;

II БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАКҚИЁТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Тил ўз тараққиёти давомида узоқ ва мураккаб эволюция жараёнини бошдан кечиради. Ҳар бир тилнинг пайдо бўлиш ва яшаш даври, тараққиёт жараёнлари турличадир. Тилнинг бугунги ҳолати ва истиқболдаги ривож бевосита унинг тарихига чамбарчас боғлиқ. Шу боис тилшунослик фанининг таркибида этимология, яъни сўзларнинг келиб чиқишини ўрганувчи фан тармоғи юзага келган.

Тилнинг луғат таркибидан жой олган сўзлар этимологиясини ўрганиш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, у тил тараққиётини халқларнинг турмуш тарзи, маданияти, қўшничилик алоқалари билан чамбарчас ўрганишни тақозо этади.

Тил – система сифатида шаклланиш манбаларига эга бўлиш талабига жавоб беради. Шу билан бирга, у кўплаб системаларнинг йиғиндисидан таркиб топган макросистема ҳамдир. Демак, макросистема таркибидаги системалар ҳам мазкур талабга жавоб бериши лозимлиги табиий. Ўзбек тили нуқтаи назаридан баҳолаганда унинг таркибидаги системалардан бири бу – банк-молия терминологиясидир. Бутун – бўлак муносабати асосида баҳолайдиган бўлсак, банк-молия терминлари ҳам луғат таркибидан жой олган бошқа лексик бирликлар сингари ўз этимологиясига эга. Албатта, ўзбек тилининг таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаган барча

Найденова Н.С. Терминологический словарь по банковскому делу и финансам 4-х языках: русско-англо-французко-испанский. – Москва: Академкнига, 2005; Россик Е.Я. Толковый словарь экономических терминов и понятий. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2006; Прокопьева Н.Н, Плисов Е.В. Немецко-русский и русско-немецкий экономический словарь. – Москва: Центрополиграф, 2007; Гордеева Е.В. Словарь экономических терминов. – Пермь: Поницаа, 2007; Полвон М. Словарь современного бизнесмена: (русско-узбекский) = Замонавий ишбилармон луғати. – Ташкент: Адолат, 2008.

ўзгариши келиб чиқиши ва манбалари бир хил эмас. Соҳага оид адабиётларда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш ва ҳақиқат ҳуноса қилиш мумкинки, фикр юритилаётган банк-молия терминологияси ўзбек тилидаги бошқа терминологик системалар бирликлари ва умумтил лексикасига нисбатан кенгайроқ пайдо бўлган қатламдир.

Бугунги тараққиёт ва турмуш тарзи банк тизими фаолиятининг назарий ва амалий масалаларига, мазкур тизимнинг турли тарихий босқичлардаги ривожланишини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора кучайиб боришига сабаб бўлмоқда. Банклар фаолиятининг иқтисодий масалалари, уни тартибга солиш, банк менежментининг назарий ва амалий масалалари, банк тизимини ривожланиш жараёнлари МДХ давлатларининг иқтисодчи олимларидан А.В.Аникин, Г.Н.Анулова, П.Ю.Воронов, И.Р.Гиндин, Г.М.Гамидов, Р.Ф.Жуков, О.И.Лаврушин, У.Тимотти, В.М.Усоскин, А.Н.Шаров ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган, таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда банк тизимини ривожлантириш муаммоларига иқтисодчи олимлар ва амалиётчилар томонидан иқтисодий эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда банк тизимининг институций-иқтисодий моҳияти, унинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи эса Ш.Х.Тошматов томонидан тизимли равишда тадқиқ қилинган⁴⁰.

Банк-молия тизимининг пайдо бўлиши анча мунозарали, баҳс-танаб масала сифатида эътироф этилади. Иқтисодиётга доир аксарият адабиётларда⁴¹ дастлабки банклар, XIV асрларда Италиянинг Венеция, Генуя, Милан каби савдо шаҳарларида жамоат банклари мавжуд бўлишига қарамасдан, XVII асрда Англияда мануфактура ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши билан вужудга келган деб ҳисоблаб келинади. Шу нуқтаи назардан, Ш.Тошматовнинг қайд қилишича, бозор

⁴⁰ Тошматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: иқтисод.фан.док...дисс. –Тошкент, 2006. –288 б. – Б.6-7.

⁴¹Қурап: Лаврушин О.И. и др. Банковское дело: учебник.–Москва:КНОРУС, 2005. – С.14-15; Тошматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: иқтисод.фан.док...дисс. –Тошкент, 2006. –Б.15.

иктисодиётининг алоҳида институти сифатида банкнинг ташкил этилиши товар хўжалигининг ривожланиши жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган товар-пул муносабатларининг юзага келиши билан боғлиқдир. Бу даврда йирик саноат ва бошқа корхоналар фаолиятида товар-пул капиталининг ҳаракати катта пул маблағларига эга бўлган шахсларга боғлиқ бўлиб, банк ишини йўлга қўйиш шарт-шароитлари юзага келди⁴².

Ўзбекистон ҳудудида ҳам кўп асрлар мобайнида банк-молия муносабатлари мавжуд бўлганлиги маълум. Хусусан, Ф.М.Муллажонов таҳрири остида нашр қилинган “Ўзбекистон Республикаси банк тизими” китобида: “...бу ўлкада пул муомаласи воситасида товар алмашув муносабатлари “Авесто” замонидан ҳам олдинроқ, яъни миллоддан аввалги II минг йилликдаёқ мавжуд бўлган”⁴³, - дейилади. И.Тўхтиев Ўзбекистонда танга пулларнинг зарб қилиниши хусусида фикр билдира туриб, жуда қадим даврларда дастлабки ижтимоий меҳнат тақсимоти юзага келганда одамлар ўртасида ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни алмашиш натижасида айрбошлаш юзага келгани, турли маҳсулотлар танқис бўлган жойларда уларни жуда катта қийматлардаги нарсалар билан алмаштирганлари тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтади⁴⁴. Қолаверса, молия муносабатлари Сомонийлар, Қорахонийлар даврида ҳам юқори даражада бўлганлиги тарихий манбалар: Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» асарларида ҳам акс этган.

⁴²Тошматов Ш.Х. Кўрсатилган манба.—Б.15.

⁴³Ўзбекистон Республикаси банк тизими./ Ф.М.Муллажонов таҳрири остида. — Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001. —Б.6.

⁴⁴Маълумот учун: рус олими академик А.Е.Ферсманнинг ёзишича, Африка китъасининг туз танқис жойларида бир ҳовуч тузга бир ҳовуч тилла алмаштириш мумкин бўлган. Араб саҳроларидаги кўчманчилар учун айирбошлаш вазифасини хурмо меваси ўтаган бўлса, Мўғилистонда бир тахта хитой чойига битта кўй ёки эчки ёхуд 2 та мол териси, ё битта кигиз алмаштириш мумкин бўлганлигини Марко Поло ўз саёхатномасида ёзиб қолдирган). Муаллифнинг келтиришича, қадимги туркий тилдаги мўйнаси қиммат жонзот —олмаҳон —“тийин” деб аталган. Унинг териси натурал айирбошлашда муҳим роль ўйнаганлиги учун “тийин” сўзи пул қиймат бирлигини кўрсатадиган атама бўлиб қолган.

И. Тўхтиевнинг “Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати” асарида ҳозирги ўзбек тилидаги “танга” сўзи қадимги туркий тилдаги “тамға” сўзидан келиб чиққан бўлиб, қадимда кумдор ҳокимлар турли металл, олтин, кумуш ёки мис каби турли металлларга ўз тамғасини босиб муомалага чиқарганлар ва бу пуллар “тамға” пул деб юритилган, кейинроқ бориб бу “танга” сўзига айланиб қолган. Рус тилидаги “деньги” сўзи ҳам “танга” сўзидан олинган (баъзи тадқиқотчилар рус тилидаги “копейка” (тийин) сўзи Марказий Осиёда хукмронлик қилган Чингиз хонларидан Кепакхон (1318-1326) номи билан боғлиқ деб тушунадилар) ⁴⁵ сингари этимологик тахминлар келтирилади.

Маъкур китобда ёзилишича, Амир Темур даврида Молия вазирлигининг асосий вазифалари – давлат солиқ ишларини юритиш, қишлоқ хўжалик ишларини бошқариш, давлат хазинасига турли даромад тушумларини келтириш, тангалар тарқатилиши ва солиқлар билан боғлиқ қонунбузарлик ҳамда бошқа иқтисодий муаммолар билан шуғулланиш бўлган⁴⁶.

Амир Темур ўз “Тузуқлар”ида ҳар қандай давлат учун иқтисодиёт устуворлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини, молиявий ишларни тўғрилиқ билан бошқариш лозимлигини таъкидлаб, “...камолотга эришган вазир улким, давлат муаммоларини тартибга келтириб, мулкий ва молиявий ишларни тўғрилиқ билан, асли-насли тозаллигини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради...”⁴⁷, - деб ёзади.

Энг муҳими, ушбу китобда банк-молия тизимининг шаклланиши хусусида қатъий бир хулосани кўрамиз: “Агар аксарият иқтисодий адабиётларда Европада биринчи бюджет тузилиши Англия ва Францияда XVII асрда пайдо бўлган деб қайд қилинган бўлса, мустақиллик даврида нашр қилинган илмий манбаларда келтирилишича, Амир Темур ўз давлатида

⁴⁵ Қаранг. Тўхтиев И. Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б.12.

⁴⁶ Тўхтиев И. Кўрсатилган манба. – Б.31.

⁴⁷ Темур тузуқлари. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б.90.

ундан 3 аср аввал мамлакатни идора этишда бюджетнинг дастлабки куртакларини ишлаб чиқди ва жорий қилди”⁴⁸.

“Темур тузуклари”да “Яна шундай амр қилдимки, сармоясини кўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин”⁴⁹, - деб таъкидланган. Назаримизда, бу бугун ҳаётимизда амал қилаётган кредит ёки ссуданинг илк бир кўринишидир.

Иқтисодиётга доир адабиётларда, хусусан, О.Ю.Рашидов, И.И.Алимов, И.Р.Тоймухамедов, Р.Р. Тожиевларнинг “Пул, кредит ва банклар” дарслигида қайд қилинишича, “Тижорат банкларининг ташкил этилиши ва эркин пул маблағларининг жорий ҳисобварақаларда тўпланиши билан чек сифатидаги муомаланинг кредит воситаси пайдо бўлди”⁵⁰.

Маълумки, **чек** – бу омонатчининг тижорат ёки марказий банкка ёзиб берадиган ўтказма векселининг бир туридир... Юқорида ҳам қайд қилиб ўтилганидек, **чеклар** биринчи марта 1683 йилда Англияда пайдо бўлган, деган фаразлар мавжуд. И.Тўхтиев бу борадаги қарашларни инкор этган ҳолда Азамат Зиёнинг “Ўзбек давлатчилиги тарихи” асарида чек (чак) тушунчаси аслида европаликларга биз томондан кириб борганлиги хусусида маълумотлар келтирилганлигига ишора қилади⁵¹.

⁴⁸ Қаранг. Тўхтиев И. Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –Б.32.

⁴⁹ Темур тузуклари. – Тошкент: Шарқ, 2005. –Б.7.

⁵⁰ Рашидов О.Ю., Алимов И.И., Тоймухамедов И.Р., Тожиев Р.Р. Пул, кредит ва банклар: дарслик. – Тошкент: ГДИУ, 2008. –Б.20-21.

⁵¹ Маълумот учун: савдогарлар йирик савдо тадбирларини амалга ошираётганларида ёнларида катта маблағни олиб юрмасдан, ҳар бир шаҳарда мавжуд ишончлик саррофлар (пул майдалаб берувчилар, алмаштирувчилар)га нақд пул топшириб, шу ҳақда хужжат, яъни **чек** олганликларини, мўлжалдаги шаҳарга бориб, худди шундай саррофларга ёки савдогарларга чекни кўрсатиб, ўз режаларини амалга оширганларини таъкидлайди. Шуниси диққатни тортадики, Маҳмуд Кошғарий лугатида чек аслида ип-газлама турларидан биридир, деб ёзилган. Маҳмуд Кошғарий келтирган чек газлама тури билан савдо муомаласида ишлатиладиган чек ўртасидаги боғлиқликка шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Зеро, бундан минг йил бурун ёзув объекти ўрнида қоғоз билан бир қаторда газлама парчаларидан фойдаланилган// Тўхтиев И. Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –Б.38.

Нул муносабатлари ва молиявий сиёсатга алоқадор савордаги сингари терминлар жуда қадим даврлардаёқ завоқлатимиз ҳудудда аждодларимиз томонидан қўллангани, априллари ўзбек тилидан бошқа тилларга ўзлашгани ва муайян вақт ўтиб, тилимизга янгичароқ семантик моҳият касб этиб, кайта Ушаниганидан далолат беради.

Маълумки, банк-молия тизимининг асосий бўғини бўлиб, кредит ва молия операцияларининг асосий қисмини ўзида таваллантиради ва у кредит муассасаларининг энг қадимий ва кели тарқалган гуруҳларидан бири ҳисобланади. Лекин илмий адабиётларда банклар шаклланиши ва ривожланишининг кўнараб тарихий-иқтисодий масалалари бўйича фикрларнинг тарқоқлиги мавжуд. Масалан, айрим тадқиқотчилар фикрича, гулонар чогида воситачилар сифатида банкларга нисбатан кўнараб пайдо бўлган, аммо банк иши жуда қадимий даврда бошга келган экан⁵². Ш.Х.Ташматов ўзининг Ўзбекистонда банклар тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тадқиқиға бағишланган докторлик диссертациясида Е.Стародубцеванинг банк фаолияти ривожланишининг асосий босқичлари (4 босқич) инфодаланган жадвалини келтириб ўтади, олима томонидан таъриф қилинган даврлаштиришга ҳамфикр бўлади ва “масалаға бундай ёндашув замонавий банк тизими шаклланишидаги узоқ тарихий жараённинг реал кечишини акс эттиради” деб ҳисоблайди⁵³. Мазкур даврлаштиришға филологик ёндашув ва мишлий тарихимиз фактларини киритган ҳолда банк-молия тизимининг ривожланиш босқичларини қуйидагича даврланштириш мумкин:

1. Илк давр – саррофлик иши (мил. ав. VII–VI асрдан мишодий XII асргача бўлган жуда катта даврни ўз ичига олади).

Ф.М.Муллажонов таҳрири остидаги “Ўзбекистон Республикаси банк тизими” асарида 2700 йил аввал аждодларимиз томонидан яратилган “Авесто”даги

⁵² Қаранг: Лаврушин О.И. и др. Банковское дело: Учебник. – Москва: КНОРУС, 2005. – С.14-15.//Ташматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: иқтисод.фан.док...дисс. –Тошкент, 2006. –Б.15.

⁵³ Қаранг: Ташматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: иқтисод.фан.док...дисс. –Тошкент, 2006.–Б.15.

маълумотларга кўра пул муомаласи воситасида дастлабки айрбошлаш, молиявий муносабатлар мавжуд бўлганлиги эътироф этилади⁵⁴.

Шунингдек, Э.Кленгель-Бандт томонидан келтирилган маълумотларга кўра, “Эрамиздан 2300 йил аввал хунгарларда ссудалар бериш ва пул ўтказиш операциялари билан шуғулланувчи савдо ширкатлари мавжуд бўлган. Хитойда эрамиздан 2000 йил аввал ҳатто чек муомаласи ҳам амал қилган. Жаҳон тарихида эрамиздан аввалги VI асрда пул ва пул хўжалиги пайдо бўлиши билан бирга фойзли пул омонатларининг қабул қилувчи, ёзма мажбуриятлар орқали ҳамда турли қимматга эга бўлган нарсалар гарови остида ссудалар берувчи банклар мавжуд бўлган”⁵⁵.

Маълумки, миллоддан аввалги I минг йилликда “Катта Хоразм” ва “Бактрия” подшоҳликлари мавжуд бўлган. Тахминан миллоддан аввалги VI асрда ушбу давлатлар Аҳмонийлар томонидан забт этилиб, у 3 сатраплик (қарам маъмурий бўлиниш) тарзида идора қилина бошлайди... Айрим манбаларда пул зарб этиш ўша даврлардан бошланган деб тахмин қилинади.

Мисрда банкларнинг пайдо бўлишини олимлар Искандар Зулқарнайнинг номи билан боғлайдилар. Чунончи у “Қирол банклари”ни ташкил қилган ва танга пуллар зарб қилдирганлиги айтилади.

Римда банк иши эрамиздан аввалги III асрда Грецияда фаолият кўрсатган банклар намунаси бўйича ташкил этилди ва у ерда банклар аргентариялар юритилар, пулни сақлаш учун қабул қилиш, ўтказиш операциялари амалга оширилиб, ссудалар бериларди⁵⁶.

⁵⁴Қаранг. Ўзбекистон Республикаси банк тизими./Ф.М.Муллажонов таҳрири остида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –Б.6.

⁵⁵Кленгель-Бандт Э. Путешествие в Древний Вавилон. –Москва: Наука, 1979. – С.107.

⁵⁶Ҳар бир сатрап ўз номидан кумуш ва мис тангалар зарб этиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўзбекистон ҳудудида дастлабки металл тангалар миллоддан илгариги VI асрда аҳмоний шох Доро I томонидан зарб этилган оғирлиги 8.4.граммни ташкил этган “дарик” деб номланган тилла тангалар зарб қилдирган.// Ўзбекистон Республикаси

Шу тарихда шариҳда ҳам ғарбда ҳам пул муомаласи, савдо-тижорат ишлари жадал суръатларда ривожланиб борди. Бу тарихнинг энг муҳим жиҳати пуллар зарб этилиб, саррофлик иши ривож топганлигидадир. Шу аснода бугунги банкларимизнинг асослари ҳамини ўрнатилганди.

1. Жамоат банклари даври (1156 йилдан (Италияда Венеция жамоат банкининг ташкил этилишидан) 1694 йилгача (Англия банкининг таъсис этилиши) бўлган давр).

Европада бу даврда оммавий банкларнинг очилиши анча кўпайди ва Ташматовнинг қайд қилишича, мазкур даврда омонатлар қабул қилинган, лекин улардан ўз вақтида фойдаланиш мумкин бўлмаган⁵⁷.

Айни вақтда бу даврда Мовароуннаҳрда ҳунармандчилик, савдочилик, чорвачилик жадал суръатларда ривожланди, Ғарб ва Ғарбни боғлаган Буюк Ипак йўли мамлакатлари савдо-тижорат ишлари натижасида гуллаб-яшнади. Юқорида таъкидлаб кетганидек, Амир Темур ҳукмронлиги даври ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан тобора тараққий этди.

2. Депозит ва капиталистик банклар даври (1694 йилдан XVIII аср охиригача бўлган давр).

Европада бу даврда банклар фаолияти нисбатан фаоллашди. Иқтисодий жадал суръатларда ривожланди⁵⁸.

... тизими. / Ф.М.Муллажонов таҳрири остида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –

Қаринг. Тошматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: иқтисод фан.док...дисс. – Тошкент, 2006. – Б.21-22.

Милълумот учун: Европада банк муассасалари фаолиятини шаклланиши ва ривожланиши XVII асрнинг охирига тўғри келиб, бу Англиядаги банкларнинг келиши билан изоҳланади. У 1694 йилда У.Петерсон томонидан ташкил қилинган ва ҳукуматнинг молиявий муаммоларини ҳал этиш учун 1,2 млн. фунт стерлинг миқдоридagi устав сармоясига эга бўлган Англия банкининг роли муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у турли шакллардаги пул ҳаракатларини амалга оширишдек ишларни бажаришга йўналтирилди. Бу даврда Европа банкларида депозит (омонат) операциялари кенг амал қила бошлади, XVIII аср бошларидан капиталистик банклар вужудга келди. Ўз навбатида банк монополияларининг вужудга келиши иқтисодий ҳаётга янада янги қабатни юзага чикарди. Марказий осийда эса бу даврда Шайбонийлар ҳукмрон бўлиб, тахт учун курашлар, парокандалик натижасида эса иқтисодий жиҳатдан ҳалокатли оқибатлар кузатилади.

4. Эмиссия ва акциядорлик банклари даври (XIX аср бошидан бошлаб ҳозирги вақтгача бўлган даврни камраб олади).

XIX аср бошидан банк фаолияти ривожланишининг энг хусусиятли жиҳатларидан бири шунда эдики, бу даврга келиб эмиссия банклари ташкил топди ва уларнинг асосий функцияси банкноталар чиқариш ва уларни муомалага киритишдан иборат эди. Кейинчалик банкнотлар эмиссияси функцияси монопол⁵⁹ тарзда бажарувчи марказий банклар зиммасига юкланди ва улар иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кенг тарқалди.

Мазкур даврлаштиришни жаҳон молия-банк тизимидаги банкларнинг ривожланиш ва тараккий этиш босқичлари деб аташ мумкин. Бироқ, қайд қилиб ўтиш жоизки, бизнинг худудимизда гарчи молиявий муносабатлар Европадагидан қадимроқ замонларда вужудга келган бўлса ҳам, муайян асрлар силсиласида юртдаги сиёсий вазият тақозоси билан бир қадар оқшаплар кузатилган. Мутахассисларнинг қайд қилишича, банк фаолияти ривожланишининг фаол жараёнлари маълум бир давргача мусулмон мамлакатлари учун хос бўлмади⁶⁰.

Дарҳақиқат, ислом динида судхўрлик ва фоиздан фойдаланиш мақсадида бериладиган ҳар қандай қарз қораланади. Натижада мусулмон мамлакатларида кредит бериш

⁵⁹Маълумот учун: Банк амалиёти бу жорий ёки бошқа ҳисобвараққа пул қабул қилиш, фоизи билан ёки фоизсиз кредитлар бериш, биржа топшириқларини бажариш, кимматбаҳо қоғозлар, акциялар сотиб олиш, мижозларнинг топшириқларини бажариш, товарлар ёки товар хужжатлари гарови ҳисобига ссудалар бериш, шунингдек, бошқа ҳар қандай пулли ва нақд пулсиз ҳисобкитоблар бўйича амалга ошириладиган жараёнлар йиғиндисиدير. У асосан пассив (кредитлаш учун ресурслар ҳосил қилиш) ва актив (фойда олиш мақсадларида бу ресурсларни ишлатиш) турларга бўлинади.

Банк монополиялари— концентрациялашув натижасидаги бирор давлатдаги банк ишларининг бир неча йирик банклар қўлида тўпланиши. Молия капитали бозоридаги тақлифда рақобатнинг бўлмаслиги билан тафсиқланади. Масалан; 1962 йил Англияда банк капитали умумий микдорининг 90%и бешта банкка тегишли бўлган, 1968 йил АҚШда расман мустақил ҳисобланадиган 14 минг банк бўлган, лекин жами банк амалиётларининг 25 % 10 та йирик тажорат банки ҳиссасига тўғри келган, 1995 йилда эса АҚШдаги энг йирик ҳисобланган «Чейз оф Манхэгген» ва «Кэмикл» банклари ўзаро қўшилиб кетди.

⁶⁰ Қаранг: Тошматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: иқтисод фан.док...дисс. — Тошкент, 2006. —Б.23-25.

билан шугулланувчи муассасаларнинг фаолият кўрсатишига алоқадор тўсиқлар юзага келади. Кўп ҳолларда банк муассасалари бошқа динга эътиқод қилувчиларга тегишли бўлмагани, яқка шахслар томонидан бошқаларга қарз бериш амалиётига пул маблағлари фаол ишлатилганлиги қайд қилинади.

Банклар тараққий этиши билан уларнинг туб моҳиятини тубдан бера оладиган изоҳлар келтириш кузатилган. Жумладан, шундай таърифлардан бири Россиянинг XIX асрга мансуб энциклопедик нашрларида берилган бўлиб, банклар «ўсиш учун паромлар қабул қилувчи ёки уларни ссудага берувчи давлат, жамоат ёки хусусий муассаса» сифатида қайд қилинади, «кредит муассасаси» атамаси эса «ҳукумат томонидан пулларни фойдалар билан кўпайтириш учун уларни қабул қилиш ёки уларни турли хилдаги гаровлар остида ссудага бериш учун тасвир этилган жой»⁶¹ сифатида талқин этилган. XIX аср охирига келиб Россиянинг бир қатор энциклопедик нашрларида банклар қуйидагича таърифланди: «кредит воситачилигининг асосий шакли ҳамда вексель ва пул муомаласининг муҳим аргументи»; «пул ва кредит операциялари учун муассасалар»; «кредит муассасалари ҳамда вексель ва пул муомаласининг тартибга солувчилар»дан иборат⁶².

Сўنги вақтларда банк муассасасининг тўлиқ функцияларини ўзида ифодаловчи бир қатор таърифлар мажмуиди иктисодчи олимлар томонидан қайд қилинган. Хусусан, Д.Полфреман ва Ф.Фордларнинг таърифи бўйича «Банк – бу пул маблағларини (омонатларни) тўпловчи, кредитлар (қарзлар, ссудалар) берувчи, пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи, пуллар ва қимматли қоғозларни чиқарувчи (эмиссия қилувчи), давлатлар, корхоналар, муассасалар ва аҳолида шахслар ўртасидаги ўзаро тўловлар ва ҳисоб-

⁶¹ Қўранг: Объяснительный словарь иностранных слов, употребляемых в русском языке. – Санкт Петербург, 1859. –С.23, 106.

⁶² Қўранг: Лаврушин О.И. и др. Банковское дело: Учебник. – Москва: КНОРУС, 2005. – С.14-15. // Тошматов Ш.Х. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: иктисод.фан.док...дисс. – Тошкент, 2006. – Б.15.

китобларда воситачилик килувчи алоҳида иктисодий институтдир»⁶³.

Алишер Навоий асарлари асосида тузилган луғатлардаги сўзларни кўздан кечирганда, уларда кунуз – хазина (НАЛ, 140-б.), маблағ – нақд пул, нақдина (НАЛ, 184-б.), мавожиб – иш ҳақи (НАЛ, 190-б.), маврус – мерос (НАЛ, 190-б.), манол – мулк, хазина, уй-жой (НАЛ, 225-б.), манофиъ – манфаатлар, фойдалар (НАЛ, 226-б.), манфаат – фойда, даромад (НАЛ, 227-б.), маодин – конлар, хазиналар (НАЛ, 229-б.), маош – тирикчилик, яшаш, ҳаёт, турмуш учун зарур маблағ (НАЛ, 231-б.), масриф – сарф-харажат, чиқим, харажат қилинадиган жой (НАЛ, 248-б.), махзан – хазина, қимматли мол-ашё сақланадиган жой (НАЛ, 261-б.), махр – қиймат, баҳо (НАЛ, 299-б.), мол – дунё, бойлик (НАЛ, 315-б.), моллик – бой, бадавлат (НАЛ, 316-б.), муажжал – мухлатсиз, шошилинч (НАЛ, 323-б.), муаккал – вакил этилган (НАЛ, 324-б.), муддаий – даъвогар (НАЛ, 333-б.), музлима – жарима (НАЛ, 341-б.), мукнат – бойлик (НАЛ, 344-б.), мулк – мамлакат, подшоҳлик (НАЛ, 346-б.), муомала – муносабат (НАЛ, 360-б.), мусамман – қимматбаҳо (НАЛ, 368-б.), мусодара – забт, жарима (НАЛ, 370-б.), мусриф – сарф килувчи (НАЛ, 371-б.), мутавалий – иш бошқарувчи (НАЛ, 380-б.), мифид – фойдали (НАЛ, 389-б.), муфт – текин, бепул (НАЛ, 390-б.), мушоракат – шериклик (НАЛ, 397-б.), муштарий – харидор (НАЛ, 398-б.), муқтазо – талаб, зарурат (НАЛ, 406-б.), муҳосиб – ҳисобчи, ҳисобдор (НАЛ, 411-б.), нарх – баҳо (II том, 433-б.), нафака – маош, харажат (II том, 438-б.), нафъ – фойда, баҳра (II том, 440-б.), нақд – пул, бойлик, қимматбаҳо нарсалар (II том, 445-б.), ниёз – эҳтиёж (II том, 457-б.), овиза – бойлик (II том, 494-б.), олиғ – олди-сотди (II том, 517-б.), омил – амалдор, ҳоким, вакил (II том, 521-б.), сармоя – асос, сабаб (III том, 51-б.), сарроф – пул айрбошловчи, пул майдаловчи (III том, 55-б.), сойга – сарф қилмоқ, харж қилмоқ (III том, 100-б.), солиғ – солиқ (III том, 103-б.), соҳибжашъ, соҳибнисоб – молия ишлари масъул ходими

⁶³ Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дела. – Москва: Инфра, 1996. – С.289.

(III том, 112-113-б.), тамаввуд – молдорлик (III том, 174-б.), тавош – жарима (III том, 238-б.), тожир – савдогар, тижоратчи (III том, 239-б.), ханж – фойда, наф (III том, 378-б.), хирож – солиқ тури (III том, 399-б.), чорасоз – тадбиркор (III том, 477-б.), шафоатгар – воситачи (III том, 510-б.), ширкат, ширкатандеи – шериклик, широ – сотиб олиш (III том, 530-б.), якбанд – ялписига (III том, 589-б.), киро, кироя – ижара пули (IV том, 231-б.), хизонасанж – хазина ўлчовчи (III том, 664-б.) сингари молия соҳасига оид 200 га якин тушунча офодалангани аниқланди. Биргина бадий адабиётда шунча терминнинг қўлланиши XIV–XV асрларда туркий халқлар ҳаётида ҳам, гарчи банк деб аталмаган бўлса-да, молиявий муносабатлар амал қилганлигини англатади. Мисол сифатида келтирилган терминларнинг баъзилари фонетик ўзгаришларга учирган ҳолда (солиғ – солиқ); баъзиларининг эса семантикаси тарайган ҳолда (ширкат, маош); яна бир гуруҳи эса ўз ҳолича (сармоя, нарх, маблаг) бугунги кунда ҳам истеъмолда бўлганмоқда. Алишер Навоий асарларининг 4 томлик изоҳли нусخасида (II том, 494-б.) берилган овиза сўзи билан замонавий нусхаларда берилаётган соҳага доир авизо термини ўртасида этимологик алоқадорлик мавжудлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу каби мисолларни келтиришдан мақсад банк-молия терминлари фақат тилимизнинг ички имкониятлари асосида ривожланди ёки мутлақ туркий асослардан иборат бўлиши керак, деган нуқтаи назарни илгари суриш эмас, балки ўзбек тилининг банк-молия терминологияси жадал суръатларда қорижий тиллардан сўз ўзлаштириш ҳисобига бойиб бораётганлигига қарамасдан, унинг миллий илдизлари узок тарихга эга эканлиги тўғрисида маълумот беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида банк-молия тизимида жиддий ислоҳотлар олиб борилмоқда, бошқа жиҳатлардаги сингари жадал ривожланиш кузатилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ бешинчи сессиясида 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги “Банк тизимини янада

эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилишнинг муайян йилларга мўлжалланган дастурларида ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор махсус қарорларида, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонларида асосий эътибор банклар фаолиятини ривожлантиришга қаратилди.

Банк-молия терминологияси мустаҳкам миллий-лисоний илдизларига эга ва айни вақтда дунё ҳамжамияти таъсирида хорижий тиллардан сўз ўзлаштириш ҳисобига тараққий этаётган системадир. Мазкур система бирликларининг этимологиясини ўрганиш унинг бошқа, ўзига хос яширин қирраларини очиб беришга хизмат қилади.

ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Сўнги ўн йилликда ўзбек тилида, айниқса, унинг энг фаол қисми – луғавий қатламда сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Лексемаларнинг бир луғавий қатламдан бошқасига кўчиши фаоллашган. Мазкур жараёнларнинг ўта жадаллик билан кечиши фаолиятнинг турли жабҳалари инсоният ҳаётига тобора яқинлашиб бораётганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодиётнинг маданий саводхонлик компонентларидан бирига айланиши – луғавий бирликларнинг кўчиши, яъни терминологик бирликларнинг умумистеъмол сўзлари доирасига ўтиши ва, аксинча, умумистеъмол сўзларининг терминологик тизим таркибига сингиб кетишининг муҳим омилдир. Умумистеъмол сўзлари ва терминлар орасидаги алоқадорликни аниқлаб олиш учун таҳлилга тортилган луғавий қатламнинг чегарасини белгилаб олиш муҳим.

Луғавий бирликлар қатор белгиларга кўра бир-бирига қарама-қарши қўйилади: келиб чиқиши, экспрессив-стилистик хусусиятлари, фаол ёки пассив луғатга мансублиги, қўлланиш соҳаси. Охириги белги асосида чегаралаш энг самарали


сўзлардан биридир⁶⁴. Биринчилари барчага тушунарли бўлса, иккинчилари у ёки бу жамоа доирасидагина ишлатилади. Шу тароққа тилнинг луғавий қатлами икки йирик гуруҳга ажралиб кетади: умумистеъмол сўзлари ва терминлар (қўлланиши чегараланган лексика). Қўлланиши чегараланган лексика деганда касбий-терминологик бирликлар, фан соҳаларига оид терминлар назарда тутилади. Терминологик бирликларни тақдир қилиш жараёнида мазкур қатламлар орасида доимий равишда элементлар алмашинуви содир бўлишини инобатга олиши зарур. Адабий тил чегараларининг шаффофлиги қатламлараро муносабатларни таҳлил қилишни бироз мураккаблаштиради.

Маълумки, миллий ўзбек тили икки йирик қатлам: ўзбек адабий тили ва шевалардан иборат бўлиб, адабий, китобий, бадиий, публицистик, сўзлашув, илмий услубларда реаллашади.

Тилнинг коммуникатив, эмотив, аккумулятив каби функциялари билан бир қаторда унинг махсус мақсадларни ифодалаш учун дефинитив (махсус тушунчаларни ифодалаш), специфик, яъни эвристик (янги билимларни очиш) ва компенсацияланганлик (махсус билимни концентрациялаш) функциялари мавжудлигини қайд қилиб ўтиш жоиз. Касбий мулоқот тилининг эса қайд қилинганлардан ташқари касбий доирадаги мулоқотни таъминловчи ахборотни узатиш ва қабул қилиш вазифаси ҳам мавжуд. Мазкур вазифа қўлланиши чегараланган махсус лексика, яъни терминлардан адабий тил бирликларидан фарқли ўлароқ кўпроқ аниқлик ва юкори ахборотлиликни талаб этади. Шу жиҳатдан у асосан илмий услубга яқин туради. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир услуб ўзининг махсус қўлланиш чегарасига эга бўлиш билан бир қаторда уларнинг ҳеч бири алоҳида тараққий этмайди ва маълум даражада бир-бири билан ўзаро таъсирга киришиб, умумий кесинув ҳудудига эга бўлади. Банк-молия терминологиясидаги терминлашиш, транстерминлашиш, детерминлашиш

⁶⁴ Акинин Ю.В. Детерминологизация английской экономической терминологии (лингвокультурный и функциональный аспект): дисс... канд. филол. наук. — Самара, 2010.

жараёнлари куйидаги диаграммада яққол ифодаланади (Қаранг. 1-расм).



1-расм. Банк-молия терминологиясидаги терминлашиш, транстерминлашиш, детерминлашиш жараёнлари

Кўриниб турибдики, терминлашиш ва детерминлашиш жараёнлари ўзаро қарама-қарши характерга эга бўлиб, бир томондан мавжуд умумистеъмол сўзларининг терминлашиши ва иккинчи томондан терминларнинг турмушнинг турли жабҳаларига интенсив тарзда кириб боришини, яъни детерминлашиш жараёнини кузатиш мумкин. Транстерминлашиш жараёни икки томонлама хусусиятга эга, яъни соҳалар терминлари ўзаро бир-бирига ўтиши мумкин. Диаграммадан кўриниб турибдики, банк-молия терминларида детерминлашиш жараёнлари ҳам кузатилади.

Ч.Абдуллаеванинг “Ҳозирги иқтисодиёт терминологиясидаги русча-ўзбекча параллеллар” деб номланувчи номзодлик диссертациясида терминлар ҳосил бўлишининг терминлашиш, битерминлашиш, ретерминлашиш каби усуллари ҳақида фикр юритилади⁶⁵. Ғ.Исмаиловнинг “Ўзбек тилининг терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши” мавзусидаги номзодлик диссертациясида транстерминлашувнинг ўзбек тили терминологик системалардаги фаоллиги масалалари ёритиб

⁶⁵ Қаранг.Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс. канд... филол. наук. – Ташкент, 2000. – С. 194.

берилади⁶⁶. В.А.Татаринов ҳам умумистеъмол сўзининг махсус терминологик маънода қўлланилиши (терминлашиш), ёки бошқа терминологик система терминларининг яна бошқа бир терминологик тизимда қўлланилиши (транстерминлашиш)ни ўз ишларида қайд қилиб ўтади⁶⁷.

Юқорида айтилган барча ҳолатларда бевосита умумистеъмол сўзлари иштирокида янги терминологик бирликлар ҳосил бўлади. Бироқ қайд қилганимиздек, умумистеъмол сўзлари ва терминлар орасидаги ўзаро бирликлар алмашинув жараёни асосан терминлашиш ва детерминлашиш усулларида яққол намоён бўлади.

Терминлашиш илмий ва соҳавий тушунчани ифодалаш учун тилдаги умумистеъмол сўзларнинг ишлатилишидир. Умумистеъмол сўзи терминга айланишидан олдин у махсус контекстда қўлланилиши натижасида семантик махсушлашишга дучор бўлади⁶⁸. Терминлашиш жараёни (рус тилшунослигида мазкур жараённи ёритишга бағишланган махсус тадқиқот мавжуд)⁶⁹ жамият ҳаётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор кўринишларда ифодаланади. Банк-молия терминологик тизимида ҳам терминлашиш жараёнини бошдан кечирган ҳолда тизим таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаган терминлар талайгинадир. Масалан “Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғати”да муомала [арабча - ўзаро муносабат, алоқа] сўзининг 3 хил маъноси берилади. Шу маъноларнинг учинчисида у иктисодий тушунча сифатида берилган:

муомаладаги пул - Айни пайтда юриб, ишлатилиб, айланиб турган пул⁷⁰.

⁶⁶Қаранг. Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши: филол.фан.ном... дисс. – Тошкент, 2011.

⁶⁷Татаринов В.А. Теория терминовидения: В 3 т. –Т.1. Теория термина:история и современное состояние. –Москва: Московский лицей, 1996.

⁶⁸Кайтукова Е. Г.Способы образования и пути развития турецкой экономической терминологии: 60-90 гг. XX в.: дисс...канд.филол.наук. – Москва, 2007. –С.95.

⁶⁹ Косова М.В. Терминологизация как процесс переосмысления русской общеупотребительной лексики: дис...док.филол.наук. – Волгоград, 2004.

⁷⁰ Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғати. 2-том. Б.643.www.zivouz.com кутубхонаси.

Асли умумистеъмол сўзи бўлиб, айти вақтда *денежное обращение* терминини калька усули билан ўзлаштириш орқали пул муомаласи тарзида банк-молия терминлари қаторидан ўрин эгаллаган. Бугунги кунда мазкур терминнинг умумистеъмол функцияси ҳам сақланган ҳолда иқтисодиёт, молия соҳасида ушбу компонент иштирокида ҳосил қилинган бир қатор терминларни учратиш мумкин.

Муомала (иқтисодиётда) – меҳнат маҳсулотларини олди-сотди воситасида айирбошлаш⁷¹.

Муомала вақти – капиталнинг муомала доирасида бўлиш вақти...⁷².

Муомала харажатлари – товар муомаласи жараёни билан боғлиқ бўлган жами сарфлар. Муомала харажатлари моҳиятига кўра соф ва қўшимча харажатларга бўлинади⁷³.

Айланма сўзининг изоҳини таҳлил қилиб кўрамиз. “Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғати”да мазкур тушунчанинг 5 та талқини берилган бўлиб, унинг семантик таркибида муомаладаги маблағ маъносини берадиган талқин ҳам мавжуд:

... 5. Муомалада юрадиган (пул, маблағ ва ш.к. ҳақида). *Корхоналар қачонгача.. касодга учраган молларини қалаштириб ташлаб, яна айланма маблағлар беришни сўраб, ялиниб юрадилар*⁷⁴.

Шинингдек, *актив, эҳтиёж, трансферт, даромад, депрессия, ҳисоб, капитал* сингари умумистеъмол сўзларининг банк-молия терминологиясига яқка ҳолатда ёки бирикма компоненти сифатида терминлашиш жараёнинига учраганини кузатиш мумкин.

“Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғати”да **актив** тушунчасининг “корхона ёки ташкилотнинг мулки ва ресурслари (бино, машина, қимматбаҳо қоғозлар...; баланснинг

⁷¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. М харфи. Б. 822. www.zivouz.com кутубхонаси.

⁷² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. М харфи. Б.822. www.zivouz.com кутубхонаси.

⁷³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. М харфи. Б.823. www.zivouz.com кутубхонаси.

⁷⁴ Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғати. 1-том. Б.55-56. www.zivouz.com кутубхонаси.

кирим, даромад қисми; бухгалтерия балансининг бир қисми; фаол” сингари маънолари мавжудлиги қайд қилинади⁷⁵.

Ушбу термин Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати”да омоним сўз сифатида изоҳланади⁷⁶. Қолаверса, соҳавий мулокотда фаол бўлган **актив** сўзи яна бир қатор луғатларда қуйидагича изоҳланган:

Актив (лотин тилидаги сўздан олинган; инг. **asset, assets**; фр. **actif**; рус. **Актив** (действенный)⁷⁷; ўзб. **Актив** (ҳаракатчан, фаол):

Актив₁—(от, нарса-буюм оти) ҳисобиёт (бухгалтерия) балансининг бир қисми бўлиб, мазкур корхона ёки муассасага қарашли моддий бойликларни уларнинг таркиби ва жойлашуви нуқтаи назаридан пул (пул маблағлари, бошқа ташкилотларга қарз талабномалари ва ҳ.к.) кўринишида ифодалади. *Терси: пассив*⁷⁸. Масалан: *Банк активларининг қиймати ва улардан олинadиган фойда ўзгариб туриши мумкин*⁷⁹ (*банк-молия термини*); **Актив**₂— (от, киши (шахс) оти) бирор коллективнинг илғор, етакчи, фаол қисми. Масалан: *Маҳалла активлари (ижтимоий термин)*;

Актив₃ – (сифат) серҳаракат, серғайрат, фаол. Масалан: *Музокарада фаол иштирок этмоқ (ижтимоий термин)*.

Демак, терминлашиш жараёнининг натижасида терминологик бирликлар ва умумистеъмол сўзлари орасида омонимия, полисемия сингари муносабатлар юзага келиши мумкин.

Умумистеъмол сўзи терминга айлана олгани каби муайян соҳа терминлари бошқа бир соҳа терминологик системаси

⁷⁵ Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғати. 1-том. Б.64. www.ziyouz.com кутубхонаси.

⁷⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984. –Б.18.

⁷⁷ Финансовый словарь. А. Благодаткин, Л.Лозовский, Б.Райзберг. –Москва: ИНФРА-М, 2006. –С.10.

⁷⁸ Ҳайдар М. Иқтисод банк изоҳли луғат: монография. –Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.4.

⁷⁹ Жуманиязов М. Молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш йўллари.//⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция масалалари. –Тошкент: Молия, 2005. –Б.436.

бирлигига айлана олади. Бундай жараён *транстерминлашиш*⁸⁰ деб номланади. Бунга мисол қилиб **амортизация** (физик термин), **фоиз** (математик термин) каби бошқа соҳа терминларининг транстерминлашиш натижасида банк-молия терминлари орасидан ўрин эгаллашини қайд қилиш мумкин.

Жонли тилда терминлашиш жараёнига қарама-қарши бўлган **детерминлашиш** жараёни ҳам кузатилиши мумкин. Мазкур жараён хусусида Ю.В.Акининнинг илмий ишида маълумот берилган⁸¹. Бу ҳолат асосан терминологик birlikларнинг кундалик мулоқотда жуда кўп ишлатилиши натижасида содир бўлади. Вақт ўтиши билан улар умумистеъмол сўзлари катламидан шу қадар муқим ўрнашиб оладики, уларнинг туб илдизи терминологик birlik эканлигини махсус этимологик кузатувлар натижасидагина аниқлаш мумкин. Бундай ҳолат асосан термин– метафоралар ҳисобига, сўз семантикасининг кенгайиши ҳисобига содир бўлади. *Молия* сўзи банк-молия термини, бироқ мазкур ном билан аталувчи нашриёт ҳам мавжуд.

Қайд этиш лозимки, банк-молия терминологик тизимида ҳам мазкур жараён маълум даражада кечмоқда, бироқ соҳа терминлари ҳали ўзининг қўлланилиши чегараланганлик характеридан узоқлашганича йўқ (Қаранг. 1-расм), чунончи уларнинг ифода ва мазмун планида банк-молия терминларига хос жиҳатлар яққол ифодаланган.

Демак, қўлланилиши чегараланган лексик birlikлар, жумладан, терминлар ва умумистеъмол сўзлари миллий тилнинг луғавий birlikлари сифатида бир-бири билан узвий алоқадорликда тараққий этади, ўзбек тилининг ички имкониятлар асосида ривожланишига замин яратади. Улар орасида қўлланилиш жиҳатидан муайян тафовутлар

⁸⁰Қаранг. Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология: вопросы теории. –Москва: Наука, 1989. –С.203.

⁸¹Акинин Ю.В. Детерминализация английской экономической терминологии (лингвокультурный и функциональный аспект): дисс...канд.филол.наук. –Самара, 2010.

мавжудлигига қарамасдан, барча луғавий бирликлар умумтил боғланишлариغا бирдек бўйсунди.

Маълумки, ҳар қандай тилнинг лексик қатламини бойитиб, таркибий эътирувчи манбалар мавжуд бўлиб, улар тил системасининг хусусиятларидан келиб чиқиб, шартли равишда ички ва ташқи манбалар деб аталади. Чунончи, “Луғат системасининг бойиб бориши ҳар бир тилнинг ўз ички номланишлари асосида ва ўзга тиллардан ўзлаштириш йўли билан бўлиши лингвистик адабиётларда қайд этилган ва барча номидан тан олинган”⁸².

Дунё тилшунослигида терминологик системаларда термин ҳосил бўлишига нисбатан бир қатор қарашлар мавжуд бўлиб, бундай ёндашувларнинг айримларида терминологик номинациянинг асосий усуллари сифатида умумадабий тил сўзларининг терминлашиши, транстерминлашиш ва сўз ўзлашиши эътироф этилади⁸³. А.В.Майтованинг ““Банк-иши” маҳус-предметли тил терминосистемаси лингвокогнитив аспектда” мавзусидаги диссертациясида таъкидланишича: “Термин ҳосил бўлиш усуллари бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, терминшуносликнинг энг муҳим ва долзарб, шу билан бирга бошқа долзарб масалалари очкичлигича қолмоқда”⁸⁴. Л.В.Ивина терминларни шакллантирувчи асосий манбалар масаласига ўз тадқиқотида қуйидагича ёндашади: “Қўп ҳолларда янги илмий терминларнинг шаклланишида инсон ақлий ва ижтимоий фаолияти жабҳаларида аллақачон шаклланган янги сатҳлар терминологиясининг таркибидаги мантикий-фалсафий ва математик терминосистемалар манба бўлиб хизмат қилади”⁸⁵.

⁸² Ўзбек адабий тилининг тарқиқи. Уч жилдлик. 3-жилд. Лексика. –Тошкент: Фан, 1991. –Б.128.

⁸³ Константинова Н.Л. Иноязычное заимствование и система языка (на материале англоязычной лексики в финансово-экономической терминосистеме немецкого языка)// Филологические науки. –№2. – Москва, 1999.–С.86; Суперанская А.В и др. Общая терминология: вопросы теории –Москва: Едиторал УРСС,2004. –С.104.

⁸⁴ Майтова А.В. Терминосистема предметно специального языка “банковское дело” в лингвокогнитивном аспекте: дисс...канд.филол.наук. –Саратов, 2008. –С.24.

⁸⁵ Ивина Л.В. Лингвокогнитивные основы анализа отраслевых терминосистем (на примере англоязычной терминологии венчурного финансирования): учебно-методическое пособие. –Москва: Академический проект, 2003. –С.15.

А.В.Майтова ҳам ўз диссертациясида кўп сонли олимлар томонидан ўз илмий ишларида қайд қилинган қуйидаги термин ҳосил бўлиш усуллари мавжудлигини келтириб ўтади:

1) семантик усул (умумистеъмолдаги сўз ёки сўз бирикмасининг янги маъно юклатилган ҳолда термин сифатида қўлланилиши;

2) морфологик усул (аффиксация ва сўзларни ўзаро қўшиш орқали янги термин ҳосил қилиш);

3) синтактик усул (терминологик сўз бирикмаларининг шаклланиши);

4) сўз ва сўз бирикмаларини ўзлаштириш:

а) умумистеъмол лексика ва бошқа терминосистемалардан;

б) бошқа тиллардан.

Шунингдек, таъкидланган усуллар аралашган ҳолда ҳам воқеъ бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади. Мазкур ёндашувга яқин нуқтаи назарни илгари суриб, ўзбек тилшуноси М.Миртожиев ўзбек адабий тилини бойитувчи манбалардан қуйидаги икки усулни кўрсатиб ўтади⁸⁶:

1. Чет тиллардан сўз ўзлаштириш;

2. Диалектлардан адабий тилга сўз олиш.

Булардан ташқари, терминлар аббревиация ёрдамида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Айрим муаллифлар эса неологизацияни ҳам термин ҳосил қилиш усули сифатида эътироф қилишади (аввал мавжуд бўлмаган сўз ва сўз бирикмаларни шакллантириш)⁸⁷.

Термин ҳосил бўлиш усуллариининг бир неча хил талқинини ўзбек тилшунослиги ва қиёсий тилшуносликдаги бир қатор илмий ишларда ҳам кўриш мумкин. Бироқ юқорида маълумот сифатида киритилган термин ҳосил қилиш усуллари ҳозирги ўзбек адабий тилида бошқачароқ номларда талқин қилинади. Масалан, юқорида морфологик усул мазмунида ифодаланган аффиксация ва композициялар (сўзларни ўзаро қўшиш орқали термин ҳосил қилиш) алоҳида усуллар сифатида баҳоланади ва

⁸⁶ Миртожиев М. Сўзларнинг шаклий муносабатига кўра типлари //Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан, 1981.

⁸⁷Майтова А.В.Терминосистема предметно специального языка “банковское дело” в лингвокогнитивном аспекте: дисс...канд.филол.наук. –Саратов, 2008. –С.24.

уларнинг фаоллик даражаси ҳам турлича. Бундан ташқари юқорида таъкидланишича, сўз ва сўз бирикмаларини ўзлаштириш умумистеъмом лексикаси, бошқа терминологик системалар ва бошқа тиллардан амалга оширилиши мумкин. Ўзбек тилида эса сўз ўзлаштириш масаласи ташқи манба сифатида белгиланади ва унинг а) ўз ҳолича ўзлаштириш (*сизинг, кредит, банкрот ...*) ва б) калька усули орқали ўзлаштириш (*макроиқтисод, микроиқтисод...*) каби турлари мавжуд. Бирликларнинг умумистеъмом лексикаси ва бошқа терминологик тизимлардан маълум бир соҳа терминлари каторига ўтиши эса тилнинг ички имконияти сифатида баҳоланади. Назаримизда, айрим олимлар томонидан қайд қилинган неологизацияни эса термин ҳосил бўлишининг бир усули тарзида таснифлаб бўлмайди. Чунки масалага мантиқан ёндашадиган бўлсак, сўз ясалиш усулларининг барчасининг ҳосиласида янги сўз, яъни неологизм ҳосил бўлади. Демак, бундай ном остидаги термин ясаш усулининг мавжуд бўлиши лазиятни чигаллаштиради холос.

Н.В.Моряхина ўзининг тадқиқотида бугунги кунда лексик қатламни интернационаллаштириш ҳисобига тилни универсаллаштириш тенденцияси тараққий этаётганини ва терминнинг структур жиҳатдан шаклланишига, хусусан, сўзларни (ёки уларнинг асосларини) қўшиш, қисқартириш ва аббревиация ёрдамида ҳосил бўлишига қизиқиш тобора кучайиб бораётганлигини таъкидлайди⁸⁸. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув жараёнлари ихчамликни ва аниқликни тақозо этиб бормоқда. А.Ҳожиев мазкур фикрда назарда тутилган сўзларни (ёки уларнинг асосларини) қўшиш, яъни композиция усули ўзбек тилига хос эмас деб ҳисоблайди. Унинг фикрича: “Композиция усули билан сўз ясаш деганда, сўз қўшиш йўли билан сўз ясаш тушунилади. Ўзбек тилида икки мустақил сўз маълум грамматик шаклда бирикади ва бирикувчи сўзлар ўртасида грамматик алоқа борлиги сезилиб туради. Бундай бириқиш (боғланиш натижасида луғавий бирлик, яъни лексема эмас, балки синтактик бирлик – сўз бирикмаси ва гап ҳосил

⁸⁸Моряхина Н.В. Формирование и функционирование терминологии менеджмента в русском языке: дисс....канд.филол.наук. –Казань, 2008. –С.25-26.

бўлади. Шу фактнинг ўзиёқ кўрсатадики, “сўз кўшиш билан сўз ясалиши” (шундай сўз яшаш усули) ҳақида гап бўлиши мумкин эмас”⁸⁹. Мазкур тадқиқотимизда эса юқорида фикр юритилган термин ҳосил бўлиш усулларининг аксарият қисмини банк-молия терминологик тизимига татбиқ қилган ҳолда А.Ҳожиев томонидан қайд қилинган терминлар учун хос бўлмаган усулни синтактик усул сифатида эътироф этдик ва банк-молия терминологиясида мазкур усулнинг фаоллиги кузатилди: (Қаранг: Диссертациянинг 3.3.-параграфи).

Кўп қулайликларга эгаллиги ва мантиқан тўғрилигига асосланган ҳолда терминологик тизимни тараққий қилдирувчи манбаларни ички ва ташқи манбалар тарзида эътироф этамиз. Ўзбек тилининг тарихий тараққиёт даврларини кузатар эканмиз, мазкур манбаларнинг бир даврнинг ўзида тенг фаол бўлган ҳолатларини ҳам, галма-гал тарзда тил луғат қатламининг бойишида етакчилик қилганини ҳам кўриш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги фан-техника тараққиёти, ахборотлар оқимининг чексизлиги мазкур масалага ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Бундай таъсир оқибатида ўзбек тили луғат системасида, хусусан, банк-молия терминологиясида ички манбага, яъни ўзбек тилининг ички имкониятларига нисбатан ташқи манба, яъни чет тилларидан сўз ўзлаштириш етакчи мавқега эга бўлаётгандек тасаввур пайдо бўлади. Ўзбек тили банк-молия терминологиясидаги ўз қатлам ва ўзлашган қатлам бирликларининг нисбати турлича бўлишига қарамадан, ҳар икки манбанинг ўзбек тили луғат тизимининг тараққий этишида ўзига хос ва салмоқли аҳамияти мавжуд.

Ҳар қандай тилнинг тараққиёти билан бир қаторда унинг софлиги, миллийлиги ва эстетик хусусиятларини сақлаб қолиш имкониятини берувчи тараққиёт манбаи бу – ўша тилнинг ички манбаидир. Ички манба тушунчаси орқали тилдаги хилма-хил: а) аффиксация; б) композиция; в) фонетик; г) аббревиация; д) синтактик; е) семантик каби сўз яшаш усуллари орқали янги лексема ва терминларнинг ҳосил қилиниши ифодаланади. Қатор монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларида юқорида

⁸⁹ Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. –Тошкент: Ўқитувчи, 2007. –Б.8.

таъкидланганларнинг бари сўз яшаш усули сифатида қайд этилади. Ушбу фикрлардан фарқли ўлароқ академик А.Хожиевнинг сўнгги йиллардаги илмий ишларида фақат аффиксация усулигина ҳақли равишда сўз ясаши сифатида таъкидланган бўлиб, бошқа усулларнинг бундай мақомга эга бўлиши инкор этилади. Назаримизда, олим мазкур фикрга масаллага мантиқий ёндашиб, “сўз яшаш” тушунчасининг лугавий маъносидан келиб чиққан ҳолда: “Сўз яшаш деганда, маълум бир луғавий бирликдан сўз ясовчи восита ёрдамида янги сўз ҳосил қилиш тушунилади. ... Демак бу усул –кўшимча қилиш усули. Ҳар қандай ясама сўз ана шундай таркибий қисмдан –сўз ясашиш асоси ва сўз ясовчидан иборат бўлади”, - деган хулосага келади.

Термин ясашиши масаласида фикр юритаётиб, Ғ.Исмоилов: “Умумистеъмолдаги ясашишдан фарқли ўлароқ, терминологик тизимларда бундай усулларнинг фақат аффиксация, композиция ва семантик турларидан у ёки бу даражада фойдаланилади⁹⁰”, - деган фикрни илгари суради.

М.Абдиев соҳавий сўз/терминлар ясашишини ўрганиш, уларнинг систем моҳиятини аниқроқ тасаввур этиш, бошқача айтганда, системанинг туб моҳиятларини теранроқ англашни тақозо этишини, шу сабабли тадқиқотида бу муаммоларга ҳам тўхталиб ўтганини таъкидлайди. Олим ўз изланишлари натижасида лексик сўз ясашиши билан терминологик сўз ясашиши ўртасида муайян фарқлар мавжудлигини аниқлаган ва бу борада шундай хулосаларга келган: “... ҳар қайси терминологик системанинг фақат унинг ўзига хос термин яшаш қонун-қоидалари бор”⁹¹.


Юқорида қайд қилинган фикрларнинг нечоғли ҳақиқатга яқинлигини ҳамда шу қонуният банк-молия терминларига ҳам хос ёки хос эмаслигини аниқлаш мақсадида тадқиқотимиз объекти бўлган ўзбек тили банк-молия терминологик тизими бирликларини таҳлил қилдик. Натижада уларда юқорида

⁹⁰ Исмоилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши: филол.фан.ном... дисс.–Тошкент, 2011. –Б.13.

⁹¹ Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-хунаrlари материаллари асосида): филол.фан.док...дисс. –Тошкент, 2005.

таъкидланган усуллардан қайсилари нисбатан фаол ва қайсилари жуда кам миқдорда учраши аниқланди. Ушбу манзарани қуйидаги диаграмма орқали аниқроқ тасаввур қилиш мумкин (Қаранг. 2-расм).

2-расм.



Мазкур диаграммада қиймат кўринишида берилган далилларни бевосита соҳа терминларининг таҳлили орқали асослаймиз.

Аффиксация усули. Сўз яшашнинг аффиксация усули терминологик тизимлар лугат фондининг бойишида муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, сўнгги йилларда ўзбек адабий тилида аффиксация усулида янги сўзлар ҳосил қилиш жуда фаоллашган⁹². Проф. Р.Дониёровнинг таъкидлашича, «Ўзбекча – русча лугат»даги 40 мингдан ортиқ сўзнинг 75-80 % аффиксация усули билан ясалган⁹³. Таниқли терминшунос олима З.Мираҳмедованинг таъкидлашича: “... адабий тилда бир мунча каммаҳсул бўлган аффикслар терминологияда ёхуд унинг бирор системасида фаол бўлиши мумкин”⁹⁴. Ҳар бир терминологик система мустақил ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, сўз яшашнинг маълум бир моделлари асосида шаклланади ва ривожланади. Бир терминологик системада фаол бўлган аффикс бошқа терминологик системада, аксинча, каммаҳсул бўлиши мумкин. Масалан, Р.Дониёровнинг қайд қилишича, ўзбек тилининг техник терминологиясида *-гич*

⁹² Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз яшалиши тизими. –Тошкент:Ўқитувчи, 2007. –Б.24.; Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. -130-б.

⁹³ Дониёров Р. Техническая терминология узбекского языка на современном этапе: дисс...док.филол.наук. – Ташкент, 1988. –С.90.

⁹⁴ Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1994. -86-б.

аффиксига ўта маҳсулдор⁹⁵. Г.Ғуломованинг тадқиқотида эса кўшимча юридик терминологияда деярли терминларнинг таъкидланади⁹⁶. Қолаверса, термин яшашнинг аффиксация усули барча терминологик системаларда бир хилда қўлланавермайди. Масалан, сўз яшашнинг аффиксация усули ўзбек тилининг техника⁹⁷, муסיқашунослик⁹⁸ терминологияларида фаол эканлиги кузатилса, аксинча, фармацевтика⁹⁹, химия¹⁰⁰ каби терминологик системаларида аффикслар ёрдамида сўз яшаш кам микдорда кузатилади.

Ўзбек тилининг терминологик системаларида *-лик* кўшимчаси фаол термин ясовчи кўшимчалардан бири ҳисобланади. Хусусан, Э.А. Бегматов ҳам *-лик* ўзбекча сўзларни ҳосил қилувчи энг фаол морфемалардан бири эканлигини таъкидлайди¹⁰¹.

-лик кўшимчаси банк-молия терминологиясида ҳам ўзбек адабий тилидаги сингари анча фаол. Буни қуйидаги терминларнинг ясалганлигида ҳам яққол кўришимиз мумкин: *агентлик*, *агентликлар*, *альтернативлик* (*муқобиллик*), *антрепренерлик* (*тадбиркорлик*), *ликвидлик*, *газначилик*...

Адабий тилда фаол равишда сўз ясовчи у ёки бу аффикс баъзи терминологик системаларда ҳам фаоллиги билан муштараклик ҳосил қилади. Масалан, *-чи* маҳсулдор аффикс бўлиб, унинг ёрдамида кўплаб лексемалар ясалган. Терминологик системаларга бағишланган ишлар ўрганиб чиқилганда ҳам мазкур аффикс айрим терминологик соҳаларда

⁹⁵ Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.91.

⁹⁶ Ғуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг истиклол даври таракқиёти: филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 97.

⁹⁷ Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.101.

⁹⁸ Азизов С.А. Лексико-грамматическое исследование музыкальной терминологии узбекского языка: автореф. дисс... канд.филол.наук. – Ташкент, 1981.

⁹⁹ Касимов А. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке: автореф. дис...канд.филол.наук. – Ташкент, 1982.

¹⁰⁰ Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации: автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1986.

¹⁰¹ Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик катламлари. –Тошкент: Фан, 1985. – Б.134.

адабий тилдаги каби фаоллигини сақлаб туради. Ўзбек тилининг *ҳарбий* (ўқчи, тўпчи, жангчи), *физкультура ва спорт* (курашчи, югурувчи, хужумчи), *ижтимоий-сиёсий* (инқилобчи, босқинчи, республикачи), *педагогика* (ўқувчи, ўқитувчи, тилчи) каби терминологик системаларида шундай ҳолат яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга, *-чи* аффикси баъзи терминологик системаларда қўлланмайди ёки айрим ҳоллардагина фойдаланилади. Ўзбек тилининг ботаника, зоология, математика, кимё, астрономия, анатомия каби терминологик системаларида шундай ҳолатни кўриш мумкин.

Ўзбек тили банк-молия терминологиясига оид аксарият бирликлар отлар ва феъллар (ҳаракат номи шаклида бўлиб, фаолият-жараён отига кўчган)дан иборат. Шунга мувофиқ равишда мазкур терминологик қатлам терминларининг аффиксация усулида ҳосил бўлишида *-лик*, *-чи*, *-лаш* сингари аффикслар фаол эканлиги маълум. Буни қуйидаги терминлар мисолида кўришимиз мумкин: *аванслаш*, *автоматлаштириш*, *агентлик*, *агентликлар*, *акцептчи*, *альтернативлик* (*муқобиллик*), *антидаталаш* (*антисаналаш*), *антрепренерлик* (*тадбиркорлик*), *арбитражлаш*, *кредитлаш*, *ликвидлик*, *молиялаш*, *газначилик*...

Қолаверса, аффиксация усулида ҳосил бўлган банк-молия терминлари кўп компонентли ёки бирикма типдаги терминларнинг ҳосил бўлишида ҳам фаол иштирок этади (Қаранг. Диссертациянинг 3.3-параграфи).

Банк-молия терминологиясидаги энг катта қатлам от туркумидаги терминларга тўғри келади. Ўз навбатида от асосдан от ясовчи, сифат ясовчи ва феъл ясовчи аффикслар ёрдамида салмоқли миқдордаги банк-молия терминлари ясалади.

-лаш, *-и*, *-иш* аффикслари от асосдан *аванслаш*, *ассигнациялаш*, *мукофотлаш*, *дисконтлаш*, *инвестициялаш*, *кредитлаш*, *лимитлаш*, *лицезиялаш*, *патентлаш*, *молиялаш*, *баҳолаш* ва ҳ.к. феъл туркумига оид (феълнинг ҳаракат номи шаклидаги) банк-молия терминларини ясади. Уларни ўз навбатида фаолият-жараён отларига кўчган дейиш мумкин.

лик ликвидлик, рентабеллик, стабиллик, банкротлик, азерчилик ... (сифатдан ва отдан от ясалган).

чи сотувчи, таъминотчи, бюджет олувчи, қарз олувчи ... (отдан (жумладан, фаолият-жараён отларидан) от ясалган).

Жумладан, **-ий, -вий** аффикслари ёрдамида молиявий шифарот, молиявий-иқтисодий назорат, ноэмиссиявий қимматли қарзлар, маҳаллий бюджет, ҳудудий банк, хусусий мулк, шахсий мулк каби бирикмали терминларнинг тобе компоненти (циклопчиси) ҳосил қилинган.

Аванслаш, автоматлаштириш, агентлик, агентликлар, ассистентчи, альтернативлик (муқобиллик), антидаталаш (интисаналаш), антрепренерлик (тадбиркорлик), арбитражлаш, кредитлаш, ликвидлик, молиялаштириш, каттачилик сингари терминлар ҳосил бўлишида ҳам айнан **-лаш, -лик, -чи** каби от ва феъл ясовчи аффикслар фаолдир.

Композиция усули. Мазкур усулнинг аффиксация усулидан фарқи шундаки, композиция усули ёрдамида ясалган қўшма сўзлар аффикслар орқали ифодаланувчи, уларни ясовчи асосдан фарқловчи категориал маънога эга бўлмайди. Қўшма сўзнинг маъноси уни ҳосил қилаётган ясовчи асосларнинг маъноси йингидисидан келиб чиқади. Банк-молия терминологиясида композиция усули сўзларнинг қўшилиши ва жуфтлашиши каби кўринишларда намоён бўлади.

Микдор жиҳатдан бир мунча оз бўлишига қарамаздан молиявий муносабатлар соҳасида **агробанк** каби аффиксоидлар ёрдамида ҳосил бўлган терминлар (**гиперинфляция** термини ҳам шу қонуният асосида ҳосил бўлган, аммо мазкур термин ўзга тилдан тайёр ҳолатда ўзлашган ва ўзбек тилининг аффиксоидлар воситасида сўз ясалиш қолипига мос келган), **банк-молия**, **савдо-сотик**, **олди-берди**, **ажизо-конт**о сингари жуфт ҳамда аббревиацияга учраган **ОАЖ** (очик акциядорлик жамияти), **МЧЖ** (масъулияти чекланган жамият) каби терминларни учратиш мумкин.

Семантик усул. Тилнинг луғат таркибида янги сўзларнинг пайдо бўлишида семантик усул анча фаол саналади. Ижтимоий алоқа курали бўлган тил, унинг асосий ифода шакли сўз ва унинг маъноси (семантикаси)да содир бўладиган ўзгаришлар

қадим замонларданоқ ўз даврининг зукко кишилари томонидан анланган. Хусусан, қадимги юнон олимларидан Аристотельнинг сўз маъносидаги ўзгариш метафора воситасида рўй бериши ҳақида фикр билдиргани, шу каби фикрлар Атоуллоҳ Хусайний изланишларида ҳам у ёки бу даражада ўз ифодасини топгани тўғрисида маълумотлар мавжуд¹⁰².

XIX асрнинг ўрталари ва XX асрнинг бошларида маънони кўчириш йўли билан янгидан-янги тушунчаларни ифодалаш масаласига жиддий эътибор берилган. Кейинчалик тилда мавжуд бўлган бирор лексемада қўшимча маъно ҳосил бўлиши билан янги луғавий бирликни ҳосил қилиш борасида Л.А.Булаховский, А.А.Реформатский, Н.М.Шанский каби тилшунослар муҳим фикрлар билдириб ўтишган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам мазкур муаммо махсус тадқиқотларнинг текшириш объектига айланган¹⁰³. Семантик усул билан терминларнинг ҳосил бўла олиши илмда ўз тасдиғини топган масалалардан бири. Янги термин ҳосил бўлишининг асосий воситаси, сўзнинг семантик тараққиёти бўлган мазкур усул ўзида икки хил ҳолатни мужассамлаштиради: терминлашиш ва транстерминлашиш (Юқорида мазкур жараёнлар шарҳланган).

М.Абдиевнинг ишида семантик усулнинг икки тури: соф семантик усул ва семантик-синтактик усул кабилар мавжудлиги қайд қилинади. Тадқиқотимизда тилшуносларнинг мулоҳазалари ва банк-молия терминларининг таҳлилини амалга ошириш жараёнида семантик усулнинг дастлаб икки тури: терминлашиш ва транстерминлашишни ажратдик. Терминлашиш жараёнининг ўзини соф терминлашиш ҳамда синтактик конструкциялардаги терминлашиш ҳамда транстерминлашишни ҳам соф транстерминлашиш ва синтактик конструкциялар воситасидаги транстерминлашишга ажратишни маъқул деб ҳисобладик. Буни қуйидаги чизмада ҳам акс эттириш мумкин (Қаранг. 3-расм).

¹⁰² Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти қасб-хунарлари материаллари асосида): филол.фан.док...дисс. –Тошкент, 2005. –Б.142.

¹⁰³ Қаранг. Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши: филол.фан.ном...дисс. – Тошкент, 2011.



3-расм. Банк-молия терминологиясида семантик усулнинг кўринишлари

Семантик усулнинг кўринишларини бу тариқа таснифлашда икки хил ҳолатга асосландик. Дастлаб термин ҳосил қилишга асос бўлган манба ва ҳосила инobatга олинди. Яъни умумистеъмол лексикасининг терминга айланиши терминлашиш бўладиган бўлса, бир соҳа терминининг бошқа соҳа термини сифатида қўллана бошлаши транстерминлашиш тарзида белгиланди. Сўнгра мазкур жараён қай ҳолатда кечиши инobatга олинди. Бунда терминлашиш ҳам транстерминлашиш ҳам сўз шаклида муайян ўзгаришларни юзага келтирмасдан амалга ошса соф терминлашиш ва соф транстерминлашиш, агар терминларнинг структурасида синтактик ўзгаришлар кузатилса, синтактик конструкциялардаги терминлашиш ва транстерминлашиш тарзида ажратилди.

Маълумки, бугунги кунда банк амалиётида пластик карталар фаол қўлланилади. Жумладан, жорий 2020 йилдан бошлаб “Нито” карталари истеъмолга киритилди. “Нито” картаси терминининг иккинчи компоненти *картаси* кўп ҳолларда жонли мулоқотда қўлланилмайди, бирикма метонимияга учрайди. Масалан, жонли тилда “*Нито*”га *пул тушди*, “*Нито*”дан *жўнатаман* сингари ифодалар фаол. Бу ўринда Нито сўзи семантик жиҳатдан бойиди ва пластик карта тури деган янги семага эга бўлди. Эътиборлиси шундаки, қисқа муддатларда сўз шу қадар тез фаоллашдики, айна вақтда “Нито” деганда сўзнинг бош маъноси “қуш тури” эмас, айнан “пластик карта тури” деган ҳосила маъноси етакчилик қила бошлади.

Табиийки, “Нумо” сўзи терминлашиш натижасида банк-молия терминлари орасидан мустахкам ўрин эгаллади. Бунда юқорида қайд қилинган семантик усул кўринишларидан дастлаб синтактик конструкциядаги терминлашиш кузатилади. Чунки дастлаб “Нумо” картаси тарзида терминнинг таркибига картаси сўзи киритилди ва сўз терминлашди. Жонли тилда *картаси* сўзи деярли қўлланмаган ҳолатларда соф терминлашиш усули амал қилгандек тасаввур уйғотади.

Араб тили иқтисодий терминологиясини тадқиқ қилган Д.Адиҳонов семантик усулнинг яна бир ички кўриниши, яъни семантик кўчиш хусусида фикр юритади. Бу умумистеъмол лексикасининг иқтисодий термин сифатида қўлланиши натижасида содир бўладиган терминлашиш ҳам эмас. Ёки бошқа бир соҳа терминининг иқтисодий термин сифатида қўлланилиши билан боғлиқ транстерминлашиш ҳам эмас, балки араб тили иқтисодий терминологиясида мавжуд бирликларнинг янги маънода қўлланилиши билан боғлиқ. Олимнинг тадқиқ қилишича, араб тилида бу усул билан ҳосил бўлган терминлар 20%ни ташкил этади. Ўзбек тилида эса, хусусан ўзбек тили банк-молия терминологиясида семантик усул бу даражадаги устунликка эга эмас.

Синтактик усул. Алоҳида қайд қилиш жоизки, бошқа терминологик тадқиқотларда энг фаол термин ҳосил қилиш усули сифатида баҳоланувчи синтактик усул банк-молия терминологиясида ҳам етакчи ўринни эгаллаб турибди. Хусусан, баён қилаётган фикрларимизни асослаш мақсадида А.А.Ибрагимов, М.У.Мирзараҳмедов, Ж.Х.Усмоналиевлар ҳаммуаллифлигидаги ««Молия», «Молия бозори ва биржа иши» фанларидан таянч сўз ва иборалар тўплами»да берилган 335 та термин таҳлил қилинганда улардан 208таси бирикмали термин эканлиги ва бу кўрсаткич таҳлилга тортилган терминларнинг 62%ини ташкил этиши аниқланди. Бундай ҳолат юзага келишининг муҳим сабабларидан бири соҳага оид аксарият туб терминлар асосида ўнлаб бирикмали терминларнинг ҳосил қилинишидир. Яъни мазкур ҳолатда соҳа туб терминлари И.Йўлдошев ва бошқа терминолог олимларнинг ишларида фикр юритилган *минимал элемент* вазифасини ўтайди. Ушбу

ҳисобнинг реал манзарасини кўйидаги банк молия терминлари орқали яққолроқ тасаввур қилиш мумкин.

Бюджет (минимал элемент) *бюджет олувчи, бюджет таслифи, бюджет жараёни, бюджетлараро муносабатлар, бюджет ёйилмаси (роспись), бюджет дотацияси, бюджетдан маънага ажратилиш, бюджет профицити, бюджет ссудаси, бюджет субвенцияси, бюджет сўрови, бюджет тақчиллиги, бюджет трансферти, бюджет ташкилоти, бюджетни режаслаштириши, бюджет ижроси, бюджет ваколатлари, бюджет федерализми.*

Молия (минимал элемент) *молия вазирлиги, молия воситалари, молия инқирози, молия йили, молия объекти, молия субъекти, молия тизими, молияни бошқариш ...*

Шунингдек, юқорида келтирилган тоифадаги бирикма терминларларнинг ҳосил бўлишида синтактик ва аффиксация усуллари биргаликда иштирок этиши мумкин: *молиявий даромад, молиявий заҳиралар, молиявий инвестиция, молиявий инспектор, молиявий интеграция, молиявий йил, молиявий кўрсаткичлар, молиявий механизм, молиявий муносабатлар, молиявий натижалар, молиявий режаслаштириши, молиявий ресурслар.* Мазкур мисоллардаги *-вий* кўшимчаси ёрдамида ясалган *молиявий* (сифат) компоненти юқоридаги барча бирикма терминларнинг аниқловчиси вазифасида иштирок этади ва минимал элемент вазифасини бажаради.

Юқорида таъкидланганидек, бирикмали терминлар ўзбек тили банк-молия терминологиясининг жуда катта қисмини ташкил этади. Минимал элементлардан ҳосил қилинган терминларнинг эса мазкур ҳолатда ҳиссаси бекиёс. Чунончи, биргина **валюта** минимал элементи иштирокида 60 тага яқин бирикмали термин ҳосил қилинган.

Инсоният тарихидан маълумки, турли халқлар кўшничилик муносабатларида ҳаёт кечирганлар. Шу боис ҳар қандай миллат ва халқ тарихи, маданияти, жумладан, тилини бошқа халқлар ва миллатларга хос унсурларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатлараро амалга ошириладиган турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий муносабатлар миллий тилларнинг лугат таркибидан халқаро-байналмилал сўзларнинг

жой олишига, бир тилдан бошқа тилга сўзларнинг турли усуллар билан ўзлашишига олиб келади. Бундай муносабатлар ўзбек тилининг луғат таркибида шаклланган ва жамият ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланиб қолган банк-молия соҳаси терминологиясини ҳам четлаб ўтмади. Аксинча, бошқа жабҳаларга нисбатан янада яққолроқ ифодасини топди. Жуда қадим замонлардан бошланган халқлараро савдо-сотик алоқалари натижасида сотувчи ва харидорлар тилига ўз тилида мавжуд бўлган ва бўлмаган маҳсулотлар, хизматларни ифодаловчи тушунчаларнинг ўзга тилдаги номлари кириб кела бошлаган.

Терминологик қатламни бойитувчи асосий йўллардан бири сўз ўзлаштиришдир. Сўз ўзлашиши масаласи соҳа мутахассисларини доимий равишда ўзига жалб қилиб келган. А.А.Реформатский мазкур масалага ёндашар экан: “Биринчи навбатда ўзлашган сўзлар орасидаги ўзлашган ва ўзлаштирилган (тил луғат таркибига сингиб кетган) ҳамда ўзлашган, бироқ ўзлаштирилмаган (тил луғат таркибига сингиб кетмаган) сўзларни фарқлаш лозим”¹⁰⁴ лигини уқтиради. Шу нуқтаи назардан банк-молия терминологияси, хусусан, “Бухгалтернинг изоҳли луғати”да берилган терминлардаги термин ўзлашиш нисбати таҳлил қилинганда мазкур соҳа терминосистемасига оид “А” ҳарфи билан бошланувчи 60 та терминнинг 18 таси, яъни 30% ўзлашган терминлар эканлиги маълум бўлади: *аккредитив, актив, акцент, акционер, акция, алимент, амортизация, архив, ассортимент, аудитор ва ҳоказо*. Мазкур терминларнинг аксарият қисмини ўзлашган ва ўзлаштирилган терминлар, маълум бир қисмини эса: *ассигнация, арбитраж, артикул, авизо* ўзлашган, аммо ўзлаштирилмаган терминлар сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, биринчи тоифа терминлари омма ҳаётига чуқур кириб бориб, фаол ишлатилмоқда. Иккинчи тоифа терминлари эса соҳа вакилларигагина тушунарли, чунки уларнинг қўлланилиш доираси тор саналади.

¹⁰⁴Реформатский А.А. Введение в языкознание. –Москва: Аспект пресс, 2006. – С.140.

Сўз ўзлаштирилиши маълум бир тилда ўзга тил элементи (сўз ёки морфема)нинг пайдо бўлиш ва муқимлашиш жараёнидир. Мазкур тушунча тилшуносликка У.Вайнрайх томонидан киритилган ва кейинчалик А.Мартине томонидан қардош ва ноқардошлигидан қатъи назар тилларнинг ўзаро таъсири жараёнини тушунтириш учун қўлланган¹⁰⁵. Ушбу тушунча орқали ифодаланувчи жараён, нафақат, тилшунослик учун, балки, жамиятшунослик ва тарих фанлари учун ҳам аҳамиятлидир. Зеро, даврлар кесимида таҳлил қилинганда, қайси даврда сўз ўзлашиш жараёни кенг амал қилган бўлса, қолаверса, қайси тил элементлари кўпроқ ўзлашган бўлса, ўрганилаётган даврда кўрилатган халқнинг қайси халқлар билан алоқалари жадал суръатларда бўлганини, қайси терминологик системада шу жараён фаол бўлганлигига қараб эса айнан қандай алоқалар ўрнатилганлигини аниқлаш мумкин. Турли тилларда тараққиётнинг турли даврларда ўзга тил элементлари ўзлашишининг фоизлари турличадир. Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, луғат таркибининг ўзлашган қатлами ўзида маданий, иқтисодий-ижтимоий, этник алоқа ва муносабатларни ифодалайди. Қолаверса, сўз ўзлашишининг даражаси ва сифати ўзаро таъсирга киришган маданиятлараро алоқаларнинг даража ва сифатини белгилаб беради. Терминологик тадқиқотларнинг аксарият қисмида тадқиқот объекти бўлган терминосистеманинг таркибидаги ўзга тил элементларининг ўрни ва сўз ўзлашиш жараёнларига алоҳида эътибор берилади. Бу эса ўз навбатида умумий тил системасида ўзлашган сўзларнинг фаоллигини, тилга сўзларнинг ўзлашиш сабаблари ва ўзига хосликларини аниқлашга амалий ёрдам беради.

Сўз ўзлашиш бир неча хил шаклда амалга ошиши мумкин. Бу шакллар хусусида турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан Г.Пауль ўзга тил таъсирининг 2 турини ажратади: 1) ўзга тил материалининг ўзлашиши (сўзлар, маънолари бутун гуруҳга тўлалигича дахлдор бўлган сўз бирикмалари, сўз ясовчи

¹⁰⁵ Синькова О. М. Способы словообразования компьютерной терминологии в арабском литературном языке: на материале современной прессы: дисс... канд.филол. наук. –Москва, 2007. -С.98.

аффикслар, жуда кам микдорда флексиялар); 2) ўзга тил шакли (қолипи) нинг ўзлашиши: яъни “ўз тил материалларидан фойдаланилади, бироқ тушунчани ифодалаш учун шаклантирилган ва мослаштирилган ҳосила ўзга тил намунаси (қолипи) асосида амалга оширилади”¹⁰⁶. Э.Хауген эса ўзга тилдан ўзлашган лексема ўзлашаётган тилда ҳам ўзининг ўзга тилдаги диахроник андозасига у ёки бу даражада мувофиқ келиши лозимлигини таъкидлайди ва сўз ўзлашишларни икки йирик гуруҳга ажратади: 1) тўлиқ ўзлашган ўзга тил лексикаси; 2) ўзгартиришлар ҳисобига ўзлашган лексемалар гуруҳи (калька)¹⁰⁷. Қолаверса, олим сўз ўзлашишни “ўзга тил соҳибининг ўз билимларини бошқа бир тилга татбиқ қилишга уриниши”¹⁰⁸ тарзида изоҳлайди.

Ўзбек тили луғат таркибини бойитиш жараёнлари орасида ўзга тил лексикасининг ўзлаштирилиши янги ҳодиса, тушунчаларни номлаш ва мавжуд тушунчаларни янгилаш усулларидан бири сифатида ўзининг салмокли ва муҳим аҳамиятига эга.

Юқорида қайд қилинганидек, сўз ўзлашишининг ҳам бир неча усуллари мавжуд бўлиб, тадқиқотимиз объекти бўлган банк-молия терминологиясида ушбу усулларнинг ўз ҳолича ва калькалаб ўзлаштириши каби турлари анча фаол эканлиги маълум бўлди.

Қайд қилиш жоизки, аксарият ўзлашмалар рус тили оркали кириб келади. Шу билан бирга айни вақтда дунё тиллари орасида умумбашарий аҳамият касб этишга даъвогарлик имконияти европа тилларида мавжуд бўлиб, XX асрнинг 2-ярмидан эса улардан бири – инглиз тилининг етакчилиги яққол сезилиб бормоқда.

Банк-молия тизими терминлари байналмилал характерга эга бўлиб, аксарият тилларга ўзгаришсиз ўзлашган ва кенг истеъмолда қўлланилади (тилларнинг фонетик хусусиятлари сабабли талаффузида ўзгаришлар кузатилади). Масалан: **банк** –

¹⁰⁶Пауль Г. Принципы истории языка. –Москва: Иност. литература, 1960. –С.461.

¹⁰⁷Хауген Э. Языковой контакт// Новое в лингвистике. № 6. –Москва, 1972. –С.77.

¹⁰⁸Хауген Э. Процесс заимствования// Новое в лингвистике. № 6. –Москва, 1972. –С.345.

Ўзб. *банк*, рус. *банк*, инг. *bank*, итал. *banco*, фр. *banque*; капитал – ўзб. *капитал*, рус. *капитал*, инг. *capital*, фр. *capital*, лот. *Capitalis* ва ҳоказо. Шу каби терминларнинг бирор тил, хусусан, ўзбек тилига ўз ҳолича ўзлашишининг асосий сабабларидан бири мазкур терминларнинг байналмилал характерга эгаллиги билан бир қаторда уларнинг берилган тил системасидан узилганлиги, сўз ўзлаштираётган тилда шу термин маъносини бера оладиган муқобил вариантнинг мавжуд эмаслигидир. Ҳамлаштирувчи тилда муқобил мавжуд бўлган ҳолатларда эса (*брокер, даллол, воситачи* каби) терминологик синонимия ҳосил бўлади.

Ижодий таржима ҳосиласи сифатида эътироф этиш мумкин бўлган сўз ўзлаштириш усули бу – калька усулидир. Калька XX асрнинг иккинчи ярмидан лексик ҳодиса сифатида эътироф этила бошланди. Мазкур муаммони тадқиқ қилган тилшунослардан бири Ш. Баллининг таъкидлашича: “Калькалар француз тилидаги “*calque – слово*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу – ўзга тилдаги намуна асосида деярли таржима йўли билан механик тарзда ҳосил қилинган сўз ва тушунчалардир”¹⁰⁹.

Кальканинг бир қатор турлари ажратилади. Сўз ҳосил қилувчи калька бу – “деярли таржима воситасида ҳосил қилинган сўздир”¹¹⁰. Бунда калька усули билан ўзлашаётган сўзнинг қолипи, яъни ўзаги, қўшимчаси, префикслари айнан бир хил бўлади.

Калькашнинг ўзига хос бир қатор жиҳатлари мавжуд. Ўзбек тилшунослигида калькашштиришнинг ўзига хос хусусиятлари масаласи ёритилган махсус тадқиқот¹¹¹ мавжудлиги боис, ушбу масалага ойдинлик киритишга эҳтиёж сезилмади. Калька усули билан сўз ўзлашишининг банк-молия терминологик системасида воқеланиши тўғридан-тўғри соҳа терминлари таҳлили орқали ифодаланди. Қуйидаги жадвалда “Словарь банковских терминов Википедия” ҳамда

¹⁰⁹Балли Ш. Французская стилистика. –М: Иност. Литература, 1961.–394 с. –С.69.

¹¹⁰Фомина М.И. Современный русский язык. Лексикология. 3-е изд. –М.: Высшая школа, 1990. 415 с. –С.179.

¹¹¹Шоахмедов Э. Вопросы калькирования с русского на узбекский язык: автореф. дисс... канд.филол.наук. – Тошкент, 1974. – 127 с.

А.А.Ибрагимов, М.У.Мирзарахмедов, Ж.Х.Усмоналиевларнинг ҳаммуаллифлигидаги ««Молия», «Молия бозори ва биржа иши» фанларидан таянч сўз ва иборалар тўплами»даги баъзи терминларни киёслаш орқали ўзга тиллардан (асосан, рус тили орқали) калька натижасида ўзлашган терминларнинг умумий манзараси гавдалантирилди (Қаранг. 1-жадвал).

1-жадвал

№	Словарь банковских терминов Векипедия (С.№)	Ибрагимов А.А., Мирзарахмедов М.У., Усмоналиев Ж.Х. «Молия», «Молия бозори ва биржа иши» фанларидан таянч сўз ва иборалар тўплами. (Б. №)
1.	<i>государственный бюджет</i> (С.103)	<i>давлат бюджети</i> (Б.13)
2.	<i>внебюджетные фонды</i> (С.80)	<i>бюджетдан ташқари маблаглар</i> (Б.11)
3.	<i>финансовая интеграция</i> (С.611)	<i>молиявий интеграция</i> (Б.25)
4.	<i>страховые фонды</i> (С.550)	<i>сугурта фондлари</i> (Б.34)
5.	<i>финансовые инвестиции</i> (С.612)	<i>молиявий инвестициялар</i> (Б.25)
6.	<i>бюджетный дефицит</i> (С.63)	<i>бюджет тақчиллиги</i> (Б.10)
7.	<i>фьючерсный контракт</i> (С.624)	<i>фьючерс битими</i> (Б.39)
8.	<i>финансовый механизм</i> (С.613)	<i>молиявий механизм</i> (Б.25)
9.	<i>счет текущих операций</i> (С.555)	<i>жорий операциялар ҳисоб раками</i> (Б.17)
10.	<i>финансовые ресурсы</i> (государства, региона, предприятия, фирмы) (С.613)	<i>молиявий ресурслар</i> (Б.26)
11.	<i>неконвертируемая валюта</i> (С.235)	<i>конвертация қилинмайдиган валюта</i> (Б.21)

12.	<i>валютные операции (сделки) (С.70)</i>	<i>валюта операцияси (Б.11)</i>
13.	<i>валютные счета (С.70)</i>	<i>валюта счёти (Б.11)</i>
14.	<i>страховое возмещение (С.549)</i>	<i>суғурта бадали (Б.33)</i>
15.	<i>страховой рынок (с.550)</i>	<i>суғурта бозори (Б.33)</i>
16.	<i>срок страхования (С.541)</i>	<i>суғурта муддати (Б.33)</i>
17.	<i>денежная реформа (С.120)</i>	<i>пул ислоҳатлари (Б.29)</i>
18.	<i>именные ценные бумаги (С.175)</i>	<i>номи ёзилган қимматбаҳо қозғозлар (Б.27),</i>
19.	<i>финансовый кризис (С.613)</i>	<i>молия инқирози (Б.24)</i>
20.	<i>финансовый год (С.613)</i>	<i>молия йили (Б.24)</i>
21.	<i>финансовые резервы (С.612)</i>	<i>молиявий захиралар (Б.25)</i>
22.	<i>финансовые показатели (С.612)</i>	<i>молиявий кўрсаткичлар (Б.25)</i>
23.	<i>финансовые отношения (С.612)</i>	<i>молиявий муносабатлар (Б.26)</i>
24.	<i>финансовые инструменты (С.612)</i>	<i>молия воситалари (Б.24)</i>
25.	<i>финансовая система (С.611)</i>	<i>молия тизими (Б.25)</i>

Ўзбек тили банк-молия терминологиясида термин ўзлаштиришнинг кўринишлари шу қадар кўп ва ранг-барангки, айримларида кўп компонентли терминлар таркибидаги бир термин ўз ҳолича, қолганлари таржима қилиб олинса (1-10-мисоллар), айрим терминлар таркибидаги барча сўзлар ўз ҳолича қабул қилиниб, бирикмани шакллантирган морфемаларгина таржима қилинади (11, 12, 13-мисоллар) баъзи терминлар эса сўзма-сўз таржима қилинади ва, натижада, у терминда фақатгина ўзга тилдаги андоза сақланиб қолади (14-25-мисоллар). Яна бир гуруҳ терминларда (миқдор жиҳатидан бир мунча кам) эса компонентларнинг жойлашиш тартиби ўзгартирилади: *банк-лидер – лидер банк*.

III БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ВА СТРУКТУР ХУСУСИЯТЛАРИ

ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек тилшунослигида тадқиқ қилинган турли соҳалар терминологиясига оид илмий ишларни таҳлил қилиш жараёнида айрим диссертациялар¹¹² мазмунида терминларни мавзусий гуруҳларга ажратиш масаласи ифодаланганлигини, баъзиларида¹¹³ эса мазкур масалага монографик планда ёндашилганлигини кўриш мумкин. Чунончи, Р.Сафарованинг қайд қилишича, “Систем лексикологиянинг тараққиёт босқичи сўзларни тематик ва лексик-семантик гуруҳларга бирлаштириб, маънони таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш билан характерланади”¹¹⁴.

Ўзбек тилининг терминологик тизимларини тадқиқ этишга бағишланган номзодлик ва докторлик диссертациялари, монографияларнинг деярли барчасида тадқиқот объектининг мавзусий гуруҳлари ё алоҳида боб сифатида, ё бирор боб таркибида махсус ўрганилган¹¹⁵. Зеро, муайян соҳа

¹¹² Данияров Р. Техническая терминология узбекского языка на современном этапе: автореф. дисс... док филол.наук – Ташкент, 1987; Джамалханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии: автореф. дисс...канд.филол.наук. –Ташкент, 1966; Касимов А. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке: автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1982; Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации: автореф. дисс...канд.филол.наук. –Ташкент, 1986; Мирахмедова З. Ҳозирги ўзбек тилининг анатомик терминологияси: филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1994.

¹¹³ Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): филол.фан.док...дисс.автореф. – Тошкент, 1999.

¹¹⁴ Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996. –Б.47.

¹¹⁵ Урунов Т. Узбекская овцеводческая терминология (на материалах Кашкадарьинской области) автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1964; Решетова Л. Грамматическая терминология узбекского языка: автореф.дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1964; Касимов А. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке: автореф. дисс...канд.филол.наук. –

терминологияси текширилганда терминларнинг мавзусий гуруҳларини аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Шунга кўра бу соҳага бағишланган тадқиқотларнинг кўпчилигида терминларнинг мавзуй гуруҳлари келтирилган.

О.Аҳмедовнинг номзодлик диссертациясида ўзбек тилидаги солиқ ва божхона терминлари куйидаги семантик-мавзусий гуруҳларга ажратилган: 1) солиқ ва божхона (СБ) тизим субъектлари номларини ифодаловчи терминлар; 2) СБ мажбуриятлари ундириладиган объект номларини ифодаловчи терминлар; 3) СБ амалиёти жараёнида функционалликни ифодаловчи терминлар; 4) тизим амалиёти жараёнида содир бўладиган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар натижасида қўлланиладиган терминлар¹¹⁶.

Анъанавий нуқтаи назарга асосланиб, банк-молия терминологиясининг тадқиқига бағишланган ушбу илмий ишда ҳам соҳа терминларини мавзуй гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш ўринли деб топилди. Банк-молия терминлари ишлатилиш доирасининг чегара билмаслик хусусиятлари уларни гуруҳлаштиришда бир қатор муаммоларни юзага келтиради. Шунга қарамасдан, мазкур соҳа терминларини уларнинг структур таркибидаги умумий компонентлар ҳамда семантик таркибидаги энг фаол бўлган интеграл семалар асосида бир мавзуй гуруҳга ва энг фаол бўлган дифференциал

Ташкент, 1982; Хуррамов К. Узбекские народные географические термины, обозначающие рельеф Южного Узбекистана: автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1984; Сапаев К. Строительная терминология узбекского языка: автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1984; Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации. автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1986; Юлдашев И.Ж. Библиотечно-библиографическая терминология узбекского языка: автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1987; Усманов С. Гиппологическая терминология современного узбекского языка: автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1988; Усмонов Н. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси: филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 1994; Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси: филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 1994; Маматов Н. Узбекская хлопководческая терминология: автореф.дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1995; Саидова М. Наманган шеваларидаги кариндошлик терминларининг лексик-семантик таҳлили: филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 1996 ва бошқалар.

¹¹⁶ Аҳмедов О.С. Солиқ ва божхона терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига берилиши: филол.фан.номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – Б.26.

семалари асосида турли мавзуий гуруҳларга мансубдир. Маълумки, ҳар қандай соҳа терминлари ишлатилиш доираси нуктаи назаридан ҳамда ифодаладиган тушунчаларидаги умумийлик асосида бир катор мавзуий гуруҳларга бирлашади. Назаримизда, терминологияга бағишланган тадқиқотларда соҳа терминларини семантикасидаги интеграл ва дифференциал хусусиятлари асосида мавзуий гуруҳларга ажратган ҳолда таснифлаш уларнинг ишлатилиш доираси чегараларини аниқроқ белгилаш имконини беради. Шу ёндашувга таянган ҳолда, қуйида банк-молия терминларининг структур ва семантик хусусиятлари, қўлланиш қўлами асосида бир қанча йирик ва майда мавзуий гуруҳларга ажратиш мезонлари ишлаб чиқилди:

1. **Шаклий мансублик мезони:** шаклий умумийликка эга бўлган, яъни структур таркибида умумий компонент мавжуд бўлган терминларни бир мавзуий гуруҳга бирлаштириш;

2. **Семантик мансублик мезони:** шаклий умумийликка эга бўлмаган, яъни структурасида бир хил компонент қатнашмаган терминларни семантик таркибидаги умумий семалари асосида бир мавзуий гуруҳга бирлаштириш.

Алоҳида қайд қилиш лозимки, ўзбек тили банк-молия терминларини биринчи мезон асосида гуруҳлаш иккинчисига нисбатан анча осонроқ кечади. Чунки терминларни бир гуруҳга бирлаштирувчи компонентлар терминнинг ифода планида аниқ ва равшан кўриниб туради. Масалан: *банк вексели, банк операциялари, банкнинг актив операциялари, банкнинг пасив операциялари* каби терминлар таркибида банк компонентининг мавжудлиги уларнинг **банк иши** мавзуий гуруҳига мансублигини яққол ифодалаб турибди. Шунингдек, терминлар шажарасини шакллантиришда ҳам мазкур мезонга таянилади.

Дилер ва брокер терминлари шаклий умумийликка эга эмас, шунинг учун улар иккинчи мезон асосида гуруҳлаштирилади:

дилер – *молиявий активлар савдосидаги воситачи*; мижознинг ҳисобига ва унинг топшириғи бўйича, шунингдек, ўз ташаббуси билан ўз ҳисобига битимларни бажарувчи, битим

сўямаси ва активларни сотиш ва сотиб олишдаги курс фарқланишидан тушган фойдадан мукофот ҳақи олувчи шахс¹¹⁷.

Брокер (маклер, комиссионер, куртъе) – *молиявий активлар савдосидаги воситачи (даллол)*; мижоз топширигига кўра ва унинг ҳисобига олди-сотди битимини амалга оширади. Мижознинг тузилган шартнома асосида олди-сотдининг маълум бир фойзи миқдориди мукофот олади¹¹⁸. Кўринганидек, мазкур терминлар номемасида ҳеч қандай ўхшашлик мавжуд эмас, бироқ уларнинг семантикасида мавжуд бўлган ва ҳар иккаласи учун умумий бўлган *молиявий активлар савдосидаги воситачи* семаси мавжуд. Мана шу сема юқоридаги терминларнинг молия тизими мавзуй гуруҳига мансублигини, қолаверса, ўзаро синонимлигини таъминлайди.

Шундай терминлар борки, улар кўлланилишига кўра четгараланмайди. Бу хусусият уларнинг семантикасида бир нечта гуруҳга мансуб бўлган семаларнинг мавжудлиги натижасида келиб чиқади. Масалан: дефляция – қимматли қоғозларни сотиш, валютани тартибга солишни кучайтириш, банк фойз ставкасини ошириш ва бошқа йўллар билан муомаладаги ортиқча пул массасини сунъий равишда қисман қайтариб олиш¹¹⁹. Мазкур терминни семантик таҳлил қиладиган бўлсак, унинг таркибидаги энг фаол сема бу – муомаладаги ортиқча пул массасини сунъий равишда қисман қайтариб олиш. Қоида бўйича мазкур сема дефляция терминининг молия тизими мавзуй гуруҳига мансублигини таъминлайди. Бироқ, яна бир муҳим жиҳати терминнинг семантик таркибида қимматли қоғозларни сотиш, валютани тартибга солишни кучайтириш семаси мавжуд бўлиб, у терминнинг қимматбаҳо қоғозлар мавзуй гуруҳи билан, **банк фойз ставкасини ошириш** семаси эса унинг **банк иши** мавзуй гуруҳи билан алоқадорлигини таъминлайди. Қолаверса, шу каби терминларнинг мавжудлиги, **қимматбаҳо қоғозлар, банк иши** каби мавзуй гуруҳларнинг, аслида, молиявий фаолият

¹¹⁷Шодиев Х., Ҳамроев М. Молия статистикаси. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2002. – Б.265.

¹¹⁸Шодиев Х., Ҳамроев М. Кўрсатилган манба. – Б.262.

¹¹⁹Шодиев Х., Ҳамроев М. Кўрсатилган манба. – Б.265.

эканлиги ва мазкур мавзуий гуруҳларнинг **молия тизими** гуруҳига нисбатан кичикроқ эканлиги билан изоҳланади.

Юқорида таҳлилга тортилган **дефляция** терминида эса мазкур гуруҳга мансубликни таъминловчи сема доминант даражасига кўтарилганлиги боис бу ҳол аниқроқ намоён бўлган. Бу ҳолат алоҳида ажратиб олинган терминларнинг гуруҳланишини асослашга хизмат қилади. Луғатларда алифбо тартибида берилган терминларни гуруҳлаш жараёни маълум бир формулаларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги формулалар ҳавола қилинади:

шаклий умумийликка эга бўлган, яъни структур таркибида умумий компонент мавжуд бўлган терминларни гуруҳлаш учун (биринчи мезонга мувофиқ) **1У.К** (1 та умумий компонент) формуласидан фойдаланамиз. Бундай формулада умумий компонент бир сўздан иборат бўлади, бошқа компонентларнинг сони аҳамиятсиз: *валюта бозори, валюта конверсияси, валюта курси, валюта операцияси, валюта позицияси, валюта тизими, валюта трансферти...* Мазкур терминларнинг структурасидаги умумий бўлган **валюта** компоненти мазкур терминларнинг барчасида интеграл белги бўлиб, ушбу сўз семантикасида ифодаланувчи *халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган мамлакатнинг пул бирлиги*¹²⁰ семаси шу компонент иштирок этувчи барча терминларнинг **қимматбаҳо қоғозлар** гуруҳига мансублигини таъминлайди. Натижада, биринчи мезонга асосланиб мавзуий гуруҳларга ажратишда терминларнинг структураси етакчи мавқега эгалигига қарамасдан гуруҳга бирлашиш терминнинг таркибидаги семаларга боғлиқлиги маълум бўлади. Яъни, дастлаб умумий компонентли терминлар териб олинади, сўнгра уларнинг қайси гуруҳга мансублиги умумий компонент семасини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Иккинчи мезон асосидаги тасниф формулалари сон жиҳатдан кўпроқ ва ранг-баранг:

1. УАС (умумий асосий сема) + ХҚС (хусусий қўшимча сема). Бунда терминларнинг битта умумий семаси ва бир нечта

¹²⁰Шодиев Х., Ҳамроев М. Молия статистикаси. –Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2002. –Б.263.

хусусий кўшимча семалари мавжуд бўлади. Семантик манублик мезони асосида бир мавзуий гуруҳга бирлашувчи терминларнинг жуда кам қисми ушбу формула асосида ёришади.

2. УАС (умумий асосий сема) + УҚС (умумий кўшимча сема):

• аудитор – **қимматли қоғоз эмитетларининг молиявий ҳолатини текшириш бўйича мутахассис**;

• аукцион – **қимматли қоғозларни ёки товарни ким ошди йўли билан сотишнинг ташкил қилиниши**.

Берилган мисолларда умумий асосий сема (*a*) ва умумий кўшимча сема (*a*) кўринишида ифодаланган бўлиб, гуруҳланиш умумий асосий сема асосида амалга оширилади. Мазкур мисолни гуруҳлашда уларнинг семантик таркибида мавжуд бўлган **қимматли қоғоз** – кўшимча хусусий сема бир оз кийинчиликларни юзага келтиради. Ҳар иккала терминда ҳам ушбу сема иштирок этишига қарамасдан мазкур терминларни қимматбаҳо қоғозлар кичик мавзуий гуруҳига кирита олмаймиз. Чунки мазкур сема доминанта вазифасини бажармаяпти, яъни термин семемасининг энг фаол компоненти эмас. Шу боис уни, гарчи, таркибида қимматбаҳо қоғозлар гуруҳига яқинлаштирувчи сема мавжуд бўлса ҳам, биринчи термин таркибида унинг умумий асосий семаси сифатида **молиявий ҳолатини текшириш бўйича мутахассис**, иккинчи термин таркибида эса **ким ошди йўли билан сотишнинг ташкил қилиниши** каби семалар иштирок этади ва терминларни **қимматбаҳо қоғозлар** мавзуий гуруҳига нисбатан кенгрок ҳисобланадиган **молия тизими** гуруҳига мансублигидан далолат беради.

А.А.Абдуллаеванинг диссертациясида¹²¹ таъкидланганидек, терминлар ҳам сўзларнинг бир тоифаси сифатида маълум бир мавзуий гуруҳга тааллуқли бўлиш билан бир қаторда бошқа мавзуий гуруҳлар, ҳатто терминологик системалар бирликлари ҳамда умумистъмол сўзлари билан семантик муносабатлар

¹²¹ Абдуллаева А.А. Лексика сферы международных отношений (на материале русского и узбекского языков): дисс... канд.филол.наук. –Ташкент, 2003. –С.21.


(синонимия, антонимия, омонимия, паронимия)га киришиши мумкин.

Бирлик таркибидаги семалар уларнинг бошқа бирликлар билан муносабатга киришишини таъминлайди ва кўриб чиқилаётган мисоллар таҳлили орқали ҳам бунинг исботини кўришимиз мумкин. Масалан, терминлар таркибидаги **қимматли қоғоз** семаси **аудитор** терминнинг мазмунида ифодаланган молиявий ҳолатини текшириши бўйича мутахассиснинг бевосита қимматбаҳо қоғозлар устида фаолият олиб боришини англатиб турибди. **Аукцион** терминда эса қим ошди йўли билан сотишнинг қимматбаҳо қоғозлар устида ҳам амалга оширилиши мумкинлигини англатади. Бирок ҳар иккала терминнинг **қимматбаҳо қоғозлар** гуруҳига мансуб бўлмаслиги термин маънолари айнан қимматбаҳо қоғознинг бир тури деган маънони англатмаслиги билан изоҳланади. Демак, қимматбаҳо қоғозлар гуруҳига мансуб бўлишнинг энг муҳим талаби терминнинг *қимматбаҳо қоғознинг бир тури* деган маънони англатиши. Мазкур қатъий чегара ушбу мавзуий гуруҳ терминлари сонининг кам миқдорда бўлишини, натижада гуруҳнинг нисбатан кичик бўлишини таъминлайди.

Алоҳида қайд қилиб ўтиш жоизки, мавзуий гуруҳлар таркибидаги терминлар сони, қўлланилиш кўлами, соҳавий фаолият жараёнларидаги фаоллиги, терминлар англатган тушунчаларнинг умумий ёки хусусийлиги билан бир-биридан фарқланади. Фикр юритилаётган молия тизими, банк иши, қимматбаҳо қоғозлар, солиқ тизими, ҳисобиёт, суғурта сингари мавзуий гуруҳлари орасида поғонавийлик ва алоқадорлик муносабатлари мавжуд бўлиб, у ҳам алоҳида эътиборга молик масаладир. Бу каби таснифлар, нафақат, тилшунослик фани учун, балки соҳа мутахассислари фаолияти учун ҳам аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқилган мезонлар асосида банк-молия тизими терминларининг “*Молия тизими терминлари*”, “*Банк иши терминлари*”, “*Қимматбаҳо қоғозлар терминлари*”, “*Солиқ тизими терминлари*”, “*Ҳисобиёт терминлари*”, “*Суғурта терминлари*” сингари мавзусий гуруҳлари ажратилган (Қаранг 4-расм).

Терминлар миқдори %



- молия тизими терминлари 40%
- банк иши терминлари 20%
- қимматбаҳо қоғозлар мавзуй гуруҳи терминлари 10%
- солиқ тизими терминлари 10%
- ҳисобиёт терминлари 10%
- сўғурта терминлари 10%

4-расм.

1. Банк-молия тизими терминологиясининг йирик мавзуй гуруҳларидан бири *молия тизимидир*. Унга шаклий мансублик мезони бўйича таркибида *молия* компоненти иштирок этган терминлар ҳамда семантик мансублик мезонига кўра кенгайтирилган изоҳида *молия функцияларини бажаришга қаратилган фаолият* мазмуни мавжуд бўлган терминлар киради.

2. Банк-молия тизими терминологиясининг 2-мавзуй гуруҳи *банк иши* терминларидир. Унга шаклий мансублик мезони бўйича таркибида *банк* компоненти иштирок этган терминлар ҳамда семантик мансублик мезонига кўра кенгайтирилган изоҳида *банкларда амалга ошириладиган операциялар, банкирлар фаолияти* мазмуни мавжуд бўлган терминлар киради.

3. Қимматбаҳо қоғозлар мавзуй гуруҳи терминлари сирасига шаклий мансублик мезони бўйича таснифлашга асос бўладиган умумий компонент сифатида валюта сўзини қайд қилиш мумкин. Семантик мансублик мезонига кўра кенгайтирилган изоҳида *пул, қимматбаҳо қоғоз* мазмуни мавжуд бўлган терминлар киради.

4. Банк-молия тизими терминологиясининг яна бир мавзуй гуруҳларидан бири *солиқ тизими* терминларидир.

Солиқ тизими ўзида худудий бирлашмаларнинг бюджет ва нобюджет фондларига субъектлардан солиқ ва йиғинларни ундириш вазифасини бажарувчи, бир бутунликни ташкил қилувчи бир жинсли элементлар йиғиндисини намоён этади. Солиқ тизими мавжудлиги боис айнан мана шу тизим учун хос бўлган банк-молия терминлари мавжуд бўлиб, улар тизим номига мувофиқ солиқ терминлари мавзуй гуруҳига бирлаштирилди. Мазкур гуруҳ терминлари ҳам юқорида белгиланган шаклий умумийлик ва семантик умумийлик тамойиллари асосида; бевосита ё структураси, ё семантикасида доминанта сифатида *солиқ* семасининг иштирок этиши шарт, деган қатъий чегарага мувофиқ ажратилди.

5. *Ҳисобиёт* терминлари ҳам банк-молия тизими гуруҳларидан бири бўлиб, бугунги кунда барча ташкилот ва муассасаларда молиявий ҳисоб-китобларни амалга оширадиган ҳисобиёт (айрим ташкилотларда бухгалтерия, молия-режа бўлими) фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мавзуй гуруҳ ҳам юқоридаги гуруҳлар терминлари бўйсунувчи қонуниятга таяниб ажратилади.

6. *Сугурта терминлари* ҳам банк-молия терминологик қатламининг ўзига хос мавзуй гуруҳларидан биридир. Сугурта ҳам молиявий муносабатлар замирида амалга оширилганлиги боис уни мавзуй гуруҳ сифатида ажратдик.

Қолаверса, бундай ажратилишнинг яна бир муҳим асоси миллий қонунчилигимизда яратилувчи ҳуқуқий ҳужжатлар мана шундай тоифаланиш асосида қабул қилинмоқда.

ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ПАРАДИГМАТИК МУНОСАБАТЛАР

Тил ўзининг таркибидаги турли тагсистемаларга нисбатан макросистема сифатида ички микросистемаларнинг ривожини ва ўзаро муносабатлари асосида тараққий этади. Тилшунос Р.Расулов қайд қилиб ўтганидек, “Тил системалари таркибидаги моддий-коммуникатив бирликлар муайян қоидалар асосида ўзаро зарурий алоқага, муносабатга киришадилар, муайян гуруҳларни (парадигмаларни) тузадилар, нутқ бирликлари –

хосилаларини яратадилар. Бу алоқа, муносабатлар мутлако мантикий, объектив, ижтимоий бўлиб, икки йўналишда – парадигматик ва синтагматик боғланишларда кузатилади, реаллашади, ушбу аспектларда тадқиқ ва таҳлил қилинади, ўрганилади”¹²². Тилшунос Мирзакуловнинг таъкидлашича, тил бирликлари орасидаги парадигматик ва синтагматик муносабатлар тушунчалари тилшунослик назариясига тилшунослик тарихида янги даврни бошлаб берган Ф.ДеСоссюр томонидан киритилган... Де Соссюр томонидан ассоциатив деб номланган муносабат кейинчалик Л.Ельмслев томонидан парадигматик муносабат деб номланган¹²³.

Юқорида банк-молия терминологияси система эканлигини асосланган эди. Зеро, банк-молия терминологияси система бўлса, демак, унда юқорида қайд этилган системаларга хос бўлган парадигматик муносабатлар мавжуд.

Парадигматика тил бирликларини тил системасининг элементлари ҳамда структурал бирликларнинг жами сифатида текшириш аспектидир¹²⁴.

Банк-молия терминологияси ўзида жамиятда кечувчи иқтисодий жараёнлар, пул муносабатлари, давлат бюджети билан алоқадор тушунчаларни акс эттирар экан бевосита ҳар бир даврдаги молиявий сиёсат унинг таркибий асосларига, мазкур терминология соҳасида қандай терминлар фаол бўлишини белгилаб беради. Зеро, замонавий араб тилида иқтисод терминологиясининг шаклланишини тадқиқ қилган тилшунос Д.Адиҳанов таъкидлаганидек, иқтисод терминологияси тарихий тараққиёт маҳсули¹²⁵ бўлиб, жамият тараққиётининг муайян босқичларини акс эттиргани каби, иқтисодиёт фанининг ривожланишини ҳам инъикос этади. Олим қайд қилиб ўтганидек, шўро даври иқтисодиёти

¹²² Раёулов Р. Умумий тилшунослик. –Тошкент: Фан ва технология, 2007. – Б.238.

¹²³ Мирзакулов Т.Ў. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масаллари: филол.фан.док... дисс. –Тошкент, 1994. –Б.20.

¹²⁴ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –Москва, 1969. – Б.310.

¹²⁵ Дубожева Л.Н. Роль профессиональной лексики в обогащении словарного состава общепотребительного языка (на материале экономической терминологии английского и русского языков): дисс...канд.филол. наук.– Челябинск, 2006. – 204 с.

“молиявий пирамида”, “ваучер” сингари терминлар мавжудлиги билан характерланса, бозор иқтисодиётига ўтиш ва Собик иттифок таркибидан мустақил бўлиб ажралиб чиққан давлатлар иқтисодиётининг шаклланиши «инвестиция», «депозит», «маркетинг», «тармоқ маркетинги», «мерчандайзер» сингари махсус сўзларнинг қўлланиши билан характерланади¹²⁶.

Шуни қайд қилиш керакки, ҳеч бир соҳа мутлақ дахлсизликда тараққий эта олмайди. Зеро, жамиятдаги ҳар бир жабҳа вертикал ва горизонтал йўналишда ўзаро бириккан яхлит ижтимоий система занжири таркибидаги бир бўғиндир. Демакки, ҳар қандай соҳа терминологияси ҳам ушбу ижтимоий системани инъикос эттирувчи лисоний система занжиридаги бир бўғин сифатида бошқа соҳалар терминологияси билан параллел равишда тараққий этади, улар билан муайян муносабатларга киришади. Баъзан эса бу муносабат шу қадар жипслашиб кетадики, айрим терминларнинг бир нечта соҳа доирасида бирдек фаоллигини кузатиш мумкин. Мазкур ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Агар юқорида таъкидлаб ўтган лисоний система занжирини ўргимчак тўри деб фарз қилсак, кўп функцияларни бажара олувчи универсал терминлар тўрлар кесишган нуқтада вужудга келадиган соҳавий терминологияларнинг шаффоф чегарасида жойлашади ва улар узра ўтувчи барча соҳаларда ахборот сақловчи ва ташувчи бирлик сифатида фаол бўлади.

Ўзбек тилида банк-молия терминлари синонимияси. Маълумки, ҳар қандай тилнинг бойлигини белгиловчи омиллардан бири бу – унда синонимия ҳодисасининг кенг амал қилишидир. Буни Навоийнинг “Муҳокамат-ул луғатайин” асарида турк тилининг форс тилидан қолишмаслигини унда мавжуд бўлган синонимларни келтириши орқали исботлашга интилиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Синонимия ҳодисаси тўғрисидаги маълумотларнинг инсоният тарихида жуда қадимдан мавжуд бўлганлигини Юнон тилшунослигининг фалсафий даври намоёндалари, хусусан, Демокрит ва унинг тарафдорларининг қарашларида ҳам кўриш

¹²⁶ Адиханов Д. Формирование экономической терминологии в современном арабском литературном языке: дисс...канд.фил.наук. –Ташкент, 2010. – Б.246.

мумкинлиги, ўрта асрларга келиб араб лексикографиясида мазмунига кўра олти гуруҳга бўлинган луғатларнинг бир гуруҳи сифатида “Синонимлар луғати” гавдаланганлиги, “Девон”да синонимик муносабатдаги сўзларга аниқ мисоллар келтирилгани Р.Расуловнинг “Умумий тилшунослик” дорслигида ҳам қайд қилинади¹²⁷.

Тилшуносликнинг дастлабки даврларидаёқ маълум бўлган мазкур ҳодиса XX асрга келиб ўзбек тилшунослигида ҳам Ш. Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, Э.Бегматов, Ҳ.Неъматов, Ҳ.Шамсуддинов, Ҳ.Жамолхонов, И.А.Сиддиқова сингари олимларнинг тадқиқотларида изчил тадқиқ қилинди.

А.А.Реформатский синонимлар сирасига бир предметни айни вақтда ўша предметнинг турли хусусиятларини ёритиб берувчи турли тушунчалар билан номловчи сўзларни киритади¹²⁸. Мазкур таъриф лексемаларда амал қилса-да, терминологияда ҳам шундай, дейиш мушкул. Чунончи терминологияда синонимлар бир предмет ва тушунчаларни ифодалаш билан ўзаро мос келади, бироқ ҳар доим ҳам унинг айрим хусусиятларини ифодаламайди¹²⁹.

В.П.Даниленко терминологияда синонимларнинг пайдо бўлиш сабабларини терминларни шакллантирувчи манбаларнинг хилма-хиллигида деб билади¹³⁰.

Ушбу фикрнинг далилини банк-молия терминлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, *аукцион* ва *кимошди савдо* терминлари ўзбек тилида тенг имкониятларда амал қилади. *Аукцион* лотин тилидаги “*auktion*” сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилига рус тили орқали кириб келган. Айни вақтда *кимошди савдо* терминини *аукцион* терминининг мазмунини тўла ёритиб берувчи ўзбек тилидаги таржимаси деб баҳолаш мумкин. Таққосланг:

¹²⁷Расулов Р. Умумий тилшунослик. –Тошкент: Фан ва технология, 2007. –Б.19.

¹²⁸Реформатский А.А. Введение в языковедение. –Москва: Просвещение, 1967. –С. 91.

¹²⁹Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс...канд.филол.наук. – Тошкент, 2000.–Б.77.

¹³⁰Қаранг. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. –Москва.: Наука, 1977. –С. 73.

Аукцион – алохида турдаги товар (маҳсулот)ларни оммавий тарзда сотиш усули. У олдиндан белгиланган жой ва вақтда, маҳсулотни олдиндан текшириб кўриш ҳукуки билан ўтказилади¹³¹. **Аукцион** – оммавий савдо-сотик бўлиб, унда сотилаётган мол-мулк энг юқори баҳони берган шахс томонидан қўлга киритилади¹³².

Аукцион, қ., Кимошди савдо¹³³.

Кимошди савдо – оммавий ўзига хос савдо; белгиланган жойда савдога қўйилган товар ёки мулк миқдор томонидан энг юқори нархда сотиб олинади. Савдога танқис моллар ва ноёб ёдгорлик буюмлари қўйилади¹³⁴.

Кўринадик, **аукцион** ва **кимошди савдо** терминларига турли луғатларда берилган изоҳлар ифода услуби жиҳатидангина фарқ қилади, мазмунан эса деярли тенг.

Шунингдек, “Иқтисод банк изоҳли луғати”да “**ажид**” терминининг синоними сифатида “**лаж**” сўзи берилади. Бундан ташқари **аванс** – **бўнак**, **акционер** – **ҳиссадор**, **маржа** – **спред**, **маклер** – **брокер** – **даллол**, **пеня** – **ўсим** каби терминларнинг маънолари бир деб изоҳланади¹³⁵.

Ўзбек тили банк-молия терминологик тизимида синонимик қаторларнинг кўпайишига олиб келувчи яна бир омил ўзаро синоним бўлган элементларга бошқа компонентни қўшиб бирикмали терминларнинг ясалишидир. Масалан, “**товар**” терминининг ўзбек тилидаги таржима варианты ва айни даврдаги синоними бўлган “**мол**” терминларига **айирбошлаш** сўзини қўшиш орқали ўзаро синоним сифатида қўлланаётган “товар айирбошлаш” ва “мол айирбошлаш” терминлари ҳосил қилинган. Бу терминлар ҳам ўз навбатида **бартер** (француз

¹³¹ Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. – Москва: ИНФРА-М, 2006. –С.26.

¹³² Азрильян А.Н. Краткий экономический словарь. – Москва: Институт экономики, 2005. –С.43.

¹³³ Ҳайдар М. Иқтисод-банк изоҳли луғат: монография. –Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.5.

¹³⁴ Ҳайдар М. Кўрсатилган манба. –Б.17.

¹³⁵ Каранг. Ҳайдар М. Кўрсатилган манба –Б.4, 9, 20, 23.

тилидаги “*barater*” сўзидан олинган¹³⁶; рус тили орқали кириб келган) термини билан бир синонимик қаторни ҳосил қилади: **бартер, мол айирбошлаш, товар айирбошлаш, мувоза**. Шу ўринда миллий илдизларга эгаллигини ҳисобга олиб, *бартер* терминининг ўрнига синонимик қатордаги *мувоза* сўзини қўллашни таклиф қилиш мумкин.

Брокер терминининг *даллол, келиштирувчи, битиштирувчи, воситачи; демпинг* терминининг *демтинг, арзонга сотувчи, нархни ташлаш, молни четга жуда паст нархда сотиши* ва ҳ. т. тарзидаги ўзбекча эквивалентлари аслида берилган терминларнинг дефиниция (аниқловчи, аниқлик)ларидир. Шу ўринда *демтинг* ўзлашма терминининг ўрнига *арзонгаровга берши, муфт сотиши* тарзидаги терминни қўллашни таклиф қилиш мумкин.

Айрим олимлар терминологик синонимияни умуман мумкин бўлмаган ҳолат деб ҳисоблайдилар ва инкор тадилар¹³⁷. Ўзбек тили банк-молия терминларини тадқиқ қилиш жараёнида синонимия ҳодисаси лексик бирликларнинг бир гуруҳи сифатида терминларга ҳам хос эканлиги аниқланди. Масалан: *шартнома, контракт, битим, келишув, пакт*. Мазкур синонимик қатор мисолида синонимия нафақат бир терминологик система, балки, турли терминологик системалар, терминологик система ва умумистеъмол сўзлари орасида ҳам бўлиши мумкинлиги исботланди. Берилган синонимик қатордаги *шартнома, контракт, битим, келишув* терминлари банк-молия терминологик тизимига мансуб, *пакт* термини эса сийсий термин, қолаверса *келишув*нинг умумистеъмол сўзи сифатидаги вазифаси ҳам мавжуд. Шу ўринда ушбу синонимик қатордаги *шартнома* термини айти вақтда ўзбек тилида сўзловчиларнинг миллий-маданий ҳаёт тарзига мувофиқлигини ҳисобга олиб, айти вақтда тобора фаоллашаётганини эътироф этган ҳолда, уни *контракт* терминининг ўрнида фаол қўллашни таклиф қилиш мумкин.

¹³⁶ Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б Финансовый словарь. – Москва: ИНФРА-М, 2006. –С.44.

¹³⁷ Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс...канд.филол.наук. –Тошкент, 2000. –С. 79.

Мазкур масаланинг мунозарали жиҳатларидан бири шуки, баъзи олимлар терминологик синонимияни инкор этадилар. баъзилар эса синонимия ва дублетлик ҳодисаларини қарама-қарши қўядилар¹³⁸. Энг аввало, термин ҳам умумтил лексик системасидаги бирлик эканлигини ва унга ҳам лексик-семантик ҳодисалар хослигини назарда тутиш лозим. Чунончи, рус тилшуноси Е.Коновалованинг қайд қилишича, терминга табиий тилнинг бир бирлиги сифатида янги маъноларнинг ривожланиши ва семантик чегараларнинг йўқолиб кетиш тенденцияси хосдир, шунинг учун терминлараро лексик-семантик муносабатлар ниҳоятда беқарор, улар пайдо бўлиши, кучайиши, сусайиши ва йўқолиб кетиши мумкин. Терминларга хос бир маънолилик, синонимларнинг мавжуд бўлмаслиги каби ўзига хос белгилар маълум маънода интилиш лозим бўлган етакчи тенденция, қандайдир идеал, реал мавжуд терминлар эса табиий тилнинг лексемалари сингари кўп маънолиликка, синонимларга ва бошқа хусусиятларга эга бўлиши мумкин¹³⁹.

Терминологик сатҳларда кузатиладиган ҳодиса терминологик синонимиями ёки терминологик дублетликми деган мунозарали масалага ойдинлик киритиш учун мазкур сўзларнинг луғавий маънолари ва таърифларига тўхталамиз.

Тил бирликлари бир хил маънога эга бўлиш ҳодисаси **синонимия** дейилади¹⁴⁰. Синонимия хусусида илмий манбаларда жуда кенг ва атрофлича тўхталиб ўтилган бўлиб, уларнинг айримларида синонимларнинг идеографик, услубий, нутқий, контекстуал ҳамда абсолют синонимлар каби турлари мавжудлиги, *абсолют синонимия лексик дублет* деб аталиши хусусида сўз боради. Қолаверса, *дублетлик* сўзи (франц. doublet — иккиланма, кўш)¹⁴¹ сўзидан олингани ва мазмунан синонимия ҳодисасига нисбатан торроқ маъно англатишини

¹³⁸ Коновалова Е.А. Дериwационный потенциал и парадигматические отношения современной русской терминологии: дисс...канд.филол.наук. —Москва, 1998. — С.111.

¹³⁹ Каранг. Коновалова Е.А. Курсатилган манба. —С. 116.

¹⁴⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. —Б.388. www.zivo.uz.com —миллий электрон кутубхонаси

¹⁴¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. —Б.388. www.zivo.uz.com —миллий электрон кутубхонаси

таърифига олган ҳолда бошқа терминологик тадқиқотлар асосига мувофиқ банк-молия терминологиясида воқеъ бўлган ҳодисани терминологик синонимия деб аташни маъқул кўрдик.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, терминологик синонимия ҳам терминологик полисемия сингари терминологик тизимнинг дастлабки давридаги ўтиш, яъни терминларнинг табиий тараланиш босқичи билан изоҳланади. Тил тараққиёти натижасида эса энг оммавий, узул лексика таркибига сингган, ашовчан терминларгина ўз мавқеини йўқотмайди.

Ўзбек тили банк-молия терминлари антонимияси. Антонимия ҳодисаси инсон ижтимоий ва ақлий фаолияти натижаси сифатида тил бирликлари орасидаги энг фаол муносабатлардан биридир. А.А.Реформатский антонимик муносабатлар “тушунчалар карама-қаршиликка” асосланишини таъкидлаб, антонимия ҳодисасига шундай изоҳ беради: “Антонимлар – карама-қарши маъноли сўзлардир. Бу ердаги муносабат соф семасиологик бўлиб, у тушунчаларни карама-қарши қўйишга асосланади”¹⁴². Мазкур масала юзасидан Н.С.Трубецкой: “Солиштирилиши учун ҳеч қандай асос бўлмаган, яъни бирорта умумий белгига эга бўлмаган иккита нарсани бир-бирига карама-қарши қўйиб бўлмайди”¹⁴³, -деб таъкидлайди.

Антонимия тушунчаларо муносабат бўлганлиги учун лексема ва терминга тааллуқлидир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим тилшунослар талқинида антонимия ҳодисаси терминологияни система сифатида белгиловчи омиллардан биридир ¹⁴⁴. А.В.Суперанская ва ҳаммуаллифларининг қайд этишича, “Терминологияда антонимия терминологик майдоннинг чекка нуқталарини

¹⁴²Қаранг. Реформатский А.А. Введение в языкознание. – Москва, 1967. –С.95.

¹⁴³Қаранг. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. –Москва, 1960. –С.75.

¹⁴⁴Қаранг. Шетле Т.В. Англоязычная терминология банковского дела в языковой системе и речевой практике: дисс...канд.филол.наук. – Москва, 2010. –С.106.

белгилаб олишга, терминологик системанинг мантиқини имкониятларини аниқлашга ёрдам беради”¹⁴⁵.

Ўзбек тилидаги банк-молия терминлари а) компонентлари бир сўздан иборат бўлган (*бир компонентли*): *импорт – экспорт сотувчи – харидор* (мазкур жуфтлик шундай номлар билан аталувчи шахсларнинг фаолияти жиҳатидангина антоним бўла олади, шунга қарамасдан айрим тадқиқотларда ушбу терминлар антонимик жуфтлик сифатида изоҳланади¹⁴⁶) *макроиқтисод микроиқтисод, актив – пассив*: ва б) компонентлари бир нечта сўздан иборат бўлган (*кўп компонентли*): *текис талаб – нотекис талаб, барқарор валюта – беқарор валюта, моддий активлар – номоддий активлар...* антонимик жуфтликларни ҳосил қилади.

Бир компонентли антонимотерминларнинг ўзини қисмларининг ички тузилиши жиҳатидан: *туб терминлараро, туб ва ясама терминлараро, ясама терминлараро* сингари антонимик гуруҳларга ажратишимиз мумкин. Туб сўзлардан иборат компонентларни “Т” ва ясама сўзлардан иборат компонентларни “Я” тарзида белгилаб оладиган бўлсак, антонимик жуфтликларни қуйидаги формулалар билан акс эттиришимиз мумкин:

1. Т – Т, бунда туб термин билан туб термин антонимик жуфтликни ҳосил қилади. Бу гуруҳда ўзбек тилида мавжуд банк-молия терминлари билан биргаликда халқаро терминлар асосида юзага келган жуфтликларни кўриш мумкин. Масалан, актив – пассив: *актив* – 1) маълум бир санага пул кўрсаткичида корхонанинг маблағлари, уларнинг таркиби ва жойлашишини акс эттирувчи бухгалтерия балансининг бир қисми¹⁴⁷; 2) корхона, ташкилот, компанияга тегишли бўлган мол-мулк ва пул воситалари йиғиндиси¹⁴⁸. *пассив* – 1) бухгалтерия

¹⁴⁵Суперанская А.В., Подольская. Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. – Москва: Наука, 1989. – С.52.

¹⁴⁶Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс...канд.филол.наук. – Тошкент, 2000. – Б.86.

¹⁴⁷Сотиболдиев А., Сотиболдиева Д., Шодибекова Д. Бухгалтернинг изоҳли луғати. – Тошкент: Norma, 2010. – Б.9.

¹⁴⁸Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. – Москва: ИНФРА-М, 2006. – С.10.

таърифнинг бир қисми бўлиб, унда корхона маблағлари шаклида бўлиш манбалари ва тайинланиши кўрсатилади¹⁴⁹; 2) шаклнинг қарз ва мажбуриятлари йиғиндиси¹⁵⁰

Антонимик жуфтлик қисмларининг маънолари таърифланганда ҳар иккала терминнинг иккинчи маънолари аража қарама-қаршилик аниқ ифодаланганлигини кўрамыз.

Импорт – экспорт: *импорт* – мамлакатда фойдаланиш учун чет элдан олиб қирилган товар ва хизматлар; *экспорт* – хорижий харидорларга сотилган товар ва хизматларнинг чет элга олиб чиқиб кетилиши¹⁵¹.

Дебет – кредит: *дебет* – бухгалтерия ҳисоб счётининг бир қисми. *Актив* счётларнинг дебети бўйича ҳисоб объектининг кўпайиши акс эттирилади, *пассив* счётларнинг дебети бўйича эса камайиши ёзилади; *кредит* – бухгалтерия ҳисоб счётининг бир қисми. *Актив* счётларнинг кредити бўйича ҳисоб объектининг камайиши, *пассив* счётларнинг кредити бўйича эса ҳисоб объектининг кўпайиши акс эттирилади¹⁵². А.Сотиболдиев ва бошқаларнинг “Бухгалтернинг изоҳли луғати”да келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, соҳада ҳанузгача соф ўзбекча муқобили мавжуд терминлар рус ва бошқа тиллардан ўзлашган ҳолатда қўлланган. Хусусан, бу ўринда *счёти* термини ўрнида *ҳисоб рақами* терминини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Инфляция – дефляция: *инфляция* – қоғоз пулларни товар муомаласи талаб қилгандан *ортиқ миқдорда чиқариш*нинг нисбасодий натижаси. Инфляция натижасида қоғоз пулларнинг *қадри тушиб кетади*. Кенг истеъмол буюмларининг *нарх-навоси ошиб*, реал иш ҳақи камаяди¹⁵³; *дефляция* – муомаладаги оргикча пул чўғини *камайтириши*. Пулнинг *харид қобилияти*

¹⁴⁹Сотиболдиев А., Сотиболдиева Д., Шодибекова Д. Бухгалтернинг изоҳли луғати. – Тошкент: Norma, 2010. – Б.168.

¹⁵⁰Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. – Москва: ИНФРА-М. 2006. – С.200.

¹⁵¹Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Кўрсатилган манба – С. 122, 281.

¹⁵²Сотиболдиев А., Сотиболдиева Д., Шодибекова Д. Бухгалтернинг изоҳли луғати. – Тошкент: Norma, 2010. – Б.79,134.

¹⁵³Сотиболдиев А. ва бошқ. Кўрсатилган асар. –Б. 101.

кўтарилиши ёки нархнинг умумий даражаси пасайиши¹⁵⁴ (Юқорида келтирилган мисоллар халқаро антонимик жуфтликлар бўлганлиги учун уларга изоҳ берилди);

Даромад – харажат (*қирим – чиқим, келим – буромад*)¹⁵⁵, **насия – нақд, фойда – зарар, талаб – таклиф...** (Ўзбек тилида мавжуд бўлган антонимик жуфтликлар). Ҳар икки тоифадаги мазкур гуруҳга мансуб терминлар ўзбек тилининг банк-молия терминологик системасидан мустаҳкам ўрин эгаллаган ва соҳа мутахассислари томонидан кенг истеъмолда қўлланади. Т–Т моделидаги антоним жуфтликлар банк-молия терминлари орасида бошқа моделдаги жуфтликларга нисбатан кўпроқ учрайди.

2. **Т–Я**, бунда туб термин билан ясама термин ўзаро антонимик муносабатга киришади. Бу типдаги терминлар жуда кам миқдорда учрайди. Масалан: **резидент – норезидент...** Ҳосил бўлиши: **Т – Я** (префикс + Т). Таҳлиллар жараёнида бундай типдаги антонимотерминларнинг ўзга тил элементлари ҳисобига ҳосил бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бундай жуфтликлар асосан тайёр ҳолатда ўзлашган бўлиб, тавсия қилинаётган моделлар нафақат ўзбек тили банк-молия терминологиясида балки чет тилларида ҳам мавжудлигини кўриш мумкин: (*листинг – делестинг, вальвация – девальвация...*).

3. **Я – Я**, бунда ясама термин билан ясама термин орасида антонимик муносабат юзага келади. Маълумки, тилшуносликда сўз ясалишининг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, аффиксация усули банк-молия терминологиясида ҳам фаолдир. Мазкур усул ёрдамида ҳосил қилинган антонимик жуфтликларда ҳам маънони қарама-қаршилантирувчи аффиксоидлар ўзга тил элементлари эканлигини ва бундай терминлар ярим калька усули билан ўзлаштирилганлигини мисоллар орқали аниқроқ тасаввур қилиш мумкин

¹⁵⁴Ҳайдар М. Иктисод-банк изоҳли лугат: монография. –Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.13.

¹⁵⁵Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лугати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б.67.

(микрошароит_{микросреда} — макрошароит_{макросреда},
микроқтисод_{микроэкономика} — макроқтисод_{макроэкономика...}).

Кўп компонентли антонимотерминларни шакллантирувчи кўнидаги моделлар мавжуд:

1. АБ — а+АБ, бу ерда “А” ва “Б”лар ҳар иккала компонентда такрорланувчи бир хил терминлар; “а” эса иккинчи жуфтликнинг биринчи компонентига қўшилувчи префикс бўлиб, айнан у антонимияни ҳосил қилади. Масалан: текис_Аталаб_Б — но_а+текис_Аталаб_Б, жорий активлар — ножорий активлар, моддий активлар — номоддий активлар...

2. АС — БС, бунда жуфтлик қисмларининг биринчи компонентлари орасидаги антонимия (А — Б) бирикмали терминлар антонимиясини юзага келтирган: кам_Атўламоқ_С — ортиқча_Бтўламоқ_С, тўланган_Акапитал_С — тўланмаган_Бкапитал_С, дебет_Ақолдиқ_С — кредит_Бқолдиқ_С, олдинги_Аназорат_С — кейинги_Бназорат_С...

2. САБ — ДАБ, бунда АБлар жуфтликнинг ҳар иккала қисмида такрорланиб, антонимияни ўзаро қарама — қарши маъноли С — Д лар ҳосил қилади: ички_Сяроқсиз_Амаҳсулот_Б — ташиқид_Дяроқсиз_Амаҳсулот_Б...

АБ — а+АБ, АС — БС ҳамда САБ — ДАБ модел компонентлари, яъни А — Б, А — С, Б — С орасидаги муносабатларни ўрганиш натижасида уларнинг аксарият қисми (кам_Атўламоқ_С — ортиқча_Бтўламоқ_С кабилар бундан мустасно) ўзаро сифатловчи ва сифатланмиш муносабатида эканликлари аниқланди. М: жорий^{қандай?} активлар^{нималар?}, тўланган^{қандай?} капитал^{нима?}...

Банк-молия терминлари антонимияси ўрганилганда уларнинг тузилиши ва ҳосил бўлиш жараёнлари бошқа парадигматик муносабатларга нисбатан анча мураккаб эканлиги аниқланди.

Ўзбек тили банк-молия терминлари полисемияси. Тилшунос олим Будаговнинг фикрича, термин бу қатъий белгиланган маъноли сўз. Қоида бўйича терминда битта маъно бўлади. Аниқроғи термин бир маънолилиқка (моносемия) интилади. Шунга яқин хулосани ўзбек тилшуноси С.Усмоновда ҳам кўришимиз мумкин: “Термин ҳамма вақт — гапда ҳам,

гапдан ташқарида ҳам бир маъноли бўлади. Унинг бир маъноли бўлиши маълум фан ёки махсус соҳадагина қўлланиш хусусияти орқали юзага келади”¹⁵⁶. Бу борада Д.С.Лотте биринчи терминолог олимлардан бири сифатида ҳар бир термин бир маънони ифодалаб, бир маъноли бўлиши лозимлигини айтиб ўтган. Банк-молия терминларини таҳлил қилиш жараёнида мазкур соҳа терминлари учун полисемия ҳодисаси хослиги аниқланди. Масалан, абандон [фр. *abandon*; англ. *abandonment*; рус. *отказ*; ўзб. (...-дан воз кечмоқ)] терминининг бир нечта маъноси мавжуд:

- 1) қарз мажбуриятларидан *воз кечиш*;
- 2) шахсий мулкка эгалик қилишдан *воз кечиш*;
- 3) келишув, битимдан жаримани тўлаш йўли билан чиқиб кетиш;
- 4) суғуртада: суғурталанувчи (ўз мол-мулкни суғурта қилган шахс)нинг мол-мулкка нисбатан ўз ҳуқуқларидан *воз кечиши* ва бу ҳуқуқларни суғурта пулини тўлиқ ундириш мақсадида суғурталовчи (давлат ёки корхона...)га бериши¹⁵⁷.

Биргина терминнинг бир нечта маънога эга бўлишини айни вақтда терминологик системанинг интенсиф ривожига билан изоҳлаш мумкин. Бироқ, мазкур ҳолат бир қанча ноқулайликларни келтириб чиқараётганлиги боис унга лоқайд қараш нотўғри. Дастлаб шу ҳолатни юзага келтирган омилларни аниқлаб оламиз. Биринчидан, абандон сўзининг тўғридан-тўғри таржимаси *бирор нарсадан воз кечмоқ* демакдир. Молия тизимида эса кўриб ўтилганидек воз кечилиши мумкин бўлган нарса ва жараёнлар бир қанча. Эътибор берадиган бўлсак, термин семантикасидаги ҳар бир маънони ифодаловчи бирикмаларнинг ядроси *воз кечмоқ* феълидир.

Ависта (итал. *a vista*; рус. *по предъявлению*; ўзб. *тақдим қилинганда*), маънолари:

¹⁵⁶Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1968. –Б.7.

¹⁵⁷Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. – Москва: ИНФРА-М, 2006. Исох: матида берилган таржима шахсий.

1) фаолият юритувчига бериладиган, тўлов муддати ўрсатилмаган, тўловга исталган вақтда тақдим қилиниши мумкин бўлган қимматбаҳо қоғоз;

2) исталган муддатда тақдим қилинганда ёки тақдим қилинган муддати ўтиб бўлганда, тўлов амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида вексель ёки қимматбаҳо қоғозга киритилган ҳуқ.

Ажио (лот. *“aggio”* сўзидан олинган; инг. *agio*; рус. *превышение*; ўзб. *кўтарилиш*) маънолари:

1) валюталар курсидаги фарқ;

2) қоғоз пулларни танга пулларга ёки кучсиз валютани кучли валютага айирбошлаганлик учун ундириб олинадиган ногачилик ҳақи¹⁵⁸.

Аккредитив (лот. *accreditivus*; фр. *akkreditif*; нем. *akkreditiv*; рус. *доверительный*; ¹⁵⁹ ўзб. *ишончли*) маънолари:

1) банк ҳисобининг бир тури. А. келишувчига аккредитив топшириғида кўрсатилган шартларда товар, ишлар ва хизматлар учун мажбурият бажарилиши заҳоти тўлов олиш имконини беради;

2) А. номланган қимматли қоғоз бўлиб, унда номи берилган шахсга кўрсатилган миқдордаги пулни банкдан ёки омонат кассадан олиш ҳуқуқини беради¹⁶⁰.

Арбитраж (фр. *arbitrage*):

1) чет эл валютаси, қимматли қоғоз ёки молларни бир бозорда бир вақтнинг ўзида харид қилиш ва бошқа бозорда (юқорироқ нархда) сотиш;

2) нархнинг, фоиз ставкаларининг ва бошқа молиявий кўрсаткичларнинг турли даражасидан турли биржа марказларида фойдаланиш билан бўладиган манфаатли биржа битими¹⁶¹;

¹⁵⁸ Ҳайдар М. Иқтисод банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минхож, 1996. – Б.3.

¹⁵⁹ Азрильян А.Н. Краткий экономический словарь. – Москва: Институт экономики, 2005. – С.20.

¹⁶⁰ Ҳайдар М. Иқтисод-банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минхож, 1996. – Б.3.

¹⁶¹ Ҳайдар М. Кўрсатилган манба. –Б. 5.

3) мунозараларни ҳал этиш усули бўлиб, унга кўра баҳслашаётган томонлар бошқа, вазиятга алоқадор бўлмаган, мустакил арбитрларга мурожаат қиладилар ва улар эксперт-судья вазифасини бажарадилар;

4) ташкилот, корхона ва муассасалараро мол-мулк масаласидаги мунозараларни ҳамда битимдаги шартлар бажарилмагандаги каби ҳолатларни ҳал қилувчи давлат органи;

5) молия бозорларида амалга ошириладиган олди-сотди операцияларининг хилма-хиллиги¹⁶².

Аутсайдер (инг.*outsider*; рус. *чужой*; ўзб. *бегона*) маънолари:

1) монополистик бирлашмаларга кирмайдиган кичик ва ўртача корхоналар;

2) биржа аъзоси бўлмаган воситачи.¹⁶³

Валюта (итал. *valuta*; рус. буквалъно *цена, стоимость*,¹⁶⁴ ўзб. *пул бирлиги*) маънолари:

1) муайян давлатнинг пул бирлиги ва унинг турлари (олтин, кумуш, қоғоз);

2) хорижий давлатларнинг халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган пул бирлиги¹⁶⁵.

Депонент (лот. *deponentus* сўзидан олинган; рус. *откладывать*; ¹⁶⁶ ўзб. *олиб қўймоқ, захирага қўймоқ*) маънолари:

1) банкка омонатини қўйган жисмоний ёки юридик шахс;

2) фуқароларнинг номига ёзилиб, бироқ ўз вақтида тўланмаган пул миқдори (сумма)¹⁶⁷.

Дисконт (инг. *discount*)¹⁶⁸ маънолари:

¹⁶² Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. – Москва: ИНФРА-М, 2006. – С.22.

¹⁶³ Ҳайдар М. Иқтисод-банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.5-6.

¹⁶⁴ Азрильян А.Н. Краткий экономический словарь. – Москва: Институт экономики, 2005. – С.77.

¹⁶⁵ Ҳайдар М. Иқтисод-банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.9.

¹⁶⁶ Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. – Москва: ИНФРА-М, 2006. – С.90.

¹⁶⁷ Ҳайдар М. Иқтисод-банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.13.

- 1) векселларни ҳисобга олиш;
- 2) қимматли қоғознинг мазкур пайтдаги нархи билан пули сартаиб олинган пайтдаги ёки номинал нархи ўртасидаги фарқ;
- 3) форвард курс билан валютани шошилишч етказиб бериш пайтдаги курс тафовути;
- 4) айнан бир товарнинг турли муддатларда етказиб берилиши билан боғлиқ нархлар ўртасидаги тафовут;
- 5) биржа битимларида товар сифати шартномада кўрсатилганидан паст бўлганда унинг нархига қўйилган чегирма;
- 6) валюта битимларида валюта курсининг расмий курсдан пасайиш томонга оғиши¹⁶⁹.

Лот (нем. Lot;¹⁷⁰ ўзб. *тўп*) маънолари:

- 1) маълум сифат андазаси ва миқдорига эга бир гуруҳ моллар тўплами;
- 2) биржадаги битта контракт;
- 3) ҳар қандай молнинг яхлит деб савдога қўйилиши¹⁷¹.

Паритет (лот. *paritas* сўзидан олинган; рус. *равенство*¹⁷²; ўзб. *тенглик, баробарлик*) маънолари:

- 1) тенглик, тенг муносабат, бир хил давқе;
- 2) турли мамлакатлар пул бирликлари ўртасидаги қонуний тартибда ўрнатиладиган қиймат нисбати – валюта паритети;
- 3) томонларнинг тенг вакиллик тамойили¹⁷³.

Принципал (лот. *principalis* сўзидан олинган; рус. *главный*¹⁷⁴; ўзб. *асосий, муҳим*) маънолари:

¹⁶⁸Азрильян А.Н. Краткий экономический словарь. – Москва: Институт экономики, 2005. – С.174; Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. – Москва: ИНФРА-М, 2006. – С.94.

¹⁶⁹Ҳайдар М. Иқтисод-банк изоҳли лугат: монография. –Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.14.

¹⁷⁰ Азрильян А.Н. Краткий экономический словарь. –Москва : Институт экономики, 2005. – С.382.

¹⁷¹Ҳайдар М. Иқтисод-банк изоҳли лугат: монография. –Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.20.

¹⁷²Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. – Москва, ИНФРА-М, 2006. –С.200.

¹⁷³Ҳайдар М. Иқтисод банк изоҳли лугат: монография. –Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.22.

- 1) мажбуриятга кўра асосий, бош қарздор;
- 2) агент, вакилни ўз номидан ишга олувчи шахс¹⁷⁵.

Трансферт (лот. *transfere* олинган; инг. *transfer*; рус. *переводить, переносить*¹⁷⁶; ўзб. *ўтказиш, олиб ўтиш*), маънолари:

- 1) чет эл валютаси ёки олтинни бир мамлакатдан иккинчисига олиб ўтказиш;
- 2) номи ёзилган қимматли қоғозни бир кишидан иккинчисига ўтказишга эгалик ҳуқуқи;
- 3) пулни бир молия муассасасидан бошқасига ўтказиш ҳуқуқи¹⁷⁷.

Чартер (инг. *charter*¹⁷⁸) маънолари:

- 1) маълум муддатга кемани ёки унинг бир қисмини ижарага беришда эгаси билан кирақаш ўртасидаги шартнома;
- 2) давлат томонидан молия-кредит ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат¹⁷⁹.

Шунга ўхшаш характердаги полисемантик терминларни мисол тариқасида жуда кўп келтириш мумкин. **Иқтисод-банк изоҳли луғати**даги терминларни полисемиянинг мавжудлиги нуктаи назари билан таҳлил қилганимизда мазкур луғатда берилган 255 та терминдан 27 таси кўп маъноли (полисемантик) эканлиги аниқланди. Бу кўрсаткич таҳлил қилинган терминларнинг 10.5% ни ташкил қилади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, терминларнинг полисемияси лексика ривожланиш қонунларининг табиий ифодаси. У билан курашиш, уни чеклаш мумкин, бироқ у адабий тил лексикаси таркибидаги

¹⁷⁴Азрильян А.Н. Краткий экономический словарь. –Москва: Институт экономики, 2005. – С.663.

¹⁷⁵Ҳайдар М. Иқтисод банк изоҳли луғат: монография. –Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.23.

¹⁷⁶Азрильян А.Н. Краткий экономический словарь. – Москва: Институт экономики, 2005. – С. 922.

¹⁷⁷Ҳайдар М. Иқтисод банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.27.

¹⁷⁸Азрильян А.Н. Краткий экономический словарь. – Москва: Институт экономики, 2005. – С.1033.

¹⁷⁹Ҳайдар М. Иқтисод банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.29.

терминологияга кириш йўлини топаверди ва тилда амал қилишда давом этади.

Банк-молия терминологиясида гипер-гипонимия. Терминологик система элементлари орасида гипер-гипонимик муносабат мавжуд бўлиши қайд қилиб ўтилган эди. Лингвистик адабиётларда жинс-тур муносабатларини турлича номлаш кўзга тушди. Е.Коновалова ўз тадқиқотида тилшуносларнинг ушбу муносабатни турлича номлаши хусусида маълумот бериб ўтир экан, бевосита тилшуносликда гипонимиянинг мустақил лексик-семантик категория сифатида тилнинг лексик тизими учун системаловчи роли алоҳида аҳамиятга моликлигини таъкидлайди. Қатор адабиётларда гипонимия тилнинг луғат таркибини тизимга солувчи универсал, фундаментал парадигматик муносабат сифатида тан олинади¹⁸⁰.

Гипер-гипонимия деганда терминларни ўзаро гуруҳларга бирлаштирувчи жинс-тур муносабатлари тушунилади. Бунда нисбатан кенгроқ маънога эга бўлган термин жинс (гипероним) ўз ичига нисбатан торроқ маъно ифодаловчи тур (гипоним)ни ўз ичига олади. Айни вақтда бир терминга нисбатан гипероним бўлган термин бошқа бир гиперонимга нисбатан гипоним ҳам бўлиши мумкин. Маълумки, гипонимияда ҳар бир юқори сатҳ нисбатан кам сонли бирликлардан таркиб топиб боради. Мазкур жинс-тур муносабати тилшуносликка мантиқ фанидан ўзлаштирилган. Умумийлик ва хусусийлик бундай таснифнинг фалсафий асоси бўлиб, асосан гиперонимда умумийлик, гипонимда эса хусусийлик акс этади. Гипонимик муносабат терминологияни системалаштириш ва тартибга солиш (мавзусий гуруҳларга ажратиш)да муҳим бўлиб, бу каби мантикий муносабатлар уларнинг алоҳида хусусият ва сифатларига, умумий ички алоқаларга асосланади. Тушунчалараро муносабатлар иерархикдир. Яъни ҳар бир юқори синф иерархия занжирида ўзидан юқорирокдаги синф учун тур, ўзидан қуйирокдаги синф учун эса жинсдир.

¹⁸⁰ Коновалова Е.А. Деривационный потенциал и парадигматические отношения современной русской терминологии: дисс...канд.филол.наук. –Москва, 1998. –С. 97.

Терминологиядаги жинс-тур муносабатлари дефиниция билан чамбарчас боғлиқ. Н.Д.Артюнованинг таърифлашича, дефиниция нафақат терминнинг маъносини аниқлаштиради, балки муайян системадаги терминлар орасидан ўсиб чиқадиган барқарор маънони ўрнатади. Дефиниция илмий изланиш вақтида шаклланади ва тушунчаларни бир-биридан фарқлаш, тушуниш ва қабул қилиш учун зарур бўлган минимум маълумотларни беради. Терминологик гипер-гипонимияни ажратишда дифинитив методдан самарали фойдаланиш мумкин. Умуман олганда, гипер-гипонимик бирликлар исталган категориядаги тушунчалар орасида акс этиши мумкин. Зеро, Ҳ.Неъматов, Р.Расуловлар томонидан ҳам қайд қилиб ўтилганидек, “Воқеликда нарса, белги, хусусиятлараро жинс-тур боғланишлари жуда кенг тарқалган. Бундай боғланишларни табиатда ҳам, ҳаётда ҳам, фанда ҳам жуда кўп учратамиз”¹⁸¹.

М.Абдиевнинг докторлик диссертациясида гиламчилик сўз-терминлари ўртасидаги гипонимик муносабат таҳлил қилинар экан, тилшунос бу хусусда шундай маълумот келтириб ўтади: “Кейинги йиллардаги тадқиқотларда лексемаларнинг ўзаро луғавий-семантик муносабатлари турларидан бири гипонимия деб аталиб, унинг таркибий қисмлари *гипероним* ва *гипоним*, *жинс* ва *тур* терминлари орқали ифодаланмокда”¹⁸². Мазкур тадқиқотимизда эса энг фаол қўлланувчи гипероним ва гипоним терминларидан фойдаланишни маъқул кўрдик.

Банк-молия терминологиясидаги гипер-гипонимик муносабат қуйидаги мисолларда акс этади: ЗАЁМ – гипероним; *облигациясиз заём*, *йўқотишсиз заём*, *фоизсиз заём*, *муддатсиз заём*, *ташқи заём*, *ички заём*, *ютуқли заём*, *кафолатли заём*, *давлат заёми*, *олтин заём*, *компенсацияли заём*, *облигацион заём*, *опцион заём*, *очиқ заём*, *фоизли заём*, *мақсадли заём* гипонимлардир. Гипонимлар бир-бирига нисбатан бир гиперонимга бирикиши боис ўзаро гипонимдошлардир.

¹⁸¹ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. – Тошкент, 1995. – Б.118-119.

¹⁸² Абдиев М. Сохавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-хунарлари материаллари асосида): филол.фан.док...дисс. – Тошкент, 2005.

Лингвистик адабиётларда формал-семантик ҳамда хусусий семантик гипонимик алоқалар ажратилади. Банк-молия терминларининг тахлили мазкур соҳа терминлари орасида асосан формал-семантик гипонимик алоқа мавжудлигини кўрсатди. Бундай алоқа бир гиперонимга бир қатор гипонимдошларни бирикиши орқали ҳосил бўлади. Асосан бир гиперонимнинг гипонимлари аниқланмиш сифатида иштирок этувчи от туркумига оид термин, ҳамда аниқловчи ва шифасидаги сифат ва от туркумидаги сўзлардан таркиб тонади. Бу ҳолат банк-молия терминологиясида системалилик нафақат мантикий алоқадорликда, балки, лексик поғонада ҳам акс этгишини кўрсатиб турибди. Масалан: **СОЛИҚЛАР**: *давлат солиқлари, шахсий солиқлар, прогрессив солиқлар, пропорционал солиқлар, мақсадли солиқлар, реал солиқлар* ва ҳ. Ушбу атрибутив бирикмалар *солиқ* гиперонимига нисбатан гипонимлардир.

Банк-молия терминологиясида шаклий умумийликни ифодаламаган ҳолда соф семантик гипер-гипонимия ҳам кузатилиши мумкин. Масалан, қимматбаҳо қоғозлар: *акция, ависта вексель, облигация, акциядорлик сертификати...*

Қимматбаҳо қоғоз гиперонимининг маъноси куйидаги семемалардан иборат:

- мулк ҳуқуқини берувчи ҳужжат;
- даромад олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;
- мулк ёки бошқа ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имконини берувчи ҳужжат.

Энди эса гипонимдошларнинг маъносини кўриб чиқамиз:

Акция

- эгаси акционерлик жамиянинг шаклланишида иштирок этишини тасдиқловчи ҳужжат;
- даромад олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

Ависта

(от итал. a vista — по предъявлению)

- Тўлов муддати кўрсатилмаган ва исталган вақтда тўловни амалга ошириш учун тақдим қилиниши мумкин бўлган вексель;

- Исталган муддатда тўлов амалга оширилиши мумкинлиги тўғрисида вексел ёки бошқа бирор қимматли қоғоздаги белги.

Вексель

Қарздорнинг ёзма мажбурияти (оддий вексель) ёки кредиторнинг қарздорга векселда ёзилган суммани муайян муддатдан кейин тўлаш тўғрисидаги буйруғи (ўтказма вексель - тратта).

Облигация

Облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулккий эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулккий ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз.

Акциядорлик сертификати

Акцияга нисбатан мулкдорлик юридик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. Агар акция сертификат шаклида рўйхатга олинган бўлса, акция соҳибига дивидендлар почта орқали жўнатилади. Акция қайта сотилганидан кейин фирманинг трансфер-агенти мулк ҳуқуқини харидорга ўтказди ва янги сертификатни тақдим қилади.

Қайд қилиш лозимки, айнаи вақтда қимматбаҳо қоғозлар гиперонимига нисбатан семантик мансубликка эга бўлган акция, ависта вексель, облигация гипонимлари гипероним сифатида ҳам гавдаланиб, шаклий мансублик асосида бирлашувчи гипонимларига эгадир.

Масалан, вексель гипероними жўнатма вексель (тратта), акцептланган вексель сингари гипонимларига эга. Гипергипонимия ҳодиса тадқиқотнинг 3.1-параграфидида келтирилган терминларни гуруҳлаш мезонларига мувофиқ келади.

Ўзбек тили банк-молия терминлари омонимияси. Тилшуносликда лексемалар ўртасида шакл муносабатига кўра амал қилувчи ҳодисалардан бири омонимиядир. Омоним сўзлар шаклан айнан тенг бўлишига қарамадан улар ўртасидаги маъно боғлиқлиги занжири мавжуд эмас. Т.Б.Назарованинг тадқиқотларида омонимларни шаклантирувчи иккита манба

кўрсатиб ўтилади: а) турли тил birlikларининг талаффузда ўзaro мос келиб қолиши; б) қачондир бир сўз таркибида мавжуд бўлган кўп маъноликнинг йўқолиши (маъно боғлиқлик инжирининг узилиши) натижасида юзага келган шаклий ўхшашлик¹⁸³.

Лексик омонимиядан фарқли ўларок, терминологик омонимия ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир. Чунинчи, Ч.Абдуллаеванинг таъкидлашича "... бир терминологик майдонда термин омонимларининг бўлиши мумкин эмас"¹⁸⁴.

Ўзбек тилининг банк-молия терминологик системасидаги терминларнинг умумистеъмол сўзлари билан омонимликни ҳосил қилишини мисоллар орқали кузатамиз.

Актив (лотин тилидаги "activus" сўзидан олинган; инг. *asset, assets*; фр. *actif*; рус. **Актив** (действенный)¹⁸⁵; ўзб. **актив** (ҳаракатчан, фаол):

актив¹ – (от, нарса-буюм оти) ҳисобиёт (бухгалтерия) балансининг бир қисми бўлиб, мазкур корхона ёки муассасага қарашли моддий бойликларни уларнинг таркиби ва жойлашуви нуқтаи назаридан пул (пул маблағлари, бошқа ташкилотларга қарз талабномалари ва ҳ.к.) кўринишида ифодалайди. *Терси: пассив*¹⁸⁶. Масалан: *Банк активларининг қиймати ва улардан олинadиган фойда ўзгариб туриши мумкин*¹⁸⁷ (**банк-молия термини**).

¹⁸³ Қаранг. Назарова Т.Б. Филология и семиотика. Современный английский язык. – Москва: Высшая школа, 1994. – С.52.

¹⁸⁴ Қаранг. Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс.... канд. филол.наук. – Тошкент, 2000. – Б.90.

¹⁸⁵ Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. – Москва, ИНФРА-М, 2006. – С.10.

¹⁸⁶ Ҳайдар М. Иктисод-банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минхож, 1996. – Б.4.

¹⁸⁷ Жуманиязов М. Молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш йўллари // "Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция масалалари. – Тошкент: Молия, 2005. – Б.436.

актив² – (от, киши (шахс) оти) бирор коллективнинг илғор, етакчи, фаол қисми. Масалан: *Маҳалла активлари*¹⁸⁸ (*ижтимоий термин*).

актив³ – (сифат) серҳаракат, сергайрат, фаол. Масалан: *Музокарада фаол иштирок этмоқ*¹⁸⁹ (*ижтимоий термин*).

Агент (лотинча “*agentis*”¹⁹⁰ сўздан олинган бўлиб, (ҳаракат қилувчи, таъсир этувчи):

агент¹ – (от, шахс оти) воситачи, битимга у мутасадди эмас, даллол сифатида киришади¹⁹¹; Бирор муассаса ёки киши топшириғи (ваколати) билан иш олиб боровчи шахс, вакил. Масалан: *Таъминот ағенти*¹⁹² (*банк-молия термини*).

агент² – (от, нарса-буюм оти) бирор воқеа-ҳодисани юзага келтирувчи сабаб. Масалан: *атмосфера ағентлар, химик ағент*¹⁹³ (*кимёвий термин*).

Капитал – (лотинча “*capitalis*” сўздан олинган; инг. ва фр.да *capital*; маъноси русча “главный” сўздан асосий, муҳим, бош):

капитал¹ – (от) кенг маънода, даромад келтирувчи ҳамма нарса ёки одамлар томонидан товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун яратилган ресурслар. Торроқ маънода, ишлаб чиқариш воситаси кўринишида ишга сармоя қилинган ишлаётган даромад манбаи (жисмоний капитал)¹⁹⁴. Масалан: *Молиявий барқарор ва ишончли банк тизими халқаро чет эллик ҳамкор мамлакатлар ва хорижий инвесторлар учун ҳам зарур бўлиб, чет эл капиталини жалб қилиш ва хорижий инвестицион капитал орқали мамлакат халқ хўжалигини*

¹⁸⁸ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б.18.

¹⁸⁹ Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган асар. – Б.19.

¹⁹⁰ Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. – Москва, ИНФРА-М, 2006. – С.4; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б.17.

¹⁹¹ Хайдар М. Иқтисод-банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.3.

¹⁹² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б.17.

¹⁹³ Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган асар. – Б.17.

¹⁹⁴ Қаранг: Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. – Москва: ИНФРА-М, 2006. – С.4.

ташдан иқтисодийётига интеграллашувида муҳим аҳамият касб этади¹⁹⁵ (**банк-молия термини**);

капитал² – (сифат) катта, салмоқли, кўп куч ва маблағ талаб қиладиган. Масалан: *капитал асар; капитал ремонт; капитал қурилиши*¹⁹⁶ (**ижтимоий термин**).

Потенциал – (лот. **potentia**- сила, мощь¹⁹⁷; ўзб. маъноси куч, имконият):

потенциал¹ – мамлакатнинг, яъни ундаги ташкилот ва ҳужаликларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмолни ривожлантириш, халқ эҳтиёжлари ва талабларини кондириш, иқтисодий фаолиятни рўёбга чиқариш имкониятлари. Масалан: *ишлаб чиқарилувчи қимматбаҳо қозғаларнинг катта потенциалига ва улардан хорижда фойдаланиш бўйича бой тажрибага қарамасдан...*¹⁹⁸ (**банк-молия термини**);

потенциал² – (русча – потенциальный) сифат. Яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган. Масалан: *потенциал энергия*¹⁹⁹ (**физика термини**).

Пул (тожикча) от:

пул¹– товарларни айирбошлашда умумэквивалент вазифасини бажарувчи ўзига хос қимматли қоғоз²⁰⁰ (**банк-молия термини**);

пул² (тожикча –кўприк). Масалан: Тахтапул (жой номи)²⁰¹ (**ижтимоий термин**).

¹⁹⁵ Саидова У.А. Тижорат банкларининг молиявий таҳлили // “Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция масалалари. – Тошкент: Молия, 2005. –Б.435.

¹⁹⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984. –Б.73.

¹⁹⁷Краткий экономический словарь. Под ред. А.Н.Азрильяна. –Москва: Институт экономики, 2005. –С.608.

¹⁹⁸Газибеков Д. К вопросу использования потенциала производных ценных бумаг в условиях Узбекистана // “Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция масалалари. – Тошкент: Молия,2005. – Б.253.

¹⁹⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б.105.

²⁰⁰ Ҳайдар М. Иқтисод банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.23.

Ринг (ингл. **ring**)²⁰²:

ринг¹ – тадбиркорлар томонидан қисқа вақтга тузилган шартнома²⁰³ (**банк-молия термини**);

ринг² – боксга тушиладиган майдон (**спорт термини**).

Кўриб чиқилган мисоллар турли терминологик системалар ўртасидаги омонимияга мисол бўла олади.

О.Ахманова омонимларнинг куйидаги гуруҳларини ажратади: абсолют (тўлиқ) омонимлар, грамматик омонимлар, этимологик омонимлар, ясама ёки тарихий омонимлар, содда ёки ўзак омоним, синтактик омонимлар²⁰⁴. Юқорида келтирилган банк-молия терминологиясига мансуб аксарият омотерминлар абсолют ва аини вақтда содда омонимлар гуруҳига киради. Бундан ташқари таҳлил жараёнида бирикма кўринишидаги омотерминларга ҳам дуч келинди. Масалан: **даромад қилмоқ** – от+фёъл типидagi ясама термин бўлиб, “Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати”да омоним сифатида талқин қилинади ва жуфтликнинг бир компоненти банк-молия термини саналади:

Даромад қил₁ – (тожикча даромад – “фойда”, “келим”) фёъл. **Фойда олмоқ (банк-молия термини)**;

Даромад қил₂ – (тожикча – “муқаддима”) фёъл. Фикр-истакни ноаниқ тарзда бироз маълум қилмоқ (намекасть, дасть знать). Сен аввал секин даромад қилсанг, яхши бўлар эди. Абдулла Қаҳҳор, Сароб²⁰⁵.

Таҳлиллар натижасида терминологик омонимияни юзага келтирувчи омил сифатида ўзга тил ва соҳалардан сўз ўзлаштиришни, терминлашишни қайд қилиш мумкин.

²⁰¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б.105.

²⁰² Азрильян А.Н. Краткий экономический словарь. – Москва: Институт экономики, 2005. – С.764.

²⁰³ Ҳайдар М. Иқтисод банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минҳож, 1996. – Б.24.

²⁰⁴ Қаранг. Ахманова О.С. О принципах и методах лингвистического исследования. – Москва: Издательство МГУ, 1966.

²⁰⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 50.

Ўзбек тили банк-молия терминлари паронимияси.

Ўзбек тилшунослигида қатор соҳалар терминологияси тадқиқ қилинган бўлиб, мазкур тадқиқотларнинг аксарият қисмида терминларнинг шакл ва маъно муносабатлари (синонимия, омонимия, антонимия, полисемия)га кенг ва атрофлича тўхталиб ўтилган. Шу анъанага мувофиқ равишда банк-молия терминологиясининг тадқиқига бағишланган мазкур илмий ишimizда ҳам бу сингари ҳодисалар соҳа терминологик системасида қандай намоён бўлиши ўрганилмоқда²⁰⁶. Аммо қийд қилиб ўтилган соҳалардан фарқли ўлароқ банк-молия терминлари орасида юқоридаги илмий ишларда тилга олинмаган паронимия ҳодиса мавжудлиги аниқланди. Паронимлар тил луғат бойлигининг бир қисми. Паронимия ҳодисаси мураккаб муносабатлардан бири бўлиб, тилшуносликдаги энг мунозарали масалалардан биридир. Паронимнинг луғавий маъноси юнонча “para” – ёнида, ёндош, яқин + “opoma” – ном сўзларидан келиб чиққан бўлиб, талаффузи ўхшаш (бир хил эмас) сўзлар демакдир. Шундан келиб чиқиб, паронимларни тадқиқ қилувчи олимлар бу гуруҳга мансуб сўзларни ажратишда уларнинг талаффузидаги ўхшашликни ҳал қилувчи омил сифатида эътироф этадилар. Мазкур ҳодиса лексик муносабатларнинг бошқа турлари (синонимия, антонимия, омонимия, полисемия) каби терминологик системада ҳам фаол эканлиги банк-молия терминлари мисолида кузатилди. Масалан: *абонент* –

²⁰⁶Мухамедова С., Ширинова Е. Ўзбек тилида банк-молия терминологияси система сифатида// «Тилшуносликнинг долзарб масалалари» номли илмий-назарий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2012. –Б. 129–132; Ширинова Е. Ўзбек тилидаги банк-молия терминлари синонимияси//Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари (Республика илмий назарий анжумани материаллари). – Тошкент, 2012. –Б.149–151; Ширинова Е. Ўзбек тилидаги банк-молия терминлари антонимияси// Ўзбек тили ва адабиёти. №6. – Тошкент, 2012.–Б.68–70; Ширинова Е. Ўзбек тилидаги банк-молия терминлари омонимияси// «Истиқдол ва тил» олий таълим муассасалари оилмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2012. –Б.163–166; Ширинова Е. Ўзбек тилидаги банк-молия терминлари полисемияси//«Ўзбек тилшунослиги: тараққиёт тамойиллари, илмий муаммолар, истиқболдаги вазифалар» Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Тошкент, 2013. – Б.85–89.

абонемент, адресант – адресат, дебет – дебит, конъюктура – конъюктура, фикс – фикс, экспонат – экспонент...

Банк-молия терминлари орасидаги паронимларни тахлил қилиш натижасида паронимия ҳодисасининг мазкур терминологик системанинг ичида ҳамда шу соҳа терминлари ва бошқа соҳа терминлари, умумистеъмол сўзлари орасида мавжудлиги аниқланди. Терминологик система ичидаги паронимлар:

Абонемент – абонент. *Абонемент* – маълум муддат давомида бирор нарсага эгалик қилиш ҳуқуқи; мазкур ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат. *Абонент* – абонементга эга бўлган шахс²⁰⁷ ёки ташкилот²⁰⁸ (*банк-молия терминлари*).

Турли терминологик системалараро паронимлар:

Кампания – компания. *Кампания* – хўжалик ёки ижтимоий-сиёсий жиҳатдан муҳим масалани амалга ошириш мақсадида маълум муддат ичида ўтказиладиган иш. *Сайлов кампанияси*.

Компания – шериклар, ширкат²⁰⁹.

Гарант – грант. *Гарант* – кафолатчи, кредит олувчига бирор нарсада кафолат берувчи давлат, муассаса ёки шахс. Қарз берувчининг талаблари қарздорни қониқтирмаса, бу шартларни гарант бажаришга мажбур²¹⁰... (*банк-молия термини*). **Грант** – (инг. grant – ҳада, субсидия, стипендия) – мақсадли воситалар; корхона, ташкилотлар ва шахсларга пул ва натурал кўринишида тажриба-конструкторлик ишлари, ўқиш, даволаниш ва б. учун берилади. Одатда грант. соҳиблари муайян соҳадаги иш учун танлов эълон қилиш йўли билан аниқланади²¹¹ (*ижтимоий-иқтисодий термин*).

²⁰⁷Введенская Л.А. Учебный словарь паронимов русского языка. 2-е изд. – Ростов на Дону: Феникс, 2010. – С.25.

²⁰⁸Краткий экономический словарь: 7500 терминов/ Ред. А.Н. Азраилиян. –3-е изд. – Москва: Институт новой экономики, 2005. – С.7.

²⁰⁹Маъруфов А. Паронимлар лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 23.//www.zivouz.com.

²¹⁰Ҳайдар М. Иқтисод банк изохли лугат: монография. – Тошкент: Минхож, 1996. – Б.11.

²¹¹Ўзбек тилининг изохли лугати. – Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон миллий ўнциклопедияси, 2002. – Б.78.

Тариф – таъриф . Тариф –(фр. *tarif*) меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш тизими²¹² (*банк-молия термини*); **Таъриф** – араб. тушунтириш, аниқлаш (*ижтимоий термин*).

Кафил – кафель. Кафил – гарант, кафолатчи. (*банк-молия термини*). **Кафель** – кошин чиннига ўхшаш рангли, нақшли, йилтироқ гишт плитка (биноларнинг деворига ишлатилади)²¹³.

Банк-молия терминологиясидаги паронимлар маъносини таҳлил қилиш натижасида, уларнинг айримлари антонимик дуфтликлар эканлиги аниқланди. Масалан: *адресант* – *адресат* каби.

Введенскаянинг “Учебный словарь паронимов русского языка” лугатида **импорт –экспорт** терминлари паронимлар сифатида келтирилади, аммо ўзбек тили нуктаи назаридан мажбур терминлар паронимлар сифатида қаралмайди. Қонаверса, ушбу терминлар ўзаро антонимлардир: *импорт* – мамлакатга хориждан товарларнинг олиб кирилиши; *экспорт* – мамлакатдан сотиш учун товарларнинг олиб чиқиб кетилиши²¹⁴.

Паронимлар талаффузи жиҳатидан яқин бўлган, аксарият ҳолларда бир товуш билангина фарқ қилувчи сўзлар бўлганлиги боис уларни бир-бирининг ўрнида қўллаб юбориш ҳолатлари эҳтимолдан холи эмас. Шу боис барча соҳа, жумладан банк-молия тизими мутахассислари, иқтисодчилар, тадбиркорлардан паронимларни билиши ва уларни бир-биридан ажрата олиши талаб қилинади. Бунда уларга соҳа луғатлари ва назарий маълумотлар кўмак беради.

ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СТРУКТУР ХУСУСИЯТЛАРИ

Тилда мавжуд сўзлар турли нуктаи назардан таҳлилга тортилади. Терминнинг тилда узоқ вақт мавжуд бўлиши, тил

²¹² Азрильян А.Н. Краткий экономический словарь. – 3-е изд. – Москва: Институт новой экономики, 2005. –С.899.

²¹³ Маъруфов А. Паронимлар лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 33. www.ziyouz.com.

²¹⁴ Введенская Л.А. Учебный словарь паронимов русского языка. 2-е изд. – Ростов на Дону: Феникс, 2010. –С.67.

фойдаланувчилари томонидан кенг қўлланишида семантик хусусиятлари канчалик ахамиятга эга бўлса, структур хусусиятлар ҳам шу қадар муҳимдир. Тадқиқотимиз давомида терминологик тизимларга хос универсал хусусиятлар сифатини терминларнинг конкрет маъно ифодалаши лозимлиги қайд қилинади. Бунинг учун термин ихчам тузилишга, имкон қадар қисқа ифода шаклига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Изланишлар давомида банк-молия терминлари ўрганилиши таҳлил қилинганда улар орасида турли тузилишга эга бўлган терминлар мавжудлиги аниқланди.

Бир компонентли банк-молия терминлари. Бир компонентли банк-молия терминлари ўз навбатида бир компонентли туб ва бир компонентли ясама терминларга ажратилади.

Бир компонентли туб банк-молия терминлари: абандон, абонемент, абонент, абекор, аваль, аванс, актив, акцент, акциз, акция, амортизация, баланс, банк, банкнота, бюджет, валюта, вексель, дивидендлар, депозитлар, депонент, дисконт, дотация, жамғарма (фонд), инвестор, кредит, ликвидлар, лот, молия, нарх, номиналлар, облигация, омонат, паритет, пул, солиқлар, ссуда, субвенция, субсидия, тафтиш, трансферт, чартер, чек, эмитент...

Таъкидлаш жоизки, таҳлилга тортилган юқоридаги юздан ортиқ бир компонентли туб терминнинг маълум қисми ўзлашма терминлар бўлиб, ўзга тил учун ясама бўлган терминлар ўзбек тилига айнан шу кўринишда ўзлашгани, терминларнинг ясовчи аффикси ўзбек тилида мавжуд эмаслиги сабабли улар ўзбек тили нуқтаи назаридан бир компонентли туб термин тарзида талкин қилинди. Мазкур терминлар бир қанча ясама банк-молия терминлари учун ясовчи асос ва бирикма типидagi банк-молия терминларининг тобе ёки ҳоким қисми сифатида анча фаол қўлланилади. Мазкур ҳолатда биз ўзбек тилига хос ясовчи аффиксларни қабул қилган қуйидаги банк-молия терминларинигина бир компонентли ясама банк-молия терминлари сифатида эътироф этишни жоиз топдик.

Бир компонентли ясама банк-молия терминлари: аванслаш, автоматлаштириши, агентлик, агентликлар.

Чунончи, альтернативлик (муқобиллик), антидаталаш (антидотация), антрепренерлик (тадбиркорлик), инвестициялаш, кредитлаш, ликвидлик, молиялаштириши, савдогарчилик...

Тақдирга тортилган банк-молия терминлари орасида **қўшма терминлар** мавжудлиги аниқланди: *кредитотсека, ҳисобварақ.*

Банк-молия терминларининг энг мураккаб жиҳатларидан бири сифатида аксарият терминларнинг кўп компонентлилигини қайд қилиш лозим. Чунончи, мураккаб структурага эга бўлган терминни тушунишда асосий эътибор маънавий мураккабликка қаратилади ва терминнинг мазмунини иккиламчи хусусиятга эга бўлиб қолади.

Икки компонентли банк молия терминларининг аксарият қисми аниқловчи аниқланмиш муносабатидаги сўз бирикмаларидир. Аксарият мисолларнинг тобе қисми қаратқичли аниқловчилар, бир қанчаси эса сифатловчи аниқловчилардир.

Қаратқичли бирикмалар: *абонемент тўлови, агентлик битими, агент операциялари, банк амалиёти, банк капитали, банк кафолати, банкларнинг мустақиллиги, банкларнинг фондлари, банклар аудити, банк монополиялари, банк операциялари, банк сири, банк ссудаси, банк низоми, банк филиали, вазийнинг кафолатлари, давлат банки, давлат бюджетси, давлат кредити, давлат монополияси, давлат солиқлари, давлат қарзи, кредит тамойиллари, кредит шакллари, нархлар масштаби, олтиннинг деноминаллашуви, пул тиланиши, пул бирлиги, пул массаси, пул муомаласи, пулнинг назариялари, пул эмиссияси, республика бюджетси, эмитентнинг опционси, газначиликнинг вазибалари...*

Кўп ҳолларда қаратқичли аниқловчи таркибидаги **-нинг** қўшимчаси белгисиз қўлланган: шунингдек, ҳоким сўз таркибидаги 3-шахс эгалик шакли **-и** хосликни, умумдан ажралганликни ифодалайди: *банк операциялари, банк сири, банк ссудаси, банк низоми...*

Сифатловчили бирикмалар: *абонент қарздорлик, авансланган воситалар, аванс тўлови, автоном*


бюджетлар, агрессив қимматбаҳо қозғозлар, айланма маблағлар, актив баланс, акцептланган вексель, акцептланган (маъқулланган) чек, акцептли кредит, истеъмол кредити, ихтиёрий тўловлар, хусусий кредит, электрон пуллар, юқори бюджет, қимматли қозғозлар, қозғоз пуллар, қуйи бюджет, қуш акциялар, хужжатли нозрат.

Икки компонентли терминлар орасида тўлдирувчи шакли ёрдамида шаклланган бирикмаларни ҳам учратиш мумкин: *бизнесни аванслаш, васийликни тайинлаш, бюджетни режаслаштириш, бюджет олувчи, кредит берувчи, пулларни ювиш...*

Уч компонентли банк-молия терминларининг тобе компонентлари иккитадан бўлиб, аксарият терминларда тобеланиш занжирли тарзда намоён бўлишини кузатиш мумкин: *автоматлаштирилган бошқарув тизими, автоматлаштирилган информацион тизимлар, автоном капитал сармоялар, анъанавий депозит институтлари, монополияга қарши қонунчилик, монополияга қарши қўмиталар, банклараро ҳисоб-китоблар, банклар фаолиятини лицензиялаш, умумий ташиқ қарз, халқаро банк кредити, хўжалик субъектлари молияси, хўжалик фаолияти таҳлили, чет эл банки, чет эл валютаси, эмиссиявий қимматли қозғозлар, ягона газна ҳисобварағи, қимматли қозғозлар бозори, қимматли қозғозлар эмиссияси, ҳудудий молиявий режалар...*

Тўрт ва ундан ортиқ компонентли банк-молия терминлари эса мураккаб тузилишга эга бўлиб, уларнинг ифода планида, аниқловчи ва аниқланмиш, тўлдирувчи ва тўлдирилмиш муносабатлари ҳам намоён бўлади. Айрим терминлар таркибида уюшиқ бўлақлар ҳамда улар ўртасида ва боғловчиси иштирок этади: *айланма касса маблағи меъёри, банкларни рўйхатга олиш ва уларни лицензиялаш, банкларнинг иттифоқлари ва уюшмалари, банкларнинг чет эллардаги филиаллари ва ваколатхоналари, қимматли қозғозларнинг номинал сақловчиси, қимматли қозғозлар эгалари реестри, қимматли қозғозлар эмиссия рисоласи...*

Структур хусусиятлари нуқтаи назардан таҳлил қилинган банк-молия терминларининг миқдорий нисбатини куйидаги диаграммада яққол кўриш мумкин (Қаранг. 5-расм).



Кўриниб турибдики, ўзбек тили банк-молия терминларининг энг катта қисмини бир компонентли банк-молия терминлари ва икки компонентли банк-молия терминлари ташкил этади. Аммо, шуниси ҳам эътиборлики, уч компонентли, тўрт ва ундан ортиқ компонентли терминлар миқдори биргаликда умумий терминларнинг 1/3 қисмини ташкил этади. Бу эса терминлар учун жуда катта кўрсаткичдир. Айнан мазкур ҳолат банк-молия терминларининг соҳа вакиллари ва тил соҳиблари томонидан қўлланишида қийинчиликларни юзага келтириши мумкин.

IV БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИ АНТРОПОЦЕНТРИК ПАРАДИГМАДА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК ТАДҚИҚИ

Тилшунослик ижтимоий-гуманитар фанлар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида инсон – бугунги илм-фан олдидаги долзарб, умумилмий муаммо даражасига кўтарилмоқда, натижада табиий ва гуманитар фанлар орасидаги кескин фарқ қисқариб бормоқда. Турли илмий анъаналар учун ўрганилаётган объектларни антропоцентрик аспектда ўрганиш хосдир, яъни илмий билимнинг замонавий парадигмаси антропологик тарзда шаклланмоқда²¹⁵.

Бугунги кунда антропоцентризм илмий тадқиқотларнинг энг нуфузли тамойиллари сирасига кириб, улар орасида етакчилик қилиб келмоқда. Антропоцентризм тамойили қатор олимлар томонидан изоҳланган бўлиб, Е.Кубрякова уни қуйидагича таърифлайди: “Барча назарий фикрларнинг асосий марказига инсонни қўйиш тенденциясига мувофиқ инсон нафақат у ёки бу ҳодисаларнинг таҳлилига жалб этилади, балки у мазкур таҳлил ва якуний мақсадлар истиқболини ҳам белгилаб беради”²¹⁶. Ўзбек тилшуносларининг мулоҳазаларида ҳам антропоцентризм тамойили хусусидаги изоҳларни кўриш мумкин, хусусан тилшунос олима М.Ҳақимованинг қайд қилишича: “Антропоцентрик принципга асосланган нарса-ҳодисаларнинг тадқиқи ва таҳлилининг диққат марказида инсон бўлиб, у тадқиқотнинг истиқболи ва сўнгги мақсадини белгилаб беради”²¹⁷. Қолаверса, Д.Раҳимова эътироф этганидек, “Сўнгги

²¹⁵ Чурилина Л.Н. Антропоцентризм художественного текста как принцип организации его лексической структуры: дисс...док.филол.наук. –Санкт-Петербург, 2002. –С.4.

²¹⁶ Кубрякова Е.С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. –Москва, 2004.

²¹⁷ Ҳақимова М. Луғат таркибининг абстракт сўзлар билан бойиш сабаблари.//Ўзбек тили ва адабиёти, № 1. – Тошкент, 2013. –Б.83.

ўн йиллик тадқиқотлари шуни кўрсатадики, тилнинг семантик тизими антропоцентризм тамойилига асосланади. Одамнинг нода иштироки тилнинг барча поғоналарида сезилади, бироқ тилнинг кўпроқ антропомарказийлиги луғатда, сўз ясалишида шмоён бўлади”²¹⁸.

Тилшунослиқда антропоцентрик парадигманинг шаклланишига тил фактларини кўриб чиқишнинг В.А.Звигенцев томонидан “ўз ҳолатидаги тил” ва “фаолиятдаги тил” тарзида белгилаб олинувчи икки аспекти ажратиб олиш шурурати туркки бўлди. Ушбу аспектиларни тилнинг статик ҳолати ҳамда динамик ҳолати тарзда ҳам ифодалаш мумкин.

Инсон назарий ва амалий фаолиятининг бошланғич нуқтаси инсоннинг ўзидир. Ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг марказида инсоннинг ўзи туради. Зеро, антропоцентризм ясама сўз бўлиб, у антропо... (юн. *anthropos* – одам) – одамга алоқадор эканликни билдирувчи ясама сўз таркибий қисми (мас, антропология, антропометрия) ²¹⁹ ҳамда центризм – марказга олиш сўзларининг кўшилишидан ҳосил бўлган ва юқорида келтирилган маънони ифодалайди. Бу хусусда Г.В.Колшанский ўз мулоҳазаларини баён қилиган: “Инсон субъект сифатида энг аввало атроф муҳит – табиат билан, сўнгра ижтимоий олам билан, кейинчалик алоҳида индивид билан ва ниҳоят ўзи билан муносабатга киришади” ²²⁰.

Антропоцентризм инсонни бир бутун, яхлит ҳолда ўрганишга даъват этади. Инсон ўз тили билан муносабатга киришган ҳолда тил шахси мақомига эга бўлади²²¹.

Замонавий тилшунослик ўзида тил системасининг инсонга максимал яқинлигини ифода этувчи антропоцентризм

²¹⁸ Раҳимова Д. Тилини ўрганишда лингвомаданий омилларнинг ўрни ва аҳамияти. // Ўзбек тилшунослиги: тараққиёт тамойиллари, илмий муаммолар, истиқболдаги вазифалар. – Тошкент, 2013. – Б.145.

²¹⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. А харфи. 563-б. www.ziyouz.com кутубхонаси.

²²⁰ Колшанский Г.В. Соотношение субъективных и объективных факторов в языке. // Сер. Лингвистическое наследие XX в. – Москва, 2005.

²²¹ Караулов Ю. Н. Русский язык и языковая личность. – Москва: Наука, 2004. – С. 261.

принципига асосланади. Бунинг исботини Ю.Д.Апресян, Н.Д.Арутюнова, Р.А.Будагов, Г.А.Золотова, Ю.Н.Караулов, Г.В.Колшанский, Е.С.Кубрякова, Б.А.Серебренников, Ю.С.Степанов, Н.М.Махмудов, Д.Худойбергана ва бошқа олимларнинг илмий ишларида кўришимиз мумкин.

Антропоцентризмнинг илмий тадқиқотларнинг асосий принципига айланишининг боиси унда инсон у ёки бу ҳодисаларнинг таянч нуқтаси бўлиб, унинг ўзи мазкур таҳлилга жалб этилади. Дарҳақиқат, тил инсонгагина хос бўлган хусусият бўлиб, уни тафаккурдан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис тилни, унинг сатҳларини антропоцентрик парадигмада, яъни маълум бир тил ҳодисаларига инсон омилининг таъсирини ҳам инобатга олган ҳолда тадқиқ қилиш яна ҳам кенгроқ имкониятлар эшигини очиб беради. Чунончи, тил ҳодисалари ўз-ўзидан эмас, балки бевосита инсоннинг амалий фаолияти, мулоқоти жараёнида такомиллашади, янгиланиб боради, унинг баъзи бирликлари истеъмолдан чиқади. Тил ўз ҳолича мавжуд бўла олмайди. Тилнинг шаклланиш нуқтасида ҳам, мақсад йўналтирилган якуний нуқтасида ҳам инсон туради. Яъни тил инсон томонидан қўлланади ва унга хизмат қилади. Мазкур жараёнда бевосита инсоннинг ақлий, руҳий ҳолатлари тилга ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди. Инсон психикаси, тафаккури жуда мураккаб. Тафаккурнинг тилда ифодаланиши ва ўз навбатида тил реаллашуви орқали маълум фикрларнинг шаклланиши – табиатда сувнинг айланиши сингари тўхтовсиз, абадий жараёндир.

Бугунги тилшуносликнинг антропологик асослар замирида барпо этилиши ҳам “Инсон ва тил” ягона назариянинг яратилишини назарда тутди. Л.Н.Чурилинанинг тадқиқотида мазкур муаммо энг эски ва айни вақтда энг янги масала эканлиги олимларнинг қарашларини келтириш орқали таъкидлаган²²².

²²²Қаранг. Чурилина Л.Н. Антропоцентризм художественного текста как принцип организации его лексической структуры: дисс...док.филол.наук. –Санкт-Петербург, 2002.

Дарҳақиқат, “Тилда инсон” ёки антропоцентризм тамойили унинг тилшунослигида узоқ вақтлардан бери диққат марказидаги масаладир. XX асрнинг охиридаёқ И.А.Бодуэн де Куртене унинг “Фонология” (1899) ишида антропофоника тўғрисида фикр юритади ва уни инсоннинг нутқ товушларини ўрганувчи фан сифатида изоҳлайди²²³.

Тилшунослик фанида антропоцентризм тамойилининг турлича талқинлари мавжуд. Биринчи ёндашув тил ҳақидаги фан объектига “тил шахси”ни қўшишни назарда тутди. Иккинчи ёндашув ҳам тилни инсоннинг бир қисми сифатида тан олди билан боғлиқ бўлиб, замонавий лингвистик фалсафада ўз аксини топмоқда. Учинчи ёндашув инсонни тилшунослик предмети сифатида тадқиқ қилади. Охириги ёндашув эса тилни инсонни инсон қиладиган ташкил этувчи сифатида тан олишга асосланган. Антропоцентрик тамойилни амалга оширишнинг охириги ёндашуви В.Гумбольдт томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у “тилни тадқиқ қилиш инсоннинг ўзини ва унинг барча моддий ва номоддий нарсаларни англаши мақсадига бўйсунди”²²⁴ деб ҳисоблаган.

Гумбольдтнинг мазкур ёндашуви инсоншунослик ва тилшунослик фанларининг лингвосоциология (социолингвистика), лингвогносеология, лингвоэтнология (этнолингвистика), лингвопалеонтология ва, ниҳоят, лингвокультуралогия ва тил фалсафаси каби йўналишларида тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Айрим тадқиқотчилар, хусусан А.А.Ворожбитова мазкур ҳолатни XX аср филологиясидаги “антропоцентрик силжиш” деб атаган²²⁵.

Антропоцентрик аспект тил ва нутқнинг вужудга келиши²²⁶, замонавий оғзаки нутқ, лексикология, лексикография²²⁷,

²²³ Бодуэн де Куртене И. А. Избранные труды по общему языкознанию. Тт.1-2. – Москва, 1963. – С.354.

²²⁴ Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – Москва, 1985. – С.383.

²²⁵ Ворожбитова А. А. Теория текста. Антропоцентрическое направление. – Москва, 2005. – С.43;

²²⁶ Человеческий фактор в языке: Языковые механизмы экспрессивности. – Москва, 1991.

когнитив лингвистика²²⁸, оламнинг тил манзарасини ўрганишга бағишланган турли йўналишлар, матннинг антропоцентрик тадқиқи²²⁹ сингари масалаларга бағишланган кўп сонли замонавий тадқиқотларнинг ҳам асосини ташкил этади.

Юқорида қайд қилинган фикрларга таянган ҳолда тил ва унинг сатхларини антропоцентрик парадигмада тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келиш мумкин. Хусусан, ўзбек тилига бу тарздаги ёндашув сўнгги йилларда кириб келди ва тилшуносларимизнинг эътиборини жалб этди. Антропоцентризм тамойилининг тилни тадқиқ қилишдаги аҳамияти²³⁰, ўзбек тилидаги матнларни антропоцентрик парадигмада тадқиқ қилиш муаммоларига бағишланган²³¹ илмий асарлар юзага келди.

Ҳозирги кунга келиб тилшуносликда антропоцентрик омил ўз ўрнига эга бўлдики, бунинг оқибатида лисоний методология антропоцентрик принцип билан бойиди, когнитив тилшунослик, психолингвистика лингвокультурология каби соҳалар тил ҳодисаларини “тилнинг ичида” эмас, балки тил эгалари билан муносабатлари асосида тадқиқ қилмоқдалар²³².

Мазкур ёндашувга таянган ҳолда банк-молия терминологиясини антропоцентрик парадигмада тадқиқ қилишни жоиз топдик. Терминологияга бағишланган тадқиқотлар²³³ да соҳа терминларининг семантик-структур

²²⁷ Апресян Ю. Д. Образ человека по данным языка // Избранные труды. Тт. 1-2. – Москва, 1995.

²²⁸ Кубрякова Е. С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. Москва, 2004; Апресян Ю. Д. Кўрсатилган манба.

²²⁹ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент, 2013.

²³⁰ Махмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// “Ўзбек тили ва адабиёти”, 5-сон, 2012, – Б. 6-7.

²³¹ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент, 2013. – Б. 135.

²³² Ҳақимова М. Луғат таркибининг абстракт сўзлар билан бойиш сабаблари.//“Ўзбек тили ва адабиёти”– №1. Тошкент, 2013.– Б.83.

²³³ Джамалханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии: автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1966; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент, 1977; Базарова Д.Х. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка. – Ташкент, 1978; Касымов А.И. Фармацевтическая терминология

хусусиятлари, шаклланиш ва тараққий этиш манба ва усуллари, шунингдек терминларининг луғатларда берилиши, уларни тартибга солиш сингари жиҳатлар қамраб олинган. Тилшуносликнинг бугунги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, истиқболда бақарилиши кўзда тутилган терминологик тадқиқотларни юқоридаги тилга олинган масалалар билан бир қаторда антропоцентрик парадигмада ҳам тадқиқ қилиш янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Тилшуносликнинг антропологик парадигмаси нигоҳида ўрганилаётган мазкур ишда антропоцентризм бевосита “инсон ва банк-молия терминологияси” тамойили сифатида қўлланилади.

Тадқиқотда антропоцентрик тамойилни қўллашга туртки бўлган омиллардан бири тилшуносликда инсон омили етакчи минкега эга бўлиб бораётганлиги билан бир қаторда иқтисод фанларида ҳам “...фан-техника инқилоби авж олиб бораётган шароитда инсон омилига элементлари жамият тараққиётини белгилаб берувчи ижтимоий, демографик, иқтисодий ва сиёсий тузилишга эга бўлган жамият ҳаётининг бир жамоавий субъекти...”²³⁴ сифатида қаралаётганидир.

Инсон деярли барча фанларнинг тадқиқот объекти бўлганлиги боис тилда, хусусан, банк-молия терминологиясида инсон омилини тадқиқ қилиш жараёнида аниқ тасавурларга эга бўлиш мақсадида фалсафа, психология сингари фанларнинг хулосаларига мурожаат қилишга тўғри келади. Зеро, “тилшуносликдаги энг янги йўналишлар айнан унинг бошқа

в современном узбекском языке: автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1982; Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации: автореф.дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1986; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв. – Ташкент, 1991; Мирахмедова З. Ҳозирги ўзбек тилининг анатомик терминологияси: филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1994; Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 2000; Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилиқ терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш: филол.фан.док...дисс. – Тошкент, 2005.

²³⁴Қаранг: Заславская Т.И, Рывкина Р.В. Социология экономической жизни: Очерки теории. –Новосибирск: Наука. Сиб. Отделение, 1991. –С. 35.

Тил шахси масаласини татбиқ қилиш ижтимоий мавқеи (статуси) масаласига алоқадордир.

Банк-молия соҳасининг давлат ва жамият ҳаётига назар ташлаймиз. Шубҳасиз, мазкур соҳа ва ташқи барқарорлигини белгилаб беради, ўзга билан иктисодий-ижтимоий алоқаларини белгилайди. Демак, банк-молия ходимидан юқори талаб қилинади, кўп тилни билиш, аниқ, равион услубда иш қилиш талаб этилади. Шунга мувофиқ равишда банк-молия ижтимоий мавқеи ҳам юқори.

Банк-молия ижтимоий мавқеини лингвистик нуқтаи назардан муҳим.

Банк-молия ижтимоий мавқеи жамиятни бирлаштириб қўладиган моддий лаҳза сифатида қатор тил бирликларининг қўллашасида у ёки бу кўринишда барқарорлашган ва қўллашнинг хулқини белгилайди.

Банк-молия ижтимоий мавқеи (статус) прагматик қўллашнинг баҳо бериш, модаллик, эмотивлик, стилистик қўллашнинг сингари турли белгилар қаторига кирувчи қўллашнингидир. Уларнинг табиати, ўзаро алоқадорлиги, танлов қўллашнинг историкасини аниқлаш маълум даражада тилнинг прагматик жихатининг спецификасини аниқлаш демакдир. Банк-молия ижтимоий мавқеи прагматика базасидаги лингвистика ва лингвистик семантиканинг тушунчалар қўллашнинг бирлаштирувчи мавҳум тушунчалар сирасига киради. Банк-молия ижтимоий мавқеини ўрганишнинг прагматик лингвистик нуқтаи нздан иборат²³⁷.

Банк-молия соҳаси мутахассисининг тил шахси турли ижтимоий омиллар таъсири остидаги, ўзини назорат қилувчи қўллашдан иборат. Бу каби омиллар сирасига ижтимоий мавқеи,

Крысин Л.П. Русское слово свое и чужое. – Москва: Языки славянской культуры, 2004. – С. 81.

Карпухина Н.М. Лексико-семантические процессы в русской терминологии финансово-денежного обращения: дисс...док.филол.наук. – Москва, 2007. – С. 329-330.

олди-сотди муносабатлари, ихчамликка ва тор соҳавий доирада сўзлашишга интилиш кабилар киради.

Банк-молия терминологиясига инсон омили таъсирини таҳлил қилганда унинг ўзига хос хусусиятларини фарқлай олинмайди. Мазкур соҳа терминологиясининг шаклланишида инсон тараққий этишида объектга нисбатан тўрт томонлама субъектив таъсирни кузатиш мумкин.

Биринчидан, соҳа мутахассисининг интеллектуал салоҳияти, ижтимоий мавқеи, нутқий имкониятлари, ифода услуби соҳага доир матнларни шакллантиришда энг муҳим компонентлар саналади.

Иккинчидан, мазкур матнлар ва маълумотлар йўналтирилган шахслар, яъни соҳавий нутқий иштирокчиларининг руҳий, нутқий имкониятлари маълум даражада таъсир кўрсатади. Буни шундай тушуниш мумкин, агар нутқ қартилган шахс мазкур нутқни тушуна олсагина соҳавий коммуникация юз беради ва шу тариқа ахборот алмашинуви такомиллашиб боради. Шу ўринда алоҳиди таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда банк-молия соҳасига доир матнлар жуда илмийлашган, соҳавий терминологияда жуда кўп мураккаб, тор доирада қўлланилувчи терминлар кўпайиб кетганлиги боис “тил истеъмолчилари”нинг катта қисмида уларни тушунишда қийинчиликлар юзага келмоқда. Бунинг муҳим сабабларидан бири банк-молия терминларининг ўзбек тилидаги изоҳли луғати мавжуд эмаслигидир. Мазкур ўринда яна бир бор терминологик ва изоҳли луғатларнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини англаш мумкин.

Учинчидан, субъектив сабаблар сирасига нутқ шакллантирилувчи макон ва замон ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, тилшунослар, луғатшунослар ҳам мазкур жараёнда маълум даражада иштирок этадилар. Эътибор қиламиз, маълум бир соҳага доир терминлар луғатини яратиш жараёнида муаллиф, таржимоннинг ҳам билим савияси, дунёқараши мазкур луғатда ўз ифодасини топади. Айни вақтда объектга нисбатан қайд қилинган субъектив муносабатлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш учун бевосита тўртинчи

субъектив сабаб, яъни тилшуносларнинг мазкур жараёнга аришгани тақозо этилмоқда.

Тилшуносликнинг замонавий парадигмаси терминологик тадқиқотларни инсон омилини инобатга олган ҳолда антропоцентрик тамойил асосида олиб боришга кенг имкониятларни очиб бермоқда. Бу ҳолат ўз навбатида тилшунослик, психология, фалсафа сингари қатор фанлар тарихини янгидан-янги билимлар билан бойитишга хизмат қилади. Маълумки, XX аср охири ва XXI аср бошларида антропоцентризм тилни тадқиқ қилишнинг энг муҳим, янги парадигмасига айланди. Ўзбек тилшуноси Н.Маҳмудовнинг бу борадаги фикрлари қуйидагича: «Бугун тилшунослик фанида парадигмалар миқдори ҳақида турли фикрлар мавжуд бўлса-да, асосан уч парадигмани фарқлаш анъана тусини олган, яъни 1) асосий-тарихий; 2) систем-структур; 3) антропоцентрик парадигмалар»²³⁸.

Маълумки, 2004 йилда Белосток шаҳрида ўтказилган «Тил ва маданият» мавзусидаги халқаро конференцияда тилшуносликнинг антропологистика бўлими вужудга келганлиги эълон қилинди. Зеро, тилга антропоцентрик ёндашув тилшуносликнинг барча бўлимларида кузатилади. Конференцияда маъруза қилган олимлар – С.В.Гринев-Гриневич, В.М.Лейчик, Г.Пихт янги бўлимнинг умумий характери ва асосий хусусиятларини таърифлар эканлар, антропологистиканинг мақсади инсон тафаккури эволюцияси тасвирини тил эволюцияси, хусусан, тил лексикаси эволюцияси асосида ақс эттиришдан иборат эканлигини таъкидладилар. Антропологистиканинг объекти сифатида турли тилларнинг лексик системалари, хусусан, биринчи навбатда, терминология эканлигини кўрсатилди, зеро терминологияда илмий билимлар системаларининг тараққий қилиш жараёнлари ёрқинроқ намоён бўлади. «Белосток манифести»нинг муаллифлари антропологистиканинг йўналишларидан бири деб турли тиллардаги терминологияни тушунчаларнинг ягона

²³⁸ Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...//Ўзбек тили ва адабиёти. –№5. –Тошкент: Фан, 2012.–Б.4.

системасини тақдим этувчи восита сифатида кўриб чиқилиши тақлиф қилишди²³⁹.

Касбий маълумотлар алмашинуви жараёнида вужудга келган муайян бир соҳа терминологияси жамиятнинг муайян бир қатлами учун мўлжалланган ва у ёрқин ифодаланган прагматик характерга эга. Аниқ касбий тушунчаларнинг номлашга хизмат қилувчи махсус лексик бирликларнинг йиғиндиси сифатида шаклланган соҳа терминологияси шаклланиши илмий билимлар ривожига ва инсон интеллектуал фаолиятининг натижасига бўлиб, унда билиш фаолияти кайта қилинади, аниқ бир соҳанинг асосий тушунчалари билан танишилади. Соҳа терминологияси касбий тафаккур фаолиятининг натижасидир, у муайян миллий тилнинг дунёвий манзараси рамакасида «яшайди». Демак, миллий тилнинг дунёвий манзарасида унинг алоҳида фрагменти – соҳавий тилнинг дунёвий манзараси асосида мавжуд. Уни тилшунослар соҳага оид билимлар мазмуний инвариантининг миллий шакли – дунёнинг профессионал тил манзараси деб белгилашади²⁴⁰.

В.М.Алпатова, Ю.Д.Апресян, Н.Д. Арутюнова, Г.А.Багаутдинова, А.Вежбицкая, А.А.Ворожбитова, И.Г.Жирова, Ю.Н.Караулов, О.Н.Корнилов, Е.С.Кубрякова, Б.Л.Серебренников, В.Н.Телия, А.А.Уфимцева, В.А.Маслова, Е.В.Урисон, С.Г. Тер-Минасова, В.Г.Гак, В.В. Ошепкова, А.Д.Шмелев, Е.С.Кубрякова, О.А.Радченко сингари тилшуносларнинг дунёнинг тил манзараси тадқиқига бағишланган кўплаб асарларида миллий-маданий хусусиятлар аниқ ва ёрқинроқ кўринадиган умумодабий тил ёки умумлексика материаллари таҳлилга тортилади. Қолаверса, сўнгги йилларда бу борада янги тадқиқотлар ҳам юзага келмоқда. Уларда нафақат тилнинг умумий лексик таркиби, балки муайян соҳа терминологияси мисолида ҳам шу тил эгасининг онги, билими ва миллий-маданий компоненти аниқланиши мумкинлиги таъкидланмоқда. О.А.Корниловнинг

²³⁹ Қаранг: Чернышова Л.А. Антропологические аспекты современной отраслевой терминологии (на материале терминологии железнодорожного транспорта): автореф. дисс...док.филол.наук. – Москва, 2011. – С.5.

²⁴⁰ Қаранг. Чернышова Л.А. Кўрсатилган манба. – С.12.

маълумотида қайд қилинишича, ҳар қандай тил терминологияси ҳам шу халқнинг миллий тафаккури ва миллий менталитети билан маълумот бера олади... С.Л.Мишланова, И.Ф.Новодранова, А.Д.Самигуллина, Л.А.Чернишоваларнинг соҳибкоруларини ҳам шу йўналишдаги илмий изланишлар соҳибига эътироф этиш мумкин. Хусусан, И.Ф.Новодранованинг номзодлик диссертациясида лингвистиканинг “тил манзараси”, Л.А.Чернишованинг докторлик диссертациясида эса темирйўлчилик транспортининг “тил манзараси” тадқиқи қилинган.

Маълумки, антропоцентрик тилшуносликнинг иккита тармоғи мавжуд: когнитив тилшунослик ва лингвокультурология²⁴¹. Д.Худойберганованинг «Матннинг антропоцентрик тадқиқи» номли монографиясида психолингвистикани ҳам ушбу йўналишлар қаторига қўшиш зарурлиги таъкидланган²⁴². Олимларнинг бу борадаги фикрларига суянган ҳолда тадқиқотимизнинг мазкур бобида банк-молия терминологиясини антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ қилишда когнитив тилшунослик, лингвокультурология йўналишини танлашга қарор қилдик. Чунки ушбу йўналишда терминлар қўлланишидаги энг муҳим миллий-маданий хусусиятлар, умумийликлар ва фарқлар, когнитив метафораларнинг вужудга келиши кабилар яққол кўзга ташланади.

Рус тилшунослигида терминлар антрополилингвистик аспектда таҳлил қилинган дастлабки иш Л.И.Чернишованинг «Антрополилингвистические аспекты современной отраслевой терминологии (на материале терминологии железнодорожного транспорта)» мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳисобланади²⁴³. Иш 3 бобдан иборат. Унинг «Антропоцентризм замонавий тилшуносликнинг асосий

²⁴¹Махмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент: Фан, 2012. №5. –Б.5.

²⁴²Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. –Тошкент: Фан, 2013. – Б.9.

²⁴³Чернышова Л.А. Антрополилингвистические аспекты современной отраслевой терминологии (на материале терминологии железнодорожного транспорта). автореф. дисс...док.филол.наук. –Москва, 2011. –С.47.

йўналиши» деб номланган 1-бобида мазкур йўналишнинг методологик базасини асослашга, хусусан, ушбу парадигмада терминларни тадқиқ қилиш имкониятларини асослашга ҳаракат қилинади. Олиманинг фикрича, тилшуносликда «языковая картина мира» термини билан биргаликда «профессиональная картина мира» терминини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Диссертациянинг *“Инглиз ва рус тилларининг темирйўлчилик терминологияси тарихий-этимологик аспектада”* деб номланган 2-бобида ҳар икки тилдаги терминларнинг келиб чиқиши, шаклланиши, ясалиши, ўзга тиллардан ўзлашиши, терминологиянинг бойиш манбалари батафсил таҳлил қилинган. Ишнинг *«Рус ва инглиз тилларидаги терминларнинг шаклий ва мазмуний структурасини антропологвистик позиция нуктаи назаридан қиёсий таҳлил қилиш»* деб номланган 3-бобида терминлар ўртасидаги систем муносабатлар – синонимик, антонимик, гипонимик муносабатлар кўриб чиқилган. Шунингдек, ушбу бобда рус ва инглиз тилларидаги темирйўлчилик терминларининг шаклий тузилиши ҳам қиёсланган. Мазкур бобда термин-метафоралар ҳақида ҳам фикрлар келтирилган бўлиб, бу тилшуносликда янгилик ҳисобланади. Кўринадикки, Л.Чернишованинг докторлик иши тилшуносликдаги янги парадигмалардан бири – антропологвистик парадигмада терминларни таҳлил қилишга бағишланган бўлса-да, унда қўлланилган асосий методлар ва таҳлиллар терминологияда олдин қўлланилган методлардан катта фарқи йўқ. Зеро, терминлар тадқиқ қилинган ишларда ҳам айнан шу масалалар, яъни уларнинг мавзуй гуруҳлари, келиб чиқиш ва бойиш манбалари, улар ўртасидаги шаклий ва мазмуний муносабатлар ўрганилган. Фақат бу ишда терминологияда ҳам дунёнинг лисоний манзараси намоён бўлиши, ҳар бир халқ нафақат сўз ва сўз бирикмалари, ибора, гапларни, балки терминларни қўллашда ҳам миллий менталитетдан келиб чиқиши рус ва инглиз тиллари ҳамда маданияти нуктаи назаридан яхши очиб берилган.

Мазкур тадқиқотимиз ҳам банк-молия терминларини систем-структур парадигма ҳамда антропоцентрик парадигмалар уйғунлигида ўрганишга қаратилган. Юқоридаги

побларда банк-молия терминларининг тарихи, таракқиёти, семантик-структур хусусиятлари, улардаги парадигматик муносабатлар хусусида мушоҳада юритган эдик. Ушбу бобда банк-молия терминлари антропоцентрик парадигма нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Бунда асосий эътиборни ушбу терминологик системада термин-метафоралар борми?, деган саволга қаратамиз.

Когнитив метафоралар назариясига кўра метафоралаштириш асосида билим тузилмалари (фрейм ва сценарийлар) ўртасидаги ўзаро алоқа жараёни ётади. Ж.Лакофф ҳамда М.Жонсон фикрига кўра, вербал тузилмада эксплицит ифодаданмаган мазмун фреймлар ҳақидаги билимлар асосида келтириб чиқарилади. Ж.Лакофф 1993 йилда эълон қилган "Бугунги кун метафоралари" асарида метафорик ифода (лингвистик метафоралар) ва концептуал метафораларни қатъий равишда фарқлаб кўрсатди. Ҳозирги вақтда когнитив метафоралар назарияси кўплаб соҳаларга татбиқ этилган бўлиб, билиш, тушунчани категориялаштириш, концептуаллаштириш, баҳолаш ва оламни тушунтиришнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Когнитив метафоралар ҳақидаги назарияларга асосланиб, бу ҳодисага қуйидагича таъриф бериш мумкин: когнитив метафора – шахс когнитив фаолиятига хос ҳодиса бўлиб, бир тушунча ёки ҳукм ҳақидаги билим тузилмалари асосида иккинчи тушунча ёки ҳукмни категориялаштиришдир. Масалан: *Матвей Семёнович ял-ял ёнаётган қип-қизил, йирик ёқутни таъзим билан олар экан, унинг қиймати жуда баланд эканини сезди* (П.Қодиров. "Ҳумоюн ва Акбар" романи) гапидаги *баланд сўзининг метафорик маънода қўлланишига матн тузувчининг тезаурусига узувал ҳолатда мавжуд бўлган нарх бу – вертикал узунлик тузилишидаги когнитив метафора асос бўлган*. Буни нутқимизда қўлланувчи *нархи пасайди, нархи ўртача, нархи баланд, нархи осмонда* каби бирикмалар ҳам исботлайди²⁴⁴.

²⁴⁴ Saparniyozova M., Lutfullayeva D. Antroposentrik tilshunoslik. O'quv-uslubiy majmua. – Toshkent, 2016-yil.

Юқорида келтирилган мисолдаги нарх категорияси (банк-молия, иқтисод соҳаларига оиддир. Демак банк-молия терминологиясида метофора қирралари намоён бўлади.

Ж.Лакофф ва М.Жонсон тадқиқотида таҳлил этилган *вақт бу – пул, вақт бу – чекланган заҳира, вақт бу – қимматбаҳо* буюм когнитив метафоралари ўзбек тилида сўзлашувчи нутқ эгалари тезаурусига ҳам мавжудлиги (Масалан: *Бу ишга кўп вақт сарфладим; Вақтим тугайдепти; Бехуда ишлар вақтни ўғирлайди*) бир қатор когнитив метафораларнинг когнитив-семантик универсалия эканлигидан далолат беради²⁴⁵.

Банк-молия терминологиясида “пул кўринди” метафораси бир ҳисоб рақамидан бошқа ҳисоб рақамига пул ўтказилганда муайян вақт оралиғида пул ўтказилганлиги маълум бўлганда қўлланилади. Шунингдек, молия соҳасида “пулларни ювиш” метафораси қўлланилади. “Пулларни ювиш” (ёки жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш) тушунчасининг бир неча турли таърифи мавжуд. Кўплаб мамлакатлар БМТнинг “Наркотик воситалар ва психотрон моддаларнинг ноқонуний айланувига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясида (1988 йилги Вена конвенцияси) ва “Транснационал уюшган жиноятчиликка қарши БМТнинг конвенцияси”да (2000 йилги Палермо конвенцияси) қабул қилинган таърифдан фойдаланишади: исталган турдаги (наркотикларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ бўлган) ҳуқуқбузарликлар натижасида, ҳуқуқбузарликларда иштирок этиш натижасида қўлга киритилган мол-мулкнинг ноқонуний манбаини яшириш ёки сир сақлаш мақсадида ёки шундай ҳуқуқбузарликларни содир этишда иштирок этаётган ҳар қандай бошқа шахсга, у ўз ҳаракатлари учун жавобгарликдан қутулиб қолиши учун ёрдам кўрсатиш мақсадида мол-мулкни ўтказиш ёки конверсия қилиш²⁴⁶.

Когнитив метафоралар импликацияни юзага келтирувчи омиллардан бири сифатида сўз, сўз бирикмаси, жумла ёки

²⁴⁵Saparniyozova M., Lutfullayeva D. Кўрсатилган манба.

²⁴⁶ Турапов Р.А. Ўзбекистон Республикаси Божхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари: иқтисод.фан.док... дисс. – Тошкент, 2006. – Б.112.

тагида ўз “изи”ни қолдиради. Метафора асосида маъноси (символи) кўчган бирликлар “когнитив айсберг” (Факкониер теорияси) нинг юза қисми бўлиб, унинг асосий қисми бизнинг кўнгилдан онгимиз тубида яширин ҳолда мавжуд бўлади. Айтиш мумкин, юқоридаги каби ҳолатларни ўзида намоён этувчи когнитив фон ҳодисаси ўзбек тилшунослигида ҳали тадқиқот объекти бўлган эмас. Когнитив фон ҳодисасини метафора, метонимия, ўхшатиш, жонлантириш каби ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш антропоцентрик тилшуносликнинг маркурий муаммоларидан биридир. Д.Лутфуллаева, М.Сапарниёзоваларнинг фикрича, матн семантикасида мавжуд бўлган когнитив метафораларни уларнинг тил сатҳига кўра классификация асосида таҳлил қилиш лозим. Яъни: а) сўз шаклидаги метафоралар; б) сўз бирикмаси шаклидаги метафоралар; в) гап шаклидаги метафоралар; г) микроматн шаклидаги метафоралар²⁴⁷.

Термин – метафоралар соҳа терминларининг детерминлашиши ҳосиласидир. Бу банк-молия терминологиясининг ўзбек тилида сўзлашувчилар кундалик ҳаётига тобора яқинлашаётганлигидан далолат беради.

ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Терминологик тадқиқотларнинг аксариятида объект сифатида танланган соҳа терминологиясини тартибга солиш масалалари ёритилади ва бу бевосита ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Банк-молия терминларини тартибга солиш масалалари соҳа терминологиясининг шаклланиши, тараққиёти билан бир қаторда терминларнинг қўлланилишида инсон омилини ҳам ҳисобга олишни назарда тутати.

Тадқиқот давомида ўзбек тили банк-молия терминларини йиғишда соҳа терминларининг изоҳи, бошқа тилларга таржималари берилган бир қатор луғатлар²⁴⁸ таҳлилга тортилди.

²⁴⁷Saparniyozova M., Lutfullayeva D. Кўрсатилган манба.

²⁴⁸Беделаде, Ниёзматов Ш. Инглизча-ўзбекча-русча тижорат луғати. – Тошкент: А. Кодирий номидаги халқ меъроси, 1977; Либман Г.И., Филатов О.К. Қисқача иқтисодий луғат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988; Тўхлиев Н. Ишбилармонлар луғати.

Ушбу манбаларда банк иши, молия, иқтисодиёт соҳаларида фаол қўлланилувчи терминлар ўз ифодасини топган. Агар мазкур луғатларнинг 90%и 2000-йилгача нашр қилинганлигини ҳисобга олсак, улар сўнгги 20 йил давомида иқтисодиётнинг жадал ривожига, банкларнинг жамият ҳаётидаги муҳим институтлардан бирига айланиши натижасида ўзбек тилида нисбатан кейин пайдо бўлган терминларни қамраб олмаслигини табиий. Шу боис соҳа терминлари орасида кузатиладиган парадигматик муносабатларни таҳлил қилиш жараёнида ушбу луғатлар билан бир қаторда соҳага доир дарслик ва қўлланмалар²⁴⁹ га мурожаат қилинди. Ўзбек тили банк-молия терминологиясининг таракқиётида муҳим аҳамият касб этувчи калька ҳодисаси қай даражада амал қилишини аниқлаш мақсадида рус тилидаги нашрлар²⁵⁰ да берилган терминлар ўзбек тилига қиёслаб ўрганилди.

Ўзаро синоним сифатида қўлланилаётган терминлар маънолари изоҳланди, жоиз бўлганда синонимик қатордаги энг

– Тошкент, 1993; Дўстмухаммедов Ж. Инглизча-русча-ўзбекча иқтисодиёт атамалари луғати. Тошкент, 1994; Ҳайдар М. Иқтисод-банк изоҳли луғат: монография. – Тошкент: Минҳож, 1996.; Мусаев К.М. Иқтисодиёт. Молия. Банк. Тижорат: инглизча-ўзбекча луғат. Бел жилдлик. Т.1. –Тошкент: Ўқитувчи, 1998; Саиджонов С.Й. Бозор иқтисодиётига доир баъзи атамаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000; Эргашев Т. Иқтисодий атамаларнинг ўзбекча-инглизча-русча луғати. –Тошкент: Шарқ, 2001; Мусаев К.М. Инглизча-русча-ўзбекча иқтисодий луғат. 1-жилд.– Тошкент: Фан, 2001; Каримова И. Банк терминларининг французча-русча-ўзбекча луғати. – Тошкент: Маънавият, 2002; Полвон М. Словарь современного бизнесмена: (русско-узбекский)= замонавий ишбилармон луғати. – Ташкент: Адолат, 2008 - 416 б.

²⁴⁹ Маликов Т. Молиявий менежмент: монография. – Ташкент: Академия 1999; Ўзбекистон Республикаси банк тизими/ Ф.М.Муллажонов таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001; Ҳайдаров Н. Молия. –Ташкент: Академия, 2001; Шодиев Ҳ. Молия статистикаси: дарслик. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2002; Рашидов О.Ю., Алимов И.И., Тоймухамедов И.Р., Тожиев Р.Р. Пул, кредит ва банклар: дарслик. –Тошкент:ТДИУ, 2008.

²⁵⁰Ивина Л.В. Терминология венчурного финансирования: учеб. пособие для вузов. – Москва, 2002; Аникеева А.А. Эволюция налоговой терминологии и развитие форм налогов. – Волгоград, 2002; Инкотермс-200. Международные правила толкования торговых терминов. – Нева, 2003; Банки и банковское дело. –Санкт-Петербург, 2003; Вадейко Е.И. 350 терминов и понятий по рыночной экономике. – Москва: МГУЛ, 2005; Жарковская Е.П. Банковское дело: учебник. 4-е изд. – Москва, 2006.

бул, миллий тилимизга оид терминлардан бирини қўллаш
қилинди.

Масалан: *аванс* – бўнак; *акционер* – ҳиссадор; *альпари* –
инвентар; *альянс* – иттифоқ; *аманко* – қарздорлик; *амбаллаж*
қодоқлаш; *аннуляция* – бекор қилиш; *актив* – фаол маблаг;
артер – мувоза; *демпинг* – арзонгаровга бериш, муфт бериш;
арбитраж – шартнома, битим; *баланс* – ҳисоб, мувозанат;
актив – қарздорлик; *пеня* – ўсим; *счёт* – ҳисоб рақами;
инфляция – қадрсизланиш; *дефляция* – қадрлатиш; *капитал* –
заҳира, маблаг; *ажисо* – тафовут; *арбитраж* – олди-сотди
амалиёти; *депонент* – заҳирага қўйиш, заҳирада сақлаш;
дисконт – валюта курсидаги фарқ, курсора; *лот* – савдога
тикарши, тикилган маблаг; *паритет* – тенглик; *трансферт* –
тиказиш; *чартер* – вақтинчалик; *бухгалтерия* – ҳисобиёт;
эсконт – воситачи, даллол; *компания* – ширкат; *гарант* –
сифолатчи, кафил. Қайд қилинган терминларнинг айримлари,
хусусан *шартнома* термини мулоқотда фойдаланилади. Аммо
қўлланилиш қўламини тартибга солиш мақсадида барча
маъъриий ҳужжатларда мазкур терминнинг ишлатилишида бир
қилишни таъминлашга эришиш лозим.

Бу каби терминлар яқка ҳолатда қўлланилишидан ташқари
ўнлаб терминларнинг минимал элементи сифатида қатор банк-
молия терминларини ҳисобга олсак, 30га яқин терминнинг
қўлланилишини тартибга солиш орқали салмоқли микдордаги
терминларнинг миллий тилимизда қўлланилишига эришамиз.

Маълумки, ижтимоий муҳит тақозоси билан банкларнинг
кредит бериш фаоллиги кузатилмоқда. Натижада
мамлакатимизнинг деярли ҳар бир фуқаросида банклар
томонидан таклиф қилинувчи ушбу хизмат туридан
фойдаланиш эҳтимоли ортиб бормоқда. Бу амалиёт билан
